

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
*УЎК 811.512.133'1*

**УМУРЗАҚОВА МАРҲАБО ЭГАМБЕРДИЕВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ  
ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 - Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий  
даражасини олиш учун тайёрланган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Н.М.Маҳмудов**  
филология фанлари доктори, профессор

**Тошкент - 2019**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.</b> Диссертация аннотацияси.....	3
<b>I БОБ.</b> ЎЗБЕК ТИЛИ СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ СЕМАНТИК-СТРУКТУР ТАВСИФИ ВА ЎРГАНИЛИШ МУАММОСИ.....	10
1.1. Тилшуносликда сегментация ҳодисасининг ўрганилиши.....	10
1.2. Сегмент қурилмаларнинг семантик-структур тузилиши.....	20
1.3. Сегментациянинг ёндош ҳодисалардан фарқи.....	31
1.4. Атов гаплар сегмент қурилма сифатида.....	45
1.5. Тасаввур номларининг сегментлаш асосида шаклланиши.....	56
<b>БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>62</b>
<b>II БОБ.</b> СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ПРАГМАСТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	<b>64</b>
2.1. Сегмент қурилмалар матн эмоционаллигини таъминловчи восита сифатида.....	64
2.2. Сегментли матнларда сўзловчи прагматик интенцияси ва лингвостилистик хосланиш.....	76
2.3. Сегментли матнларда актуал бўлиниш муаммоси.....	85
<b>БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>95</b>
<b>III БОБ.</b> СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ВАЗИФАЛАРИ.....	<b>96</b>
3.1. Сегмент қурилмалар прагматик тадқиқ объекти сифатида.....	96
3.2. Сегмент қурилмалар орқали баҳо муносабатининг ифодаланиши.....	104
3.3. Сегмент қурилмалар пресуппозиция сигнализатори сифатида	114
3.4. Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси.....	121
<b>БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>127</b>
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>129</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>132</b>

**КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида сўнгги йилларда лингвопрагматика соҳасида катор тадқиқотлар амалга оширилди. Тил бирликларига нутқ жараёнида нутқ эгаларининг муносабати, воқелик, объектив оламни акс эттиришда тил бирликларининг ўрни масаласини ёритиш муҳим вазифалардан саналади. Нутқ жараёнида адресантнинг адресатга муносабати, берилаётган ахборотнинг муҳимлигига кўра коммуникатив мақсад билан гапни қайта тузиш натижасида шаклланадиган синтактик қурилмаларни ўрганиш, уларда сўзловчи прагматик интенцияси, баҳо муносабатининг акс этиши, бундай синтактик қурилмаларнинг бадий матндаги ўрни ва эмоционалликни таъминлашдаги аҳамияти масаласини ёритиш соҳанинг асосий муаммоларидан биридир. Олинган илмий хулосалар сегмент қурилмалар лингвопрагматик хусусиятларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида экспрессив қурилмалар, жумладан, сегмент қурилма шаклларида бири тасаввур номлари, мавзу ифодаловчи гаплар ҳақида тадқиқотлар олиб борилган. Бу қурилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари, юзага келиши, контекст билан боғлиқлиги, ёндош ҳодисалардан фарқи, уларда тема-рема муносабатининг акс этишини тадқиқ этиш долзарбдир. Сегмент қурилмаларнинг лингвистик табиатини аниқлаш, матн ҳосил қилишдаги ролини белгилаш, синтактик-семантик хусусиятларини ёритиш, ўзбек тили материаллари асосида уларда актуал бўлиниш, баҳо муносабатининг акс этишини ойдинлаштириш, сегмент қурилмалар пресуппозиция сигнализатори эканлигини асослаш синтактик қурилмаларнинг прагматик таҳлил объекти хусусидаги мавжуд қарашларнинг илмий асосини мустаҳкамлайди, мукамаллаштиради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, айниқса, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг мавқеини кўтариш

бўйича қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар тилшунослик соҳасида илмий-тадқиқот ишларининг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. «Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»лиги<sup>1</sup> ҳали тилшунослар олдида қатор вазифалар борлигини кўрсатади. Ўзбек тилида сегмент қурилмаларни назарий жиҳатдан ўрганиш, ўзбек тили материаллари асосида уларнинг лингвопрагматик хусусиятларини кўрсатиб бериш амалий ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сегмент қурилмалар Европа тилшунослиги, хусусан, рус тилшунослигида кенг тадқиқ қилинган. Ўтган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. 258 (6952)-сон.

асрнинг 60-йилларидан бошлаб дастлаб оғзаки нутқда кенг қўлланилган, кейинчалик ёзма нутққа кўчган ўзига хос қурилмалар ҳақидаги қарашлар ёритила бошланган. Европа тилшунослигининг йирик вакиллари Ш.Балли, А.М.Пешковский, А.С.Попов, Г.Акимова, Н.С.Валгина каби олимлар сегмент қурилмалар ҳақида тадқиқотлар олиб боришган. Сегмент қурилмалар ҳақидаги қарашлар дастлаб Ш.Балли ишларида кузатилса<sup>2</sup>, унинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа ҳодисалардан фарқи ҳақида рус тилшуноси А.М.Пешковский<sup>3</sup>, синтактик-семантик хослик ҳақида А.С.Попов сўз юритган<sup>4</sup>.

Ўзбек тилшунослигида сегмент қурилмалар ҳақидаги илк қарашлар ўзбек тилидаги атов гапларни тадқиқ қилган А.Ғофуров диссертациясида учрайди<sup>5</sup>. Олим ҳодисани айнан шу ном билан атамаса-да, ушбу қурилмага мос келадиган бирликларнинг услубий хусусиятлари ҳақида сўз юритган. Сегмент қурилмаларнинг табиати, юзага келиши, кўринишлари ҳақида А.Аҳмедовнинг мақоласида маълумотлар келтирилган<sup>6</sup>.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистикага оид қарашлар дастлаб А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Д.Лутфуллаеванинг ишларида берилган бўлса, Ш.Сафаров, М.Ҳақимов, С.Боймирзаева, А.Пардаев, М.Қурбонова<sup>7</sup>ларнинг тадқиқотлари бу йўналишда келгусида амалга ошириладиган ишларга назарий асос бўлиб хизмат қилади. Шундай бўлса-да, бугунги кунга қадар ўзбек тилшунослигида сегмент қурилмаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

---

<sup>2</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: И-Л.Издательство Иностранной литературы, 1955.

<sup>3</sup> Пешковский А.М. Русский язык в научном освещении. – М.,1956.

<sup>4</sup> Попов А.С. Развитие грамматики и лексики современного русского языка. – М.: Наука, 1964.

<sup>5</sup> Ғофуров.Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек тилида номинатив гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1962.

<sup>6</sup> Аҳмедов А. Ўзбек тилининг экспрессив синтаксисига хос бир конструкция ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. 3-сон. – Б. 34–39.

<sup>7</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2017; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти: Филол. фан. д-ри (DSc)... дисс. – Тошкент, 2018.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилида сегмент қурилмаларнинг семантик-структур, лингвопрагматик хусусиятларини ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сегмент қурилмаларнинг семантик-структур тузилишини тасниф қилиш, морфологик белгиларини ёритиш;

сегмент қурилмаларнинг бошқа ёндош ҳодисалардан фарқли жиҳатларини аниқлаш;

атов гаплар, тасаввур номларининг сегментация ҳосиласи эканлигини далиллаш;

сегмент қурилмалар матн эмоционаллигини таъминловчи восита эканлигини асослаш, матн шакллантириш имкониятларини ёритиш;

сегментли матнларда сўзловчи прагматик интенциясининг акс этишини ёритиш ва прагмастилистик хосланишини кўрсатиб бериш;

сегментли матнларда актуал бўлиниш муаммоси, сегмент қурилмаларнинг коммуникатив хусусиятларини ёритиш;

сегмент қурилмаларнинг лингвопрагматика тадқиқ объекти эканлигини асослаш, уларда баҳо муносабатининг ифодаланиши, пресуппозиция сигнализатори эканлиги каби масалаларга ойдинлик киритиш, дейктик белгили сегмент қурилмаларни тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тилидаги матнларда сегмент бирликлар, хусусан, А.Мухтор, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, У.Азим, Ҳ.Худойбердиева, Э.Аъзам, М.Юсуф, Й.Эшбек, С.Саййид, Иқбол Мирзо, У.Ҳамдам каби шоир ҳамда ёзувчиларнинг бадиий асарларидан олинган материаллар олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек тилида қўлланиладиган сегмент курилмалар, уларнинг семантик-структур, лингвопрагматик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёслаш, тавсифлаш, таснифлаш, контекстуал таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тасаввур номлари ва мавзу ифодаловчи гапларнинг сегмент бирлик сифатида таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, воқеликни эслатиш, ишора қилиш хусусиятлари очиб берилган;

сегмент курилмаларда ижобий ва салбий баҳо муносабати ёритиб берилган;

сегмент курилмаларнинг матндаги ўрни, эмоционалликни таъминлаши, матнни шакллантириши, сўзловчи прагматик интенцияси, тасдиқ ва талаб нутқий актининг акс этиши асосланган;

ёйиқ сегмент курилмаларнинг гапни мазмунан мураккаблаштириши, уларнинг пресуппозиция сигнализатори эканлиги, дейктик белгили сегмент курилмаларнинг предмет, шахс ва ўринга ишора қилиши очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сегмент курилмаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини кўрсатиш орқали олинган илмий хулосалар синтаксис, прагмалингвистика, стилистика, матн тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, ушбу фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар учун манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

олинган илмий хулосалар гапни мазмунан мураккаблаштирувчи синтактик бирликлар, экспрессивликни таъминловчи воситалар, пропозиция, пресуппозиция, дейксис каби ҳодисаларни ўрганишда амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материалларнинг таҳлиллари воситасида асосли

илмий хулосалар чиқарилганлиги, сегмент қурилмаларга ўзбек тилининг хусусий табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида долзарб бўлган синтаксис, прагмалингвистика каби соҳалар юзасидан мавжуд илмий маълумотларни кенгайтириши ва тўлдириши, тилшуносликда гап ёки гап бўлаги сифатида қаралган баъзи синтактик бирликлар ҳақида илмий-назарий хулосалар бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти прагматика масалаларини тадқиқ қилишда зарурий материал бўла олади; олий таълим тизимидаги «Прагмалингвистика», «Матн тилшунослиги», «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Стилистика» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилида сегмент қурилмаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

сегментация, унинг юзага келиши, матн шакллантириш имкониятлари ҳақидаги тушунчалардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 январдаги 89-03-379-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида лойиҳа материаллари сегмент қурилмалар, уларнинг бадий матндаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги янги илмий манба ва қарашлар билан бойиган;

сегментация, пресуппозиция, парцелляция, прагматик интенция, реципиент, пресуппозиция сигнализатори, реприза, антиципация каби прагматикага оид атамаларнинг изоҳлари, уларни тўғри қўллаш бўйича берилган тавсиялардан ФА–Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» номли



фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 23 майдаги 3/1255-1525-сон маълумотномаси).  
Натижада лойиҳа илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

Ўзбек тилидаги сегмент қурилмаларнинг экспрессивликни ифодалашдаги ўрни, ёзувчи услубини шакллантирувчи, бадиийликни таъминловчи услубий восита эканлиги ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2016–2018 йиллар давомида «Маҳалла» канали орқали эфирга узатилган «Аждодлар хазинаси» кўрсатув сценарийларини тайёрлашда самарали фойдаланилган. (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2019 йил 19 мартдаги 01.18.394-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

# I БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ СЕМАНТИК-СТРУКТУР ТАВСИФИ ВА ЎРГАНИЛИШ МУАММОСИ

## 1.1. Тилшуносликда сегментация ҳодисасининг ўрганилиши

Инсон ўзининг руҳияти, кайфияти, ўзгаларга ва воқеликка муносабатини бевосита тил, нутқ орқали ифода этади. У ифоданинг аниқ, тушунарли, таъсирчан бўлиши учун ҳаракат қилади. Шу эҳтиёж туфайли нутқ жараёнида тилдан фойдаланишнинг турли усуллари кашф этилган. Сўзловчи ахборотнинг тўғри ва тўлиқ етиб бориши учун нутқ жараёнида нутқ парчаларини бир-бири билан бириктиришнинг турли йўллари синаб кўради. Ана шундай усуллардан бири нутқни қисмларга, бўлақларга бўлиб узатиш бўлиб, тилшуносликда бу усул сегментация деган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлган.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тилшуносликда «экспрессив синтаксис» термини пайдо бўлди. Экспрессив қурилмаларнинг асосий вазифаси фақат ахборот ифодалабгина қолмай, адресатнинг эътиборини маълум воқеа-ҳодиса, предметга тортиш, диққатини ўша нарсада ушлаб туриш, уни бошқалардан ажратиш, таъкидлаб кўрсатишда ҳамдир. Экспрессив қурилмалардан бири сегмент қурилмалар бўлиб, у икки – сегмент ва асосий қисмдан иборат бўлади. Сегмент термини инглизча сўз бўлиб, «қисм, бўлақ» маъноларини билдиради. Бир гап таркибида ифодалаш мумкин бўлган ахборотни бўлақлар – сегментларга бўлиб бериш орқали экспрессивликнинг ифодаланиши тилшуносликда «сегментация» термини билан аталаётган тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келди. Тилшуносликда сегментация дастлаб фикр ифодалашнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлган. Ш.Балли тилда фикр ифодалашнинг сегментациядан бошқа яна икки турини фарқлайди: сочинение (боғланган), связанный (эга – кесим муносабатига тенг келадиган «Бу қуш учади» типигаги гаплар). «Сегментланган гаплар деб икки боғланган қисмдан ташкил топган, аммо бу

боғланиш тўлиқ бўлмай икки қисмни ажратиш мумкин бўлган гапларга айтилади. Биринчи қисм (А) фикрнинг темаси функциясини бажарувчи, иккинчиси (Z) ремаси (повод) функциясини бажарувчи ҳисобланади»<sup>8</sup>. Ш.Балли биринчи гапни эксплицит ҳолда такрорлаш натижасида сегментланган гаплар юзага келиши бўлиши мумкин деган фикрни билдиради. *Ёмғир ёғаяпти. Биз чиқмаймиз.* Бу ҳол суҳбатдошни иккита деб тасаввур қилганда янада ойдинлашишини таъкидлайди. *А: – Ёмғир ёғаяпти? В: – Ёмғир ёғаяпти? (Сизнинг айтишингизча, ёмғир ёғаяпти?) Биз чиқмаймиз.* Бу ҳолат бизга ўша ҳолатни, яъни В суҳбатдош биринчи гапни такрорлаш жараёнида айтмоқчи бўлган гапни эслаб олиш имконини берганлигини тасаввур қилишга ёрдам беради<sup>9</sup>. Олим сегментланган гапни шакл жиҳатидан боғланган (связанной) гапга қарама-қарши қўяди. 1. *Бу хат, мен уни олмадим.* 2. *Бу хатни мен умуман олмадим.* Келтирилган икки гапда ҳам бир хил ахборот ифодаланган бўлиб, бир-биридан бажараётган вазифаси ҳамда тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Сегмент қурилмалар мулоқот жараёнида мантиқий урғу олган бўлакни ажратиб кўрсатувчи воситалардир. Шунга кўра Ш.Балли сегмент қурилмаларни икки – реприза ва антиципацияга ажратади<sup>10</sup>.

Реприза асосий гап таркибида корреляти олмош бўлган сегмент қурилмадир. Масалан, *Шабнам, бу – тунда ой тўккан аччиқ ёш, Ҳовур, бу – қуёшнинг кўксиди алам* (Иқбол Мирзо).

Антиципацияда эса аввал олмош келиб, унинг нимага ишора қилаётгани уни изоҳлаб келаётган кейинги гап таркибидаги сўздан англашилади. Репризадан фарқли равишда унинг корреляти сифатида субстантив характердаги сўз келади. Баъзан коррелят ифодаланмаслиги ҳам мумкин. *Ана у! Устидаги ятакни ечиб дуч келган ёққа улоқтирди-ю, қоронғулик қаърига ўзини урди* (Л.Бўрихон).

<sup>8</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: И-Л. Издательство Иностранной литературы, 1955. – С.70.

<sup>9</sup> Балли Ш. Кўрсатилган асар. – С. 71.

<sup>10</sup> Балли Ш. Кўрсатилган асар. – С. 187.

Сегмент қурилмаларнинг ҳозирги замон рус адабий тилидаги тараққиётини тадқиқ қилган Г.Н.Акимова экспрессив синтаксис воситаларининг ёзма ва адабий тилнинг оғзаки шакли ўртасидаги муносабатини бир неча босқич асосида ёритади. Тадқиқотчи баъзи бир синтактик ҳодисаларнинг асосида оғзаки нутққа хос элементлар ётишини айтади<sup>11</sup>. Унингча, экспрессив синтаксисга хос умумий жиҳатлардан бири бўлакланишнинг юқори даражадалиги, матннинг сегментланганлиги, яъни унинг оғзаки нутқ билан боғлиқлигидир<sup>12</sup>.

Ўзбек тилшунослигида сегмент қурилмаларга шаклан ўхшаш бўлган атов (номинатив) гапларни тадқиқ қилган Ҳ.Ғофуров антиципацияга муносабат билдирмаган. Тадқиқотчи рус тилшунослигида антиципация термини билан аталган бундай birlikларни бош бўлаги олмош билан ифодаланган номинатив гаплар сифатида баҳолайди. «Номинатив гапнинг бош бўлаги баъзан кишилиқ олмоши билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай чоғда бош бўлак одатда «ана» ёки «мана» деган кўрсатиш юкламалари билан биргаликда келади ва шахснинг мавжудлигини кўрсатади. Масалан: Мана улар. Кўпдан бери бир-бирлари билан дўстлашишни орзу қилиб келар эдилар»<sup>13</sup>. И.Расулов номинатив гапнинг субстантив характерда бўлиши унинг лексик-морфологик табиатини белгилашини, унинг бош бўлаги турдош, атоқли отлар, отлашган сўзлар ва олмош билан ифодаланишини, олмош билан ифодаланганда албатта *ана*, *мана* сўзларини олишини таъкидлайди<sup>14</sup>.

Рус тилшунослигида сегмент қурилмалар дастлаб А.М.Пешковский томонидан тадқиқ этилган. Олим на гап бўлиб шаклланган, на унинг бўлаги саналган сўз ва сўз бирикмалари ҳақида гапириб, бош келишиқдаги сўзлар англатган предметларни, тушунчаларни ажратади. Оғзаки нутққа хос бўлган,

---

<sup>11</sup> Акимова Г.Н. Наблюдения над сегментированными конструкциями в современном русском языке // Синтаксис и стилистика. – М.: Наука, 1976. – С. 237.

<sup>12</sup> Акимова Г.Н. Кўрсатилган манба. – С.238.

<sup>13</sup> Ғофуров.Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек тилида номинатив гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1962. – Б.8.

<sup>14</sup> Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.197.

кейинги гапда у кўрсатиш олмоши билан алоқаланган бош келишикдаги сўзларни ҳам шундай синтактик қурилмалар сирасига киритиш мумкинлигини таъкидлайди. Унингча, сўзловчи бош келишикдаги сўзларни айтганда гап тузишни мўлжаллаган, бу сўз унга эга ёки эганинг аломати сифатида керак бўлишини биледи, мазкур сўз кейинги ўринда олмош билан алмашади. А.М.Пешковский тингловчининг диққатини қаратишга хизмат қиладиган бундай қурилмалар маъруза ўқийдиган ўқитувчилар нутқида фаол қўлланилишини айтиб, уни «лекторский именной» деб атайди, бундай қурилмалар сўзловчининг айнан шу тасаввур номини ажратиб кўрсатиш истагининг натижаси сифатида пайдо бўлишини таъкидлайди. Фикр икки усулда етказилади: аввал ажратилган предмет номи келтирилади, тингловчига ҳозир шу предмет ҳақида нимадир айтилиши маълум бўлади, ҳозирча унинг диққатини қаратмоқ лозим, кейин эса фикр айтилади. Маърузачи нутқида тингловчига енгиллик туғдирилади, оғзаки нутқда эса сўзловчи ўзига енгиллик туғдиради<sup>15</sup>. А.М.Пешковский бадиий адабиёт тилида учрайдиган, оғзаки нутққа хос бўлмай, поэзия ва прозада ишлатиладиган китобий услубга хос бўлган қурилмаларни ҳам келтиради<sup>16</sup>.

Умуман, сегмент қурилмаларга хос бўлган хусусият унинг кейинги гапда коррелятга эга бўлиши, коррелят сифатида эса, асосан, олмош туркумига хос сўзлар келишидир. Атов гаплар сегмент қурилмаларга шакл жиҳатидан ўхшаш бўлиб, баъзан улар бир-биридан фарқ қилмайдиган ҳолатлар ҳам бор. Замон ва макон ифодаловчи отлар билан ифодаланган атов гапларни сегмент қурилмалардан фарқлаш жуда қийинлигини А.С.Попов мисоллар асосида далиллайди, баъзан бир гапнинг ўзи ҳам атов гапга, ҳам сегмент қурилмаларнинг бир тури бўлган тасаввур номига мисол бўла олишини, бундай ҳолларда фарқлашда интонациянинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, предмет ҳақида умумий

---

<sup>15</sup> Пешковский А.М. Русский язык в научном освещении. – М., 1956. – С 405.

<sup>16</sup> Пешковский А.М. Кўрсатилган манба. – С 118.

маълумот бераётган гапларни атов гап, олмош коррелят сифатида келганларини эса тасаввур номлари сифатида олиш мумкин<sup>17</sup>.

Сегмент қурилмалар у билан мос келадиган гап билан қиёсланганда сегментация фикрнинг мантиқан ажратилган бўлагининг сон жиҳатидан кўпайишига хизмат қилишини кўриш мумкин: битта ўрнига иккита мантиқий-мазмуний марказ ташкил қилинади<sup>18</sup>. Сегмент бўлак биринчи мантиқий-мазмуний марказ бўлса, унинг корреляти иккинчи марказдир. Масалан:

*Тугилиш – шиддат-ла тортилган камон,*

*Ўлим, бу – нишонга бориб теккан ўқ* (А.Орипов). Келтирилган мисолда *Ўлим* сегмент бўлаги биринчи мантиқий-мазмуний марказни ташкил этган бўлса, унинг корреляти ҳисобланган *бу* кўрсатиш олмоши иккинчи мантиқий-мазмуний марказни ташкил этган.

Рус тилшунослигида сегмент қурилмаларни тадқиқ қилган Т.Р.Коновалова сегментни гап ҳам эмас, гап бўлаги ҳам эмас деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи бу синтактик қурилмада ўзига хосликка кўпроқ эътибор бериш кераклигини, сегментнинг даражаси ҳар хил бўлиши мумкинлигини таъкидлайди ҳамда гап таркибида бўлмаган сегментларни «мустақил» (свободный), гап таркибида бўлганларни эса «номустақил» (несвободный) деб атайди. Тадқиқотчи «мустақил» сегментни ўзига хос коммуникатив бирлик сифатида баҳолаб, шартли равишда нопредикатив фикр ифодаловчи деб атайди<sup>19</sup>.

Сегмент бирликлар гапми ёки гап эмасми деган савол тилшунослар орасида кенг мунозарага сабаб бўлган. Алоҳида бирлик сифатида гапнинг олдинги қисмига чиқарилганда, аниқловчилар билан кенгайиб келган сегментлар шакл ва мазмун жиҳатидан гапга ўхшаб кетади. У нисбатан кенгроқ ахборот ифодалайди, лекин ундаги фикрнинг тугалланмаганлиги,

<sup>17</sup> Попов А.С. Развитие грамматики и лексики современного русского языка. – М.: Наука.1964. – С. 261-262.

<sup>18</sup> Коновалова Т.Р. Сегментированные конструкции в современной русской речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов. 1973. – С.8.

<sup>19</sup> Коновалова Т.Р. Кўрсатилган авторефат. – С.19.

предикативликнинг йўқлиги гап бўла олмаслигининг асосий сабабидир. Сегмент сифатида ажратилган қисм ёйиқ ҳолда келганда ҳам, йиғиқ ҳолда келганда ҳам мазмунан унга тобе бўлган кейинги қисмни талаб қилиб туради, унинг мазмуни унга тобе бўлган базавий қисмда ифодаланган мазмун билан тўлдирилади. Базавий қисмда олмошнинг келиши, унинг мазмунан бўш сўз эканлиги олдинги қисм билан боғлиқлигини кўрсатади. Сегмент сифатида ажратилган қисм ва коррелят грамматик жиҳатдан ҳар доим ҳам мос келавермайди. Сегмент бош келишида бўлгани учун унинг қайси гап бўлагини сегментлаш асосида юзага келганлиги базавий қисмдаги олмошнинг вазифаси билан аниқланади.

Инглиз тилидаги сегмент қурилмаларнинг турлари, унинг ўзига хос хусусиятлари рус тадқиқотчиси Т.С.Сафронова томонидан ўрганилган. У ўз тадқиқотида сегмент қурилмаларнинг тўрт кўринишини таҳлил қилади: 1) субъект сегмент сифатида келган сегмент қурилмалар; 2) объект сегмент сифатида келган сегмент қурилмалар; 3) олдин олмош, кейин субъект келган сегмент қурилмалар; 4) олдин олмош, кейин объект келган сегмент қурилмалар<sup>20</sup>. Тадқиқотчи сегментланишга асосан гапнинг бош бўлаги эга ва иккинчи даражали бўлаги тўлдирувчи учрашини, чунки бу икки гап бўлаги вазифасида субстантив характердаги сўз келишини таъкидлайди. Тадқиқотчи ўз ишида инглиз тили материалларидан олинган сегмент қурилмаларни таҳлил қилиш орқали улардаги тема-рематик бўлиниш, унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берган.

Тадқиқотчи Т.А.Жаворонкова номзодлик диссертациясида олмош билан алоқаланган сегмент қурилмалар, уларнинг турлари, ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритади. Тадқиқотчининг фикрича, сегментация синтактик бўлакларнинг бир тури сифатида икки кўринишда намоён бўлади: реприза ва антиципация.

---

<sup>20</sup> Сафронова Т.Н. Сегментированные конструкции в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1975. – С.9.

Антиципация кўринишидаги қурилмалар реприза қурилмаларнинг шунчаки акси бўлмай, ўзига хос мураккаб қурилмалардир. Репризада аввал образнинг лисоний идентификацияси намоён бўлади, шакл мазмундан орқада қолади, антиципацияда эса тескариси, мазмун шаклдан кейинда қолади. *Оҳ, бахтсизлик! У бахтнинг таянчидир. Оҳ, бахтиёрлик! Унда бахтсизлик.* (Лао Цзи)

*Қор ёғади... Гуллайди бодом*

*Йиллар ўтар – ўлим силтайди.*

*Фақат ўша... беради ором...*

*Фақат ўша... сизга элтади (У.Хамдам).*

Репризада коррелят ҳар доим ҳам олмошдан иборат бўлавермайди, бошқа сўз туркумидаги сўзлар ҳам бўлиши мумкин, антиципацияда эса коррелят сифатида олмош ва олмош характеридаги сўзлар келади. Реприза қурилмаларда сегмент ва олмош уйғун бўлмаслиги мумкин. Масалан, сегмент сифатида ажратилган сўз бирликда, олмош эса кўпликда, сегмент доим бош келишиқда, коррелят эса бошқа келишиқларда бўлиши мумкин. Антиципацияда эса бу ҳолат кузатилмайди, сегмент ва коррелят доим уйғун ҳолда қўлланилади<sup>21</sup>. Ҳар доим ҳам реприза ва антиципация кўринишидаги қурилмалар бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Антиципация матн қисмларини боғловчи восита сифатида келганда уни реприза қурилма сифатида қайта тузиб бўлмайди. Тадқиқотчи реприза қурилмалари гапларни баъзи муаллифлар гап эмас деб, баъзи муаллифлар эса контекст билан боғланган атов гапнинг бир кўриниши сифатида баҳолашларини таъкидлайди ҳамда сегмент сифатида ажратилган бўлак ўз ичига гап, сифатдош ўрам, эргаш гапни қамраб олиши мумкинлигини кўрсатади<sup>22</sup>.

Аввал субстантив характердаги сўз билан ифодаланган сегмент бўлак, кейин унинг корреляти сифатида олмош келган қурилмалар аввал олмош, кейин от келган қурилмаларга нисбатан мустақил саналади. Шунинг учун

<sup>21</sup> Жаворонкова Т.А. Сегментированные конструкции с пропозитивным местоимением в художественном тексте: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1975. – С.6-9.

<sup>22</sup> Жаворонкова Т.А. Кўрсатилган автореферат. – С.6-7.



антиципация кўринишидаги қурилмаларга эргашган қўшма гапларни киритиш мумкин. Бир ҳавола бўлакли эргашган қўшма гапларда бош гап таркибидаги ҳавола бўлак сегмент қурилмалар таркибидаги олмош каби тингловчининг диққатини маълум бир ўринга қаратиш, уни бошқаларидан ажратиб кўрсатиш вазифасини бажаради. Бу ҳолатни айниқса бир ҳавола бўлакли кесим эргаш гапли қўшма гапларда кўришимиз мумкин. «Энди сизларга муборак топшириқ шуки, ҳар бирингиз алоҳида-алоҳида йўлга отланасиз. Келтирилган мисолда бош гап (*Энди сизларга муборак топшириқ шуки*) эргаш гапдан (*ҳар бирингиз алоҳида-алоҳида йўлга отланасиз*) олдин берилган. Бош гапдагина ҳавола бўлак бор, у шу олмоши билан ифодаланган бўлиб; кесим синтактик ўрнини эгаллаган. Мазмуний жиҳатдан олиб қаралса, қўшма гапда икки денотатив воқеа ифодаланган. Аммо бош гапда ифодаланган денотатив воқеа алоҳида олинганда «чала», яъни предикат жиҳатидан мавҳум»<sup>23</sup>. Бу ҳолатни антиципацияга мисол бўла оладиган кўйидаги мисраларда ҳам кўриш мумкин:

*Шу – қирқ йиллик андишага аламли якун,*

*Кетиб қолди замонадан диёнат, ростлик (М.Шайхзода).*

Сегмент бўлакнинг бир неча сўздан иборатлиги бундай қурилмаларни реприза шаклига ўтказишга монелик қилади. Антиципация матн шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг қисмлари алоҳида фикр ифодалаши мумкин. Тўлиқ ахборот ифодалай олмаган компонент ўзини кейинги матн қисмлари билан тўлдирган пайтда антиципация алоҳида фикр ифодалай олиш имконига эга бўлади.

Сегмент қурилмаларни матн таркибида С.Н.Андриянова ўрганган. У ўзининг номзодлик диссертациясида сегмент қурилмаларнинг матндан ажралган ҳолда ўрганилганлигини, бундай қурилмалар матн ичида, ўзидан олдин ва кейин келган гаплар билан алоқадорликда ўрганилганда уларнинг ўзига хос семантик ва синтактик хусусиятлари ойдинлашишини

---

<sup>23</sup> Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.252.

таъкидлайди<sup>24</sup>. Сегментнинг турли кўринишларга эгаллиги ва унинг таркибида турли қурилмаларнинг мавжудлиги у асосий бир шаклга эга эмас, деган хулосага олиб келмайди. Сегментнинг асосий шакли бош келишиқдаги от ёки отлашган сўзлардир. Бош келишиқдаги от билан ифодаланган сегментлар йиғиқ ва ёйиқ, мураккаблалашган ва мураккаблалашмаган ҳолда бўлиши мумкин. Сегментни изоҳловчи сифатида бош келишиқдан бошқа келишиқдаги сифатлар ва отлар, мослашув ва номослашув алоқасини ҳосил қилган ҳолда функциялашади. От билан ифодаланган сегментлар уюшиқ ҳолда келиши мумкин, бириктирув боғловчилари ва оҳанг ёрдамида бирикади, баъзан гапнинг ажратилган бўлаги бўлиши ҳам мумкин<sup>25</sup>. С.Н.Андрянова қуйидаги кўринишдаги гапларни сегментли қурилмалар сифатида кўрсатади: *Юра менга қизи билан бўлган суҳбат ҳақида сўзлаб берди. Ота ва қиз. Ёлғизланиб қолиб улар бир-бирига муҳтож эдилар, ваҳоланки, кун бўйи бир-бирига бир оғиз сўз айтмас эдилар.* С.Н.Андрянова гарчи сегмент таркибида келган ажратилган бўлак ярим предикат шаклида бўлса-да, сегментларнинг аниқловчи билан кенгайгани, мураккаблалашгани уларнинг предикатликка даъво қилишига асос бўла олмаслигини қайд этади<sup>26</sup>.

Сегмент қурилмалар таркибида бирикмали аниқловчилар, уюшиқ бўлақлар ҳам келиши мумкин. Бу ҳолатда сегмент тасвирнинг тўлиқроқ, аниқроқ бўлишига хизмат қилади. *Узоқларда қолиб кетган Андижон, Қорадарё бўйидаги чорбоғ, ўн бир ёшли ўспирин иниси Бобур мирзо... ва унинг мулозимлари билан чавгон ўйнаган чавандоз кийимидаги гўзал Хонзода...Бу ҳаммаси булутлар орасидан ярқ этиб кўринган офтоб бўлиб бегимнинг қалбини ёшлиқ нурларига тўлдирди* (П.Қодиров).

Сўзларнинг одатий тартибининг ўзгариши сўзнинг коммуникатив жиҳатдан аҳамиятини оширишини ёки камайишини, шу жиҳатдан бундай сўзлар экспрессивликни юзага келишида муҳим восита эканлигини

<sup>24</sup> Андрянова С.Н. Сегментированные конструкции в составе текста: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург.1993. – С.3.

<sup>25</sup> Андрянова С.Н. Кўрсатилган автореферат. – С.6.

<sup>26</sup> Андрянова С.Н. Кўрсатилган автореферат, ўша бет.

М.А.Мишель нутқий жараён материаллари асосида далиллайди. Ш.Баллининг сегмент қурилмаларнинг икки тури бор эканлиги ҳақидаги фикрига таяниб, М.А.Мишель ҳам бошқа тадқиқотчилар каби сегмент қурилмаларнинг икки турини фарқлайди: реприза ва антиципация<sup>27</sup>. Тадқиқотчи мантиқий жиҳатдан ажратилган сўз тема позициясида келганда, у асосий гапда олмош туркумидаги сўз билан такрорланишини, бу эса теманинг асосий гапдаги синтактик вазифасини белгилашда муҳимлигини қайд этади<sup>28</sup>.

Ўзбек тилида бир составли гаплар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, атов гапга ўхшаш ҳолатлар ҳақида сўз юритар экан, тилшунос олим А.Ғуломов «*Хунар. Хунардан унар*» типидagi конструкцияларда бирор предмет-ҳодиса ҳақида фикр баён қилишдан илгари ўша нарса (юқоридаги мисолда *хунар*) бир эслатиб ўтилади, тасаввур берилади, кейин шу тўғрида маълумот берилади» дея таъкидлайди<sup>29</sup>.

Ўзбек тилшунослигида сегмент қурилмалар ҳақида дастлаб А.Аҳмедовнинг «Ўзбек тилининг экспрессив синтаксисига хос бир конструкция ҳақида» номли мақоласида маълумот келтирилган. Мақолада олим бундай қурилмаларни кўш ифодали синтактик конструкциялар сифатида баҳолаб, уларни тема номи конструкцияси дея номлайди<sup>30</sup>. Олим «тема номи»ни кейинги гапнинг бўлаги деб ҳисоблаб бўлмаслигини, бундай гаплар кейинги гапдан интонация жиҳатидан кескин ажралиб туришини, тема номига ишора қилувчи олмош ўртасида синтактик алоқа ҳам, бу алоқани таъминловчи грамматик восита ҳам йўқлигини, ҳамда бундай қурилмаларнинг моҳияти гапнинг актуал бўлиниши ҳақидаги назария асосида очилишини, тема номи ўзидан кейин келган гапнинг темасини олдиндан маълум қилиб, уни таъкидлаб, айириб кўрсатишини таъкидлайди<sup>31</sup>.

<sup>27</sup> Мишель М.А. Особенности формирования экспрессивных синтаксических конструкций в речевых жанрах (на материале современной публицистики: Дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт Петербург. 2002. – С.64.

<sup>28</sup> Мишель М.А. Кўрсатилган диссертация. – С.66.

<sup>29</sup> Ғуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. 1961. – Б. 142.

<sup>30</sup> Аҳмедов А. Ўзбек тилининг экспрессив синтаксисига хос бир конструкция ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. 3-сон. – Б. 35.

<sup>31</sup> Аҳмедов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 36.

Мақола «тема номи»нинг морфологик, синтактик хусусиятларининг очиб берилганлиги, коррелятларининг қўлланилишига кўра гуруҳга ажратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Сегмент қурилмалар экспрессивликни ифодаловчи қурилмалар сифатида «... синтактик бўлакранишга асосланган, аниқ морфологик кўрсаткичлар билан шаклланган синтактик алоқадаги синтакматик сўзшакллар занжирининг бузилишидан ҳосил бўлади»<sup>32</sup>. Д.Худойберганова сегмент қурилмаларга дастлаб матнни шакллантирувчи восита сифатида ёндашган бўлса<sup>33</sup>, кейинги ишларида бундай қурилмаларни прецедент бирликларнинг муайян тури сифатида эътироф этган<sup>34</sup>. Тадқиқотчи сегментли матнлар ҳақида сўз юритар экан, бундай матнлар боғланма матннинг бир кўриниши эканлигини, улар таркибидаги гаплар мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, барчаси матн таркибидан ажратиб олинган бўлак маъносини изоҳлашга хизмат қилишини мисоллар асосида далиллайди<sup>35</sup>.

Умуман сегмент қурилма ҳақида ўзбек тилшунослигида у ёки бу даражада фикрлар баён қилинган. Аммо бундай қурилмаларнинг лингвистик табиати, ўзига хос хусусиятлари, прагматикаси етарлича ўрганилмаганлигини қайд этиб ўтиш зарур.

## **1.2. Сегмент қурилмаларнинг семантик-структур тузилиши**

Адресант коммуникатив жараёнда ўзи муҳим деб ҳисоблаган ўринга адресатнинг диққатини тортиш учун турли воситалардан фойдаланади. Тилшуносликда гапни қайта тузиш, бўлаклаш натижасида ҳосил бўлган қурилмаларнинг асосан уч тури фарқланади: сегментация, парцелляция,

<sup>32</sup> Акимова Г.Н. Кўрсатилган асар. – С.123.

<sup>33</sup> Худойберганова Д. Ажратилган синтактик қурилмаларнинг мазмуний-услубий хусусиятлари // Филология масалалари. – Тошкент, 2003. 3-сон. – Б.72; Сегментли матнлар ҳақида // Филология масалалари. – Тошкент, 2004. 4-сон. – Б.43-45; Ёзувчи услуби ва насрий матннинг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. 6-сон. – Б.65-67.

<sup>34</sup> Худойберганова Д. О новом виде прецедентных единиц // Хорижий тилларни ўқитишнинг бугуни ва эртаси. Халқаро илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2016. –Б.65-68.

<sup>35</sup> Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентриқ талқини. Фил. фан д-ри ... дисс. – Б.156.

антиципация. Сегмент қурилмалар асосан оғзаки нутққа хос бўлиб, бадий нутқда бундай қурилмалардан сўзлашув нутқиға хосликни беришда кенг фойдаланилади. Адресант нутқини ўзи муҳим деб билган қисмдан бошлаши мумкин, бунда сўзловчи муҳим деб ҳисоблаган қисм мантиқий жиҳатдан ажратилиб, гапнинг олдинги қисмига чиқарилади ҳамда фикрнинг темаси вазифасини бажаради. Бунда мантиқий жиҳатдан ажратилган қисм оғзаки нутқда интонация, ёзма нутқда тиниш белгилари ёрдамида ажратилади. Сегмент бўлак тема сифатида келар экан, тингловчининг диққатини маълум бир ўринга қаратиш учун хизмат қилади ҳамда таъкид маъносини кучайтиради, уни изоҳлаб келган гап таркибида эса олмош билан алмашади ёки баъзи ўринларда ўзи такрор келади.

Сегмент қурилмаларнинг сегмент қисмида китобий услубдаги лексика етакчилик қилади, шу сабабли бундай қурилмали гапларда кўтаринки рух, ўзига хос оҳанг ифодаланади. Сегмент учун хосланган шакл бу бош келишиқдаги от, отлашган сўзлар ҳамда ҳаракат номи шаклидир. Бош келишиқдаги сўз бошқа келишиқлардаги сўзларга нисбатан предметни тўғридан-тўғри атайди, бошқа сўзлар билан муносабатни талаб қилмайди, нисбатан мустақил саналади. Бу эса ўз ўрнида фикрнинг темаси учун зарурий шарт ҳисобланади. Сегмент қурилмали гапларда гап таркибидан сегмент сифатида ажратилган қисмга бошқа қисм рема сифатида қарама-қарши қўйилади.

Сегмент қурилмаларни тузилиш жиҳатидан иккига бўлиш мумкин: йиғиқ сегмент бўлақлар ва ёйиқ сегмент бўлақлар.

Йиғиқ сегмент бўлақлар бир сўздан иборат бўлади.

*Муҳаббат! Бу эски нарса, лекин ҳар бир юрак уни янгилайди (Ҳоди Тоқтош).*

*Аёл!...Бу тошларни мумдек эзгучи (Й.Эшбек).*

*Ёлғизлик-бу донги чиқмас якка отдир.*

*Ўз жсуфтидан жуда қанотдир*

*Айтиб бўлмас унсиз фарёддир* (Й.Эшбек). Келтирилган мисолларда муҳаббат, аёл, ёлғизлик каби сўзлар сегмент бўлак сифатида ажратилиб, йиғиқ ҳолда ўзидан кейин келган гапдаги бу олмоши билан алоқаланган.

Ёйиқ сегмент бўлаклар бир неча сўздан иборат бўлиб, бундай гапларда бир неча пропозиция ифодаланиши билан гапни мазмун жиҳатидан мураккаблашишига хизмат қилади: *Салондаги жами қиз-жувоннинг кўзи шунда. Кўпчиликка сеvimли ёш актёр Бахтиёр Азизов! Уни барча танийди. Бутун Ўзбекистон!* (Э.Аъзам). Келтирилган мисолда сегмент бўлак кўпчиликка сеvimли ёш актёр Бахтиёр Азизов бўлиб унда «Бахтиёр Азизов ёш», «уни кўпчилик севади» деган пропозициялар ифодаланган.

А.Аҳмедов экспрессивликни ифодалайдиган бундай қурилмаларни «тема номи» деб атайди ва уларни йўналишига кўра икки турга ажратади: предметлик тема номи ва сўзлик тема номи<sup>36</sup>. Биринчи турда тингловчининг диққати маълум предмет ёки тушунчага қаратилиши таъкидланади, бунга олим «*Деворлар... Нелар йўқ улар ортида* (Омон Матжон). *Тошкентим метроси! Аслида қурмоқда уни... – бутун ватаним* (Э.Охунова)» каби мисолларни келтиради. Сўзлик тема номи ҳақида сўз юритар экан, бундай тема номи «тингловчининг диққатини муайян товушдан ёки товушлар комплексидан ташкил топган сўз ёки сўзларга жалб қилади. Масалан: *Будапешт! Эндиликда ҳаммининг оғзидан шу сўз тушимас эди* (О.Гончар)»<sup>37</sup> дея фикр юритади.

Эътибор берилса, бундай ажратиш ўзини оқламагандай кўринади. Маълумки, ҳар қандай сўз товушлар комплексидан таркиб топади. Тушунча, предмет номини ифодаловчи сўзларда ҳам бундай ҳолатни кузатишимиз мумкин. Олим сўзлик тема номи бўлиб фақат бош келишиқдаги от эмас, бошқа шаклдаги сўзлар ҳам келиши мумкинлигини таъкидлайди ҳамда бунга олдинги гапдан узилган бўлакни қайта такрорлаш натижасида ҳосил бўлган ҳолатдаги бирликни мисол тариқасида келтиради ва бундай сўзлик номини

<sup>36</sup> Аҳмедов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 36.

<sup>37</sup> Аҳмедов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 35.

цитата дея баҳолаш мумкинлигини қайд этади<sup>38</sup>. Тема номи қурилмалар ҳақида сўз юритар экан, А.Аҳмедов уларни структурал жиҳатдан уч турга бўлади: бир сўздан иборат бўлган тема номи, нопредикатив бирикмадан иборат бўлган тема номи ҳамда тенг боғланиш ёрдамида ҳосил қилинган тема номи<sup>39</sup>.

Бир сўздан иборат тема номи биз йиғиқ сегмент бўлак деб ажратган ҳолатга тўғри келади. Нопредикатив бирикмадан иборат тема номи эса таркибан бўлакраниши мумкин бўлган, орасида тобеланиш муносабати бўлган икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлган бўлаклардир. *Алҳосил, бу дунёда тиниб-тинчимаган замонапараст Мирзо Рамазон қазо қилди. Валламат Мирзо Рамазон атиги эллик тўрт ёшида тўсатдан дунёни тарк этди. Ёлғиз ўғлига Фидель дея ажнабий номлар қўйган ажабтовур зот! Ундан жанозасига етиб келолмаган биргина ўғил қолди. Унга берилган ўша заройиб исм ҳам қолди: Фидель. Фидель Кастро Рус, серсоқол, оташин инқилобчи!* (Э.Аъзам) Келтирилган мисолдаги сегмент бўлак ёлғиз ўғлига *Фидель дея ажнабий номлар қўйган ажабтовур зот* ёйиқ ҳолда ифодаланган бўлиб, ёзувчи таърифланаётган қаҳрамониға урғу бериш, унинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш, воқеликни китобхон кўз ўнгида ёрқинроқ ифодалаш учун сегментлаш усулидан унумли фойдаланган. Ёзувчи қаҳрамонининг тиниб-тинчимаган замонапарастлигини айнан унинг ўғлиға қўйган ажабтовур исми билан эслатишда сегментация усули кўл келган. Гапни сегментланмаган ҳолда қайта тузганда экспрессивлик йўқолганлигини кўриш мумкин. *Ёлғиз ўғлиға Фидель дея ажнабий номлар қўйган ажабтовур зотдан жанозасига етиб келолмаган биргина ўғил қолди.*

Сегмент қурилмали гапларда сегмент бўлаклар аниқловчили бирикма бўлишдан ташқари боғловчили бирикмадан ҳам иборат бўлиши мумкин. А.Аҳмедов тенг боғланишли тема номи деб ажратган учинчи тур юқорида келтирилган икки турға нисбатан кам учрайди. Боғловчили бирикмалардан

<sup>38</sup> Аҳмедов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 36.

<sup>39</sup> Аҳмедов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 37.

иборат бўлган сегмент бўлакда экспрессивлик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Экспрессивлик боғловчили бирикма такрор қўлланганда ёки бирикма таркибидаги сўзларнинг ўрни алмашганда таъсирчанлик янада кучлироқ акс этади, таъкид маъноси ёрқинроқ бўёқларда берилади. *Нодир ва Нилуфар! Нилуфар ва Нодир! Улар шундоқ пишқириб оқаятган сувнинг лабида, фақат бири у томонда бўлса, бошқаси бу ёқда эди* (У.Ҳамдам).

Сегмент қурилмаларни рус тилида газеталар тили материаллари асосида тадқиқ қилган Т.Н. Ишмекеева уларни қуйидагича таниф қилади:

1. Модель  $N_1$ . Минимал атов бирлик билан шаклланган сегмент қурилма. Бундай моделга биз йиғиқ сегмент қурилма деб ажратган тур тўғри келади.

*Пахта...*

*У севгидек мавзудир ўлмас,*

*У илҳом чашмаси – мангу булоқдир* (Э.Воҳидов).

2. Модель  $N_1 + N_1$  Бундай моделга бириктирув муносабати билан боғланган бирликлардан иборат сегмент қурилмалар мос келади. *Сабо ва Самандар. Самандар ва Сабо* (Улуғбек Ҳамдам).

3. Модель  $Adj + N_1$  бу моделга биз тобе муносабатли сегмент қурилма деб ажратган тур тўғри келади.

*Ҳилолий нусха гул –*

*Бу менинг юртим.*

*Диёрим тимсоли кекса Тиёншон,*

*Чўзиб икки дарё – икки қўлини,*

*Узатиб турибди Шарқу Фарб томон* (Э.Воҳидов).

4. Модель  $N_1 - N_2$  Бунга қаратқич-қаралмиш муносабатидаги сегмент қурилмалар тўғри келади<sup>40</sup>. *Одамларнинг соддалиги!...Одамларнинг софлиги... азиз армонлари. Йўқ, булар мени бу дунёга сиздирмайди* (А.Мухтор).

---

<sup>40</sup> Ишмекеева Т. Н. Сегментированные конструкции современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2006. – С.8.



Сегмент қурилмаларни қўлланилишига кўра ҳам тасниф қилиш мумкин. Сегмент қурилмаларни рус тили материаллари асосида тадқиқ қилган А.С.Андрянова сегментларни икки турга ажратади: лавҳа мақомида бўлмаган ва лавҳа мақомидаги. Биринчи кўринишдаги сегмент ҳикоя қилиш жараёнида пайдо бўладиган ва чап тарафдаги контекстдан пробел ёки бошқа бирон бир кўрсаткич ёрдамида ажратилмайдиганидир. Лавҳа мақомидаги сегмент эса ҳикоя жараёнида янги бобни ёки мақолани очадиган сегментдир. Лавҳа мақомида бўлмаган сегментга тил материаллари кўрсатганидек уч асосий маъновий функция хосдир: тасаввур бериш функцияси, ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш функцияси, изоҳлаш функцияси<sup>41</sup>. Бундан ташқари, ҳар бир функция матн яратиш функцияси билан мураккаблашиши мумкин, бу сегментнинг маъновий функциясидан келиб чиқади. Кўрсатилган функциялар фақат матнда, маълум бир структура асосида шаклланганда юзага келади. Бунда чап ва ўнг томондаги контекстдаги сўзлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. *Ногоҳон нимадир шарақлаб кетди-ю, Имомовнинг хаёли бўлинди. Дераза! Дераза очилиб кетибди! Ресторанга гуриллаб шамол кирди, илиқ, ёқимтой шабада* (Э.Аъзам).

Сегмент бўлак сўзловчининг кучли ҳис-ҳаяжонини ифода этади. Бундай ҳолатларда сегмент бўлакдан кейин ундов белгиси қўлланилади.

*Қўрғон! Ўзим-қўрғон, ҳей, баланд қўрғон!*

*Собит деворларинг нечун толмайди?*

*Душман киролмайди сенга ҳеч қачон,*

*Аммо дўстларим ҳам кира олмайди* (У.Азим).

Келтирилган шеърий парчада сегмент бўлак сифатида ажратилган сўз *қўрғон* бўлиб, бу мисолда уч ўринда қўлланган: биринчиси сегмент бўлак, иккинчиси уни изоҳлаб келаётган гап таркибидаги кесим, учинчисида сўзловчининг нутқи қаратилган объект, яъни ундалмадир. Бундай ҳолатда қўлланилиш таъкид маъносини янада кучайтиришга хизмат қилади.

---

<sup>41</sup> Андрянова С. Н. Кўрсатилган автореферат. – С.7.

Сегмент бўлак кучли эмоционалликни ифодалаш билан бирга тингловчининг диққатини маълум бир объектга қаратиш вазифасини ҳам бажаради. Сегмент бўлакка коррелят бўлиб келган олмош бир неча вазифада келиши мумкин.

*Ибтидоий, ўтқир қоялар...*

*Бу тоғларнинг осмони мовий,*

*Бунда гуллар фариштасимон,*

*Бунда ҳатто тошлар самовий* (Ш.Раҳмон).

Келтирилган шеърӣ бандда сегмент бўлакка коррелят бўлган кўрсатиш олмоши икки ўринда ҳам ўрин холи вазифасида келган. Бир хил шаклда ҳамда бир хил вазифасида келган коррелят сегмент бўлакнинг ўзиги хос тавсифини беришга хизмат қилган.

А.Аҳмедов «тема номи»ли қурилмаларни коррелятининг ифодаланишига кўра ҳам таснифлаган. Олим коррелят (тема номининг «вакили»)ни олмошли ва олмошсиз коррелятлар тарзида ажратади<sup>42</sup>. Сегмент билан алоқаланган ҳамма олмошларнинг ҳам экспрессивликни таъминлаш имконияти бир хил эмас. Т.Р.Коновалова коррелят сўзнинг характериға кўра сегмент қурилмаларни икки турға бўлади: 1) аниқловчи мазмунли; 2) ҳолат ва макон-замон мазмунли. Биринчи гуруҳдаги қурилмалар (шундай, шунақа равиш характеридаги олмошлар) китобий нутқда кенг тарқалган. Бу (этой) олмоши билан келган сегмент қурилмалар «ўзига хос» қурилмалар сифатида кам қабул қилинади. Уларда экспрессивлик кучли эмас. Сегментнинг шакллари ҳам турлича бўлади. Т.Р.Коновалова сегментнинг структурасини мураккаблашмаган ва юклама, ундов сўз, модал сўз, ажратилган иккинчи даражали бўлаклар ва эргаш гаплар иштирокиға кўра мураккаблашган бўлишини таъкидлайди<sup>43</sup>.

<sup>42</sup> Аҳмедов А. Кўрсатилган мақола. – Б.37.

<sup>43</sup> Коновалова Т.Р. Кўрсатилган автореферат. – С 12.

Ўзбек тилида сегмент бўлак билан алоқаланган гаплар таркибидаги олмошлар ҳам турлича бўлиб, уларнинг қўлланилиши билан ўзига хосликлар юзага келганлигини кўриш мумкин.

1. У учинчи шахс кишилиқ олмоши, у, бу кўрсатиш олмоши билан коррелят сифатида келган сегмент қурилмалар.

*Воқеалар... Фақат улар содир бўлмоқда – кетма-кет, ёнма-ён, ҳатто устма-уст ... (У.Ҳамдам).*

*Ишқ – бу қадимий масаладир,*

*Ҳам заҳардир, ҳам асалдир (Иқбол Мирзо).*

*Халқ, бу асли нима дегани,*

*Сен барг бўлсанг, дарахт дегани.*

*Бутогинга қурт тушмаганми?*

*Шунинг ўзи бир бахт дегани (У.Ҳамдам).*

2. Корреляти белгилаш олмоши бўлган сегмент қурилмалар.

*Бу оғир боғ ичра оғир қадамлар,*

*Ташлаб кетаётган оғиргина қиз.*

*Дунё кўзларингдан дунё аламлар,*

*Томчилар – ҳар бири бир улкан юлдуз (Й.Эшбек).*

*Яна уйқусизлик балоси, яна изтироб, яна ... Ҳаммаси бошидан бошланаётгандек. Ўрнимда ётавериб, у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарилиб чарчадим. Ахийри қўзғалиб ўтирдим ... (У.Ҳамдам).*

Сегмент бўлак баъзан такрор ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда ундан кейин кўп нуқта қўйилади. Кўп нуқтанинг қўлланилиши оҳангга сокинлик эмас, кескинлик бағишлаши ҳам мумкин:

*Фақат ишқ...*

*Фақат ишқ...*

*Бошқаси сароб,*

*Бошқаси шамолнинг оний сурони (Ш.Раҳмон).*

Сегмент бўлак такрор қўлланганда таъкид маъноси кучайганини кўриш мумкин. Бундай қўлланилиш китобхон кўз ўнгида тасвирланаётган

объектнинг яққол намоён бўлишига хизмат қилади ҳамда оғзаки нутқда оҳангга сокинлик бағишлайди.

*Дунё...*

*Дунё...*

*кўп қадим дунё...*

*на туби бор, на чегараси.*

*Сомон йўли бузилган зиё –*

*Сайёранинг тилло зарраси (Ш. Раҳмон).*

Сегментация аввал айтиб ўтганимиздек, фикрнинг мантиқан ажратилган бўлагининг сон жиҳатидан кўпайишига хизмат қилади: битта ўрнига иккита мантиқий-мазмуний марказ ташкил қилинади, шу тарика таъкид маъноси кучайишига эришилади. Рус тилшунослигида бундай ўзига хос қурилмаларни тадқиқ қилган А.М.Пешковский сегмент бўлақларни «гап ичига жойлашган бегона элементлар, худди организмга тушган ўқ» дея баҳолайди<sup>44</sup>. Бундай ҳолларда улар орасида синтактик муносабат бўлмаса-да, мазмуний жиҳатдан боғлиқлик яққол сезилиб туради. Гапнинг бошқа бўлақлари билан алоқаланмай, мазмунан улар билан яхлитликни ташкил қилиши сегмент қурилмаларни ундалма ҳамда кириш бўлақларга яқинлаштиради.

Сегмент қурилмали гапларда одатий тарзда тузилган гаплардан фарқли равишда экспрессивлик кучли бўлиб, адресантнинг муносабати ҳам ифодаланади.

*Қувончи кам дунё, иқболни ҳам кўр,*

*Яшил майдон, копток... – Мана шу иқбол!*

*Ҳамон карахтликда силкинади тўр,*

*Ҳамон дарвозабон ётибди беҳол (У.Азим).*

Сегмент қурилмали гапларда сегмент сифатида ажратилган бўлақдан кейин оғзаки нутқда пауза бўлади, бу тўхталиш адресатни воқеликни тўғри

---

<sup>44</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М. 1956. – С.404.

англашга тайёрлайди, адресант тўхташ орқали асосий эътибор қай ўринга қаратилиши лозимлигига ишора қилади.

*Менинг боболарим – бу кавну макон,*

*Ой қуёш, кечаю кундузлар қадар.*

*Етти иқлимдан то замину замон,*

*Энг кичик илдиздан юлдузлар қадар (С.Саййид).*

Ёзма нутқда паузани ифодалаш учун турли тиниш белгилари, асосан, кўп нуқта, ундов, тиредан фойдаланилади. Сегмент бўлак асосий қисмдан ажратиб олинган таъкид ифодалаётган бўлак эканлигини ифодалаш учун ёзувда бевосита тиниш белгилари асосий восита саналади. Баъзан бош келишиқдаги сўздан кейин уни изоҳлаётган кўрсатиш олмоши ҳам бўлади, лекин тиниш белгисининг йўқлиги уни сегмент бўлак сифатида баҳолай олмаслигимизга сабаб бўлади.

*Бахт бу тўқсон ёшли Синдор буванинг*

*Юзидаги қизил, кўзидаги нур.*

*Бахт бу эл юкини енгил қилганнинг*

*Кўксидаги гурур, қалбидаги сир (Й.Эшбек).*

Келтирилган шеърий парчада *бахт* сўзи шаклан сегмент бўлакка ўхшаб кетади, лекин унда *бахт* сўздан кейин тўхташ интонацияси йўқ, ёзувда эса тиниш белгиси билан ажратилмаганлиги бундай ҳолатдаги тузилмани сегмент қурилмани гап сифатида баҳолаб бўлмаслигига асосий сабаб ҳисобланади. Шеърий мисраларда тиниш белгиларини қуйидагича қўйиш орқали сегмент қурилмани гапни шакллантириш мумкин:

*Бахт. Бу тўқсон ёшли Синдор буванинг*

*Юзидаги қизил, кўзидаги нур.*

*Бахт. Бу эл юкини енгил қилганнинг*

*Кўксидаги гурур, қалбидаги сир.*

Баъзан сегмент бўлақдан кейин унинг корреляти гапда ифодаланмаслиги мумкин, лекин уни изоҳлаб келаётган гапдан унинг ўрнини

топиб олиш мушкул эмас. Бундай ҳолатларда «гапнинг қурилиши ва умумий мазмунидан тема номига ишора сезилиб туради»<sup>45</sup>.

*Нафрат!... Кимга тегади*

*Лаънат ўқларим менинг.*

*Тахтларинг вайрон келсин*

*Фалак, етим қаҳрида (Миртемир).*

Сегмент бўлак билан алоқаланган гапда сегмент бўлакнинг корреляти олмош бўлмай, сегмент сифатида ажратилган сўзнинг ўзи ҳам келиши мумкин. Бундай ҳолларда сегмент олмош билан ифодаланган гапга нисбатан таъкид, ажратиб кўрсатиш кучсиз ифодаланиб, сўзловчи нутқида иккиланиш, ишончсизлик, тараддудланиш ифодаланганлигини сезиш мумкин. *Бу жиҳатдан у отасига тортган эди. Отаси... Отаси шу ўзимизнинг чағатойлардан (Э.Аъзам).*

Сегмент бўлак билан алоқаланган гапларда коррелят сифатида шу сўзнинг синоними ёки унинг бошқа бир шакли келганда таъкид, ажратиб кўрсатиш кучлироқ ифодаланади. Баъзан адресантнинг коммуникатив мақсадига кўра бошқа бир жиҳати очиб берилади, тафсилотлар конкретлашади. *Нақадар ор-номусли халқ! Инсон қадр-қимматини, шаънини кўз қорачигидек асровчи эл! Улар қаҳрамон ўғлонининг пок хотирасини, унга юрак ришталарини боғлаб шу чўлу биёбонлар бағрига келиб қолган, қаттол қисматнинг қаттол кўргуликларига бўйсунмай, ҳануз севиқли ёридан юрак ришталарини узмаган аёл шаънини менга хўрлатиб, топтатиб қўярмиди?! Йўқ, асло! (Л.Бўрихон).*

Сегмент қурилмалар такрор ёки аниқловчи билан кенгайган ҳолда кетма-кет қўлланилиши мумкин: *Қизлар... Ота-оналари ҳисобига яшайдиган боқибегам, сип-силлиқ, олифта йигитчаларни ёқтирадиган қизгиналар! Бир қарашидаёқ нархингизни бехато айтиб беради (Э.Аъзам).* Гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича қайта тузиш мумкин: *Қизлар, ота-оналари ҳисобига яшайдиган боқибегам, сип-силлиқ, олифта йигитчаларни*

<sup>45</sup> Аҳмедов А.Кўрсатилган мақола. – Б.37.

*ёқтирадиган қизгиналар бир қараишдаёқ нархингизни бехато айтиб беради.*  
Бундай ҳолатларда сегмент қурилмалар асосий гапда бош бўлак мақомида бўлиб, ҳаракатни бажарувчи шахсни таъкидлаш мақсадида сегментланган.

Насрий асарлардагига нисбатан шеърий асарларда эмоционаллик кучли бўлиб, сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини ифодалашда сегмент қурилмалар муҳим аҳамиятга эга.

*Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал,  
Балки мен ҳам бахш этурман унга жон-танни.  
Лекин дўстлар, ростин айтсам, мен ўша маҳал,  
Жондан ортиқ севар эдим она-Ватанни (А.Орипов).  
Халқ, бу асли нима дегани?  
Томчи бўлсанг, денгиз дегани.  
Шу денгизга қайта билсанг гар  
Куч-қудратинг тенгсиз дегани,  
Сенинг ўзинг денгиз дегани!.. (У.Ҳамдам).*

Бундай қурилмалар таъкид маъносини кучайтиришга, ажратилган асосий предмет ёки шахсни, воқеликни тингловчи кўз ўнгида ёрқин намоён бўлишига эришишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

### **1.3. Сегментациянинг ёндош ҳодисалардан фарқи**

Тилшуносликда гап ёки матнни бўлақларга ажратиш натижасида шаклланган қурилмалар – гап (матн)дан ажратиб олинган қисм ёки қисмлар қолган бўлақлар билан алоқада бўлади ва турли ўринларда жойлашиши билан фарқланади. Сегментациянинг моҳияти аввал айтиб ўтганимиздек, бир синтактик қурилмага жойлашиши мумкин бўлган ахборотни бўлак(сегмент)ларга бўлиб беришда бўлиб, бунда актуаллаштирилган бўлак бошқа ҳодисалардан фарқли равишда алоҳида бўлак сифатида гапнинг олдинги қисмига чиқарилади. «Сегмент қурилмалар коммуникация учун

кўпроқ аҳамиятли бўлган қисмни мантиқий жиҳатдан бошқаларидан ажратувчи восита саналади»<sup>46</sup>.

Нутқда шаклан сегмент қурилмаларга ўхшаш бирликлар мавжуд бўлиб, улардан бири мурожаат бирликларидир. Сегмент қурилмаларга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири уни тўлдириб, изоҳлаб келган гапда сегмент бўлакнинг корреляти сифатида олмош келишидир. Сегмент бўлакни изоҳлаб келган базавий қисмда унинг корреляти сифатида асосан учинчи шахс кишилиқ ҳамда кўрсатиш олмошлари келади. Мурожаат бирликларида эса нутқ одатда иккинчи шахсга қаратилган бўлиб, мурожаат бирлиги иштирок этган гапда иккинчи шахс кишилиқ олмоши иштирок этади.

Сегмент қурилмаларни тадқиқ қилган В.В.Бабайцева уларни атов гапларнинг бир тури сифатида келтиради<sup>47</sup>. Олимнинг фикрича, предмет ҳақида умумий маълумот бераётган гапларни атов гап, олмош коррелят сифатида келганларини эса тасаввур номлари сифатида олиш мумкин. Сегмент қурилмаларнинг бир тури ҳисобланган тасаввур номлари шаклан мурожаат бирликларига ўхшаб кетади. Ўзбек тилида мурожаат бирликларини тадқиқ қилган Н.Аҳмедова вокатив гап ундалма қатнашган гапнинг экспрессивлик ифодалаш мақсадида парцелляцияга учраши натижасида келиб чиқишини, яъни асосий гапдан узилиб қолиб алоҳида гап бўлиб шаклланишини, бундай вазиятда нутқий акт шуни тақозо қилишини таъкидлайди<sup>48</sup>. Б.Ўринбоев ундалма ва вокатив гапни бир ҳодиса эмас деб ҳисоблайди. «Вокатив формадаги отларнинг бош келишиқ формасидаги сўзлардан дастлабки фарқи шуки, у томондан иккинчи шахс маъносини ифодалайди. Бу унинг асосий хусусияти ҳисобланади. Иккинчидан, у айрим пауза билан ажралиб туриб, ўзида интонацион тугалликнинг элементларини сақлайди. Учунчидан, вокатив форма айрим пауза билан ажралиб туриши ва

<sup>46</sup> Мишель М.А. Особенности функционирования экспрессивных синтаксических конструкций в речевых жанрах (на материале современной публицистики: Дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт Петербург, 2002. – С.64.

<sup>47</sup> Бабайцева В.В. Односоставные предложения в современном русском языке. – М.: Просвещение. 1968. – С.137.

<sup>48</sup> Аҳмедова Н. Ўзбек тили мурожаат бирликлари. – Тошкент, 2009. – Б.5.



гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага кирмаганлиги ҳамда ўзининг эмоционаллиги, экспрессивлиги, кучлилиги билан ундовларга яқин туради»<sup>49</sup>. Вокатив гаплар шаклан сегмент қурилмаларга ўхшаб кетади. Уларни бирлаштириб турувчи жиҳат, ҳар иккисининг ҳам бош келишик шаклида эканлиги, тингловчининг диққатини тортишга қаратилганлигидир. Улар орасидаги асосий фарқ – сегмент қурилмали гапларда асосий гапда учинчи шахс кишилик олмоши ёки кўрсатиш олмоши иштирок этса, вокатив гапларда иккинчи шахс маъносини ифодаладиган олмош иштирок этади. Б.Ўринбоев отнинг бош келишик шакли кўп қиррали бўлиб, составли гаплар таркибида эга ҳам, кесим ҳам, ажратилган бўлак вазифасида ҳам кела олишини таъкидлайди. Монографияда келтирилган қуйидаги гаплар сегмент қурилмага мисол бўла олади. «1. *Ҳазил, ҳазилнинг таги зил. 2. Кўкка учиш! Эпчиллик! Мардлик! Қайнаб-тошар бизнинг бу ёшлик*»<sup>50</sup>. Келтирилган биринчи мисол А.Ғуломов келтирган «*Хунар. Хунардан унар*» типидagi қурилма билан айнан бир хил. Б.Ўринбоев ҳам келтирилган икки гапнинг бир хиллигини, фақат бажарадиган функциясига кўра бир-биридан фарқланишини таъкидлайди.

Бу уч ҳодисани қуйидаги мисоллар асосида қиёслаш мумкин.

*Муҳаббат... Унинг ранги, туси, таъми қандай-билмайман* (Э.Аъзамов).

Келтирилган мисолда *муҳаббат* сегмент қурилма бўлиб, асосий гапдаги у кўрсатиш олмоши билан алоқаланган. Гапни сегментланмаган ҳолда қайта қуйидагича тузиш мумкин. *Муҳаббатнинг ранги, туси, таъми қандай – билмайман.*

*Муҳаббат* сўзи вокатив шаклда келиб, чақириш интонацияси билан ҳам айтилиши мумкин. Бунда нутқ иккинчи шахсга қаратилган бўлади.

*Муҳаббат ! Сенинг рангинг, тусинг, таъминг қандай – билмайман.*

Ушбу гапни қуйидаги шаклда ҳам тузиш мумкин. *Муҳаббат, рангинг, тусинг, таъминг қандай – билмайман.* Бундай ҳолда *муҳаббат* ундалма

<sup>49</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.37-38.

<sup>50</sup> Ўринбоев Б. Кўрсатилган асар. – Б.28.

вазифасида келади. Демак, сўзловчининг мақсади, ниятининг турли-туманлигига қараб, тилда ҳар хил қурилмалар танланиши мумкин.

Тилшуносликда содда гапнинг алоҳида ўзига хос бир тури бўлиб, илмий адабиётларда бундай гаплар ҳақида қуйидагича фикр билдирилган: «Ундаш гаплар кўпинча ундов сўзлардан ташкил топади, лекин бутун хусусияти билан ундов категориясига кирмайдиган *йўқ* каби ундов сўзлар билан ҳам ўрни билан ундов гап ҳосил қилади. Бу гапларнинг мазмунига қарасак, уларнинг одатда эмоцияларни, шу билан боғланган истак-буюришларни билдириш билан характерланишини кўришимиз мумкин»<sup>51</sup>. Бундай гаплар бошқа бўлақларга бўлинмаслиги, турли эмоцияларни ифодалаши, одатда бир сўздан иборат бўлиши билан сегмент қурилмали гапларга яқин туради.

Сегмент қурилмаларда ҳам, ундалмали гапларда ҳам экспрессивлик-эмоционаллик кучли бўлади. Ундалмали гаплар ҳам бош келишиқдаги сўзлар билан ифодаланиб, бунда сегмент қурилмали гаплардан фарқли равишда сўзловчи диққатни тингловчига қаратади. «Сўзловчи нутқ жараёнида маълум воқелик ҳақида ахборот бериш давомида тингловчининг диққатини шу ахборотга жалб қилгиси ёки бу ахборотга кўшимча равишда тингловчига ўзининг маълум субъектив муносабатини ифодалагиси келиб қолади»<sup>52</sup>. Вокатив муносабат ифодаловчи ундалмали гаплар сегмент қурилмали гаплар билан ана шу хусусиятига кўра ўхшаш бўлиб, сегмент бўлақда таъкид маъноси ифодаланса, ундалмада эса ундаш муносабати ифодаланади. *Мана, энди сизни табрикласак бўлар, ўртоқ муаллиф! Энди бунингизни анови кўрқоқ раисингиз тугул, ундан каттароғига ҳам дадил элтиб бераверинг – қани, бирортаси гиринг дея олармикан?! (Э.Аъзам)* Ундалмали гапларда сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предмет номи кейинги гапда иккинчи шахс кишилиқ олмоши билан алмашади. *Фарҳоджон, сизни чин*

<sup>51</sup> Ғуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган манба. – Б.144.

<sup>52</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.99-100.

*дилдан қутлайман! – дея самимий такаллуф ила бошланарди битик. – Тўйдан олдин ногора қоқмайин деган андишада сизга маълум қилмаган эдим (Э.Аъзам). Бир кун бир қояга урилгай кема, Рухим, сен вужудни замини ема (А.Орипов). Юлдузлар, мен сизга боққанда хумор, Қалбимда ер ишқи бўлади тўлиқ (А.Орипов).*

Сегмент бўлак учун аҳамиятли жиҳат унинг кейинги гап билан зич алоқадорлигидир. Бундай қурилмаларининг мазмуни нафақат кейинги гап, балки олдинги гап билан алоқадор эканлигида ҳамдир. Тилшунослар тасаввур номларининг шу жиҳатларини ҳисобга олиб уларни атов гаплардан фарқлайдилар. Таъкидлаш керакки, бу хусусиятлар атов гапга ҳам хос бўлиб, улар ҳам ўзидан кейинги гаплар билан алоқадор бўлади. *Даҳшат! Дунёдаги ҳеч нарсдан ҳайратланмай қўйиш даҳшат! Агар сен сизиниб, эътиқод қўйиб келган нарсанг бир кун пуч ва сохта нарса бўлиб чиқса, бу – даҳшат (Н.Эшонкул). Даҳшат сўзи бу ўринда уч марта такрорланиб, китобхоннинг диққатини қаратишга, кучли эмоционаллик ифодалашга хизмат қилган. Кейинги гапда сегмент бирликнинг ўрнида коррелят сифатида олмош эмас, шу сўзнинг ўзи келиши, ажратилган сўздан кейин ундов белгисининг кўйилиши эмоционалликнинг кучли ифодаланишига хизмат қилган. А.С.Попов сегмент қурилмаларнинг атов (номинатив) гапдан асосий фарқи уларда предикативлик категориялари: модаллик, замон, шахс маъносининг ифодаланмаслигида деб кўрсатади. Тасаввур номлари ўзига хос интонацияга, аниқроғи фразага эга. Тасаввур номлари ажратиб кўрсатиш, эмоционаллик ифодалаш вазифасини бажаради. Тасаввур номлари ўзидан кейин келадиган гапларга нисбатан йўлдошлик вазифасини бажаради, шунинг учун тузилади. Шундай синтактик қурилмалар сирасига ундалмали гаплар ҳам киритилади, қайсики, аввал чақириш вазифасини бажариб, мустақил интонацияга эга бўлади<sup>53</sup>.*

Ундалмали гапларда эса ундалма кишилиқ олмоши билан зич алоқада бўлса-да, сегмент қурилма каби ундалмани олмош билан алмаштириб

---

<sup>53</sup> Попов А.С. Кўрсатилган асар. – С. 263-264.

бўлмайди. Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳар доим ҳам ундалмали гапларда кишилиқ олмошлари иштирок этавермайди. Ундалмалар тингловчи шахсни ифодалагани учун ҳам асосан шахс билдирувчи отлардан, баъзан нарса билдирувчи отлардан ва отлашган сўзлардан иборат бўлиши мумкин<sup>54</sup>. Сегмент қурилмали гапларда сегмент бўлак ҳам, ундалмали гапларда ундалма ҳам бошқа гап бўлаклари билан синтактик муносабатга киришмайди, бу бирликлар гапни ҳам шаклан, ҳам мазмунан мураккаблаштиради. Ундалмали гаплар ҳам сегмент қурилмали гаплар каби «ёйиқ – дескриптив шаклда ишлатилади. Чунки мурожаат бирликлари нафақат аташ, балки баҳолаш, характерлаш вазифасини ҳам бажаради»<sup>55</sup>.

Ўзидан кейинги гапдаги коррелят сифатида олмош келган сегмент қурилмали гапларни умумлаштирувчи бўлаги олмош билан ифодаланган уюшиқ бўлакли гаплардан ҳам фарқлаш лозим. Бундай гапларда ҳам бош келишиқдаги сўзлар гап бошида келиб ўзига хос оҳанг билан айтилади ва ўзидан кейинги гапдаги олмош билан алоқаланганга ўхшайди. Масалан: *Рух, ақл, қалб, кўнгил – булар табиатдаги чор унсурга ўхшайди, инсондаги бутун маънавий дунё шу тўртовидан таркиб топилганини Акбар энди билляпти* (П.Қодиров). *Гоҳ газоту жиҳот, гоҳ салб юришлари, гоҳ ҳинд-муслим қирғинлари – бари гаразли мақсадларга хизмат қилган* (П.Қодиров).

Сегмент қурилмаларни кесими от билан ифодаланган, кесим таркибида боғламалар ифодаланмаган содда гаплардан ҳам фарқлаш лозим. «Боғламалар от кесимларни кесим қилиб шакллантириш ва эга билан синтагматик муносабатни юзага чиқариш учун хизмат қилади»<sup>56</sup>.

*Паришон бошимга не ўйлар келди,*

*Ўйладим, мен билмас шумликлар қанча?*

*Олам – тошаётган покиза кундуз,*

*Олам – нопокликдан иборат кеча* (Й.Эшбек).

<sup>54</sup> Ғуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган манба. – Б.150.

<sup>55</sup> Аҳмедова Н. Ўзбек тили мурожаат бирликлари. – Тошкент, 2009. – Б.14.

<sup>56</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи.1995. – Б.76.

Гапда отни кесим сифатида шаклантирган синтетик шаклдаги боғлама иштирок этмаган бундай ҳолатларда эга ва от – кесим муносабати сегмент ва асосий қисм муносабатига ўхшаб кетади. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин.

*Соат бу – тўхтамас дийдору фироқ,*

*Тинимсиз шижоат – шаҳд вақти бўлди* (М.Абдулҳаким).

Келтирилган мисолдаги *Соат бу* бирикмаси шаклан сегмент қурилмага ўхшаса ҳам сегмент қурилма саналмайди. Шаклан *соат* ҳамда унинг корреляти ҳисобланган олмош иштирок этаётгандай кўринса-да, *соат* сўздан кейин эмфатик урғунинг йўқлиги, ёзувда *соат* сўздан кейин тиниш белгисининг қўлланмаганлиги бу бирликни сегмент қурилма сифатида ажратиш имкони йўқлигини белгилайди. Қуйидаги мисолларда ҳам шундай ҳолат кузатилади.

*Вақт ҳеч нарса эмас, вақт ҳамма нарса*

*Вақт – орзу, вақт – умид, тоқат ва сабр.*

*Юракка ўхшайди жажжи бу ларза,*

*Ўлиб тирилади ҳар бир лаҳза бир* (М.Абдулҳаким).

Сегмент қурилмаларни ажратилган бўлакли гаплардан ҳам фарқлаш лозим. «Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари фикрни одатдагига қараганда кучли, ифодали, таъсирли қилиб бериш, у бўлакни мазмун жиҳатидан кучайтириш, грамматик жиҳатдан мустақил ҳолга қўйиш (нисбий мустақиллик) учун махсус интонация билан, пауза билан ажратилади»<sup>57</sup>. Ажратилган бўлакли гапларда ҳам сегментация ҳосиласи саналган гаплар ҳам яхлит бутунликни бўлакларга ажратиш учун қўлланилади. Гапнинг иккинчи даражали бўлаги ажратилганда синтактик ва интонацион бутунлик бузилгани каби сегмент қурилмали гапларда ҳам синтактик бутунлик бузилади. Ана шу жиҳатлари билан улар умумийликни ҳосил қилади. Сегмент қурилмали гаплар шаклан ажратилган аниқловчили гапларга ўхшаш бўлади.

---

<sup>57</sup> Ғуломов А., Аскарлова М. Кўрсатилган манба. – Б.125.

Сегмент қурилмаларни киритма қурилмалардан ҳам фарқлаш лозим. «Киритма гап асосий гаптаги фикр билан боғланган бутун бир фикрни ифодалайди. Киритма гапнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг маълум, тайёр бўлган структурага эга бўлган гапга нутқ momentiда туғилиб қолган эҳтиёж, зарурлигига кўра худди қутилмагандек, бирдан киритилишидир»<sup>58</sup>.

*Момонинг – ҳали у ўттиз ёш жувон –*

*Қучоғи йиғи ва нурга тўлади.*

*Момо, шу чақалоқ – шу бир парча жон,*

*Қирқ бешда Берлинга бориб ўлади (У.Азим).*

Келтирилган шеърий парчада *момо* – шакл жиҳатидан сегментланган бўлакка ўхшаб кетади. *Момо* ҳақидаги маълумот уни изоҳлаётган, бу ўринда киритма қурилмага тенг келган кейинги гапта берилади. Тингловчининг диққатини субъектга қаратиш учун шоир атайлаб гап бошига алоҳида ажратиб чиқаради. Тема сифатида ажратилган сўзга киритма қурилма таркибидаги у кишилиқ олмоши коррелятдай кўринса-да, сегмент қурилмали гаплар каби унинг ўрнини боса олмайди, яъни уни *момо* сўзи билан алмаштириш мумкин эмас. Сегмент қурилмали гапларда сегмент сифатида ажратилган сўз коррелят ўрнига ҳеч қийинчиликсиз ўрнашиши лозим. Бу шеърий парчада *момо* сўзи кейинги бандда яна қўлланилиб, воқелик ҳақидаги тасаввурни тўлдиришга хизмат қилган ҳамда уни яна киритма гап изоҳлаб, тўлдириб келган.

Экспрессивликни таъминловчи, нутқ жараёнида энг кўп қўлланиладиган сегментацияга ўхшаб кетадиган синтактик фигуралардан яна бири парцеллятив қурилмалардир. Парцеллятив қурилмаларнинг ўрганилиши, ёндош ҳодисалардан фарқи, турлари каби масалалар ўзбек тилшунослигида Ш.Ҳайдаров томонидан монографик аспектда тадқиқ

---

<sup>58</sup> Ғулумов А., Асқарова М. Кўрсатилган манба. – Б.159.

килинган<sup>59</sup>. М.Йўлдошев докторлик диссертациясида парцелляция ҳақида куйидагича фикр билдиради: «...парцелляциянинг асл моҳияти гапдаги муайян мантикий таъкидли узвнинг, бўлак ёки бўлақларнинг гапдан ташқарига чиқариб, гапдан кейин келтириб, поэтик актуаллаштиришдир»<sup>60</sup>.

Тилшуносликда парцелляция ва сегментация ҳодисаси, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари ҳақида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Қирғиз тилида парцелляция ҳодисаси ҳақида тадқиқот олиб борган Т.Токаев парцеллятнинг умумий гап структурасидаги услубий роли жуда юқорилигини, парцелляцияланган конструкцияларда парцеллят сўз, сўз бирикмаси шаклида бўлишини, баъзан икки ёки ундан ортиқ миқдорда қатнашиши мумкинлиги, бундай тузилмалар парцеллятли комплекс деб аталишини таъкидлайди<sup>61</sup>. «Парцелляция ҳам яхлит синтактик структурани бўлақлаш ва бу бўлақни асосий гап охирига – таъкидли позицияга чиқаришдир. Шунинг учун парцелляцияни сегментациянинг алоҳида бир кўриниши тарзида баҳолаш мумкин»<sup>62</sup>. Ш.Ҳайдаров сегментация ва парцелляциянинг экспрессив синтаксиснинг усулларидан эканлигини таъкидлаб, улар ўртасидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатларни куйидагича асослайди: «ҳар иккала ҳодисанинг ҳам моҳияти яхлит синтактик бутунликни бўлақлаб, икки ёки ундан ортиқ коммуникатив бирликка ажратишдан иборат; парцеллятив конструкция департизациялана билгани каби сегментланган конструкция ҳам десегментациялана олади ва бу жуфтликлар ўртасида экспрессия ифодасининг мавжудлигига кўра вариантлик муносабати юзага чиқади, шунга кўра бу вариантлар турли лингвопоэтик қимматга эга бўлади»<sup>63</sup>.

Таъкидлаш керакки, сегментацияда ҳам, парцелляцияда ҳам муҳим саналган бўлак ажратиб кўрсатилади. Тилшуносликда экспрессив

<sup>59</sup> Ҳайдаров Ш. Бадиий матнда парцеллятив конструкцияларнинг қўлланилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011.

<sup>60</sup> Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б.278.

<sup>61</sup> Токаев Т.Т. Қирғиз тилида парцелляция: Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Бишкек, 1995. – Б.9.

<sup>62</sup> Ҳайдаров Ш. Кўрсатилган диссертация. – Б.48.

<sup>63</sup> Ҳайдаров Ш. Кўрсатилган диссертация. – Б.51.

синтаксиснинг усули саналган бу ҳодисалар ҳақида турғунлашган қарашга асосан, сегментация ажратилган бўлакни гапнинг олдига чиқаради ва у ҳар доим от характеридаги сўздан иборат бўлиб, бош келишиқдаги сўз билан ифодаланеди. Парцелляцияда эса парцеллят асосий гапдан кейин келиб, морфологик жиҳатдан ҳар хил бўлиб, турли гап бўлақлари мақомида бўлади.

Парцелляция ҳам, сегментация ҳам оғзаки нутққа хос бўлиб, ёзма нутқда улар, асосан, тиниш белгилари воситасида ифодаланеди. Сегментацияга хос бўлган асосий хусусият унинг, асосан, монологик нутқда учраши бўлса, парцелляция ҳам монологик нутқда, ҳам диалогик нутқда учрайди. Парцелляция диалогик нутқда персонажларнинг ўзига хос сўзлашув услубини кўрсатишда, нутқ жараёнида сўзловчининг руҳий ҳолати – қувончи, ғазаби, рўй берган воқеликдан эсанкираш, воқеликка шахсий муносабатини ифодалаш, қўшимча ахборот бериш кабиларни ифода этишда, асар тилини жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришда, бадий асар тилининг ўзига хослигини таъминлашда асосий восита сифатида иштирок этади. Сегментацияда эса бу ҳолат кузатилмайди. Парцелляциядан фарқли равишда сегментация сўзлашув нутқини китобий нутққа яқинлаштиришга хизмат қилади. Сегмент бўлакда ҳам қаҳрамоннинг руҳий ҳолатлари билан боғлиқ ўзгаришлар ифода этилади, парцелляциядан фарқли равишда сегмент бўлақлар нутққа кўтаринкилик, улуғворлик, ўзига хос оҳанг, баъзан сокинлик беришда қўл келади. Сегментацияда сегмент бўлак оғзаки нутқда интонация ёрдамида аниқланади, сегмент бўлакдан кейин тўхташ, бир оз тин олиш интонациясининг йўқлиги сегмент бўлакни ажратиб олиш имконини йўққа чиқаради.

Парцеллят ҳам сегмент бўлак сингари нутқий жараёнда сўзловчининг айтилаётган фикридаги муҳим деб ҳисоблаган ўрнини ёзма нутқда пунктуацион ҳамда оғзаки нутқда оҳанг жиҳатидан ажратишга хизмат



килади. Ҳамда муаллиф томонидан мантиқий урғу берилаётган, бошқа бирликлардан ажралиб турувчи «фикрни тортиш майдони»га айланади<sup>64</sup>.

Базавий қисмининг фикрий тугаллик парцеллят билан мазмуний боғланишида кузатилади, яъни парцеллятсиз асосий қисм мазмунан тўлиқ бўлмайди, чунки муаллиф муҳим саналган қисмни таъкидлаш мақсадида ажратиб олган, усиз гап мазмуни тўлиқ англашилмайди, шу билан бир каторда парцеллят ҳам синтактик тугал қурилма саналмайди. Парцеллятни ҳеч қийинчиликсиз гап таркибидаги ўрнига тиклаш мумкин. Бунда парцеллят гап таркибида бош ва иккинчи даражали бўлақлар мақомида бўлади. «Парцелляция ҳодисасида фикр ифодасини берувчи гап ёки жумла сони кўпайса, парцеллят етакчи гап билан бирлаштирилганда, гапнинг синтактик структураси кенгаяди ва бир пайтнинг ўзида унинг таркибий қисмлари ўртасидаги синтактик муносабат шакли ҳам маълум маънода ўзгаради»<sup>65</sup>. Сегментацияда эса бу ҳар доим ҳам рўй беравермайди. Сегментнинг асосий гапдаги ўрнини унинг корреляти эгаллаган бўлади. Сегмент бўлақ фақат олмош билан ифодаланган коррелят ўрнига ёки мазмунан ўрни сезилиб турган бўш ўринга жойлашади. Сегмент бўлақсиз ҳам асосий гапда мазмун англашилаверади, фақат таъкид, ажратиб кўрсатиш вазифаси бажарилмай қолади. Айниқса, коррелятсиз ёки сегмент сифатида ажратилган сўзнинг ўзи асосий гап таркибида такрор келганда бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Парцелляция экспрессивликни ифодаловчи бирлик саналгани учун ҳам уни матндан ташқарида таҳлил қилиб бўлмайди. Бундан ташқари парцеллят матнга хос муҳим белгилар (нутқий равонлик, бутунлик, экспрессивлик ифодалаш, ахборот бериш)ни ўзида намоён қилади. Парцеллятли қурилмалар матнда тема – рематик бўлинишда асосий ролни ўйнайди ҳамда парцеллят урғу олган, таъкидланган рема сифатида намоён бўлади<sup>66</sup>. Парцеллятли

<sup>64</sup> Алексеенко И.В. Парцелляция как грамматическая структура речи (на материале произведений английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М. 2007. – С.10.

<sup>65</sup> Гаффоров А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва илова қурилмаларнинг синтактик деривацияси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1997. – Б 52.

<sup>66</sup> Добрычева А.А. Парцелляция в прозе С.Довлатова: от предложения к тексту: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Владивосток. 2012. – С.7.

қурилмалар бадийликни таъминлаш, таъкид маъносини кучайтириш хусусиятларига эга. Улар нутқдаги маъно нозикликларини, тингловчи илғай олмаган жиҳатларни, экспрессивликни ифодалайдиган муҳим восита саналади.

Парцеллятли қурилмалардан фойдаланиш «ритмнинг ўзгариши, тежамкорлик тамойили, фикрни лўнда ифодалаш ҳамда ихчам шаклда мазмунли ахборот ёки эмоционалликни бериш билан боғлиқ»<sup>67</sup>. Парцелляциядан фарқли равишда сегментация тилнинг ортиқчалик тамойили асосида юзага келади. Натижада сегмент қурилмалари гапларда семантик-синтактик асимметрия кузатилади. «Тилда семантик-синтактик асимметриянинг юзага келиши тилдаги доимий икки тенденциянинг – ортиқчалик (избыточность) ва тил воситаларининг экономияси тенденцияларининг у ёки бу формада намоён бўлишидан иборат»<sup>68</sup>.

Парцелляция шаклан ўхшаш бўлган илова қурилмалардан фарқ қилади. «Парцелляция бутун қисмни икки ёки ундан ортиқ бўлакка ажратиш билан ўзига хосликни намоён қилади, илова қурилмалар эса гапга қўшимча мазмун тиркайди»<sup>69</sup>. Илова қурилмаларда тайёр қурилмадан кейин қўшимча ахборот берилади, парцелляцияда эса берилаётган ахборотдан энг муҳими тингловчининг диққатини маълум ўринга тортиш учун тайёр гап таркибидан узиб олинади.

Парцелляция ва илова конструкцияларни тадқиқ қилган А.Сковородников парцелляция ва илова конструкцияларни қуйидагича фарқлайди: «Илова конструкциялар гапнинг турғун аспектига хос ҳодиса саналади. Бу грамматик категория ўзига хос грамматик маъно (қўшимча ахборот бериш маъноси) ва ўзига хос грамматик шакл (махсус боғловчилар, боғловчи иборалар ва бошқа формал воситалар)га эгадир. Шунингдек, бу категория ўзига хос структурага эгаллиги билан асосий ва асосий бўлмаган

<sup>67</sup> Валгина Н.С. Активные процессы в современном русском языке. – Логос, 2003. – С.266.

<sup>68</sup> Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи. 1984. – Б.12.

<sup>69</sup> Каркошко О.П. Парцелляция: структура, семантика, функция (на материале русского и немецкого языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Майкоп. 2011. – С.9.

майдонни белгилашда муҳим восита саналади. Парцелляция гапнинг динамик аспектига хос ҳодиса саналади. Бу фикрни бўлаклашга асосланган стилистик усул бўлиб, гапни экспрессивликни ифодалаш учун икки ёки ундан ортиқ бўлақларга бўлишдир»<sup>70</sup>. Ўзбек тилида парцеллятив ва илова курилмаларнинг синтактик деривацияси ҳақида тадқиқот олиб борган А.Ғаффоров боғловчисиз шаклланган иловали курилмаларнинг баъзи жиҳатлари билан парцеллятив курилмаларга ўхшаб кетишини, лекин бундай курилмалар етакчи гап билан қоришиб кета олмаслигини таъкидлайди<sup>71</sup>. Тадқиқотчи боғловчисиз иловали конструкциялар сифатида келтирган мисоллар шаклан сегмент курилмаларга ўхшаб кетади. «–Келиб-келиб қизимни сувчининг ўзлига бераманми? – Унча-мунча сувчимас-ку, онажон. Қаҳрамон». Келтирилган мисолдаги қаҳрамон сўзи шаклан сегмент бўлакка ўхшаб кетса-да, ўзидан олдинги гапга тобелиги билан сегментациядан фарқ қилади. Сегментацияда сегмент бўлак ўзидан кейин келган гап билан зич алоқаланган бўлади. Парцеллятив ва илова курилмаларда эса парцеллят ва илова бўлак ўзидан олдин келган гапни изоҳлаб, тўлдириб келади. Сегментация ва парцелляцияга хос умумий жиҳатлардан бири бу икки курилмада ҳам сўзловчи муҳим деб ҳисоблаган жиҳатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатишдир. Г.Н.Акимова экспрессив курилма бўлиши учун услубий таъсирчанликни ифодалаш муҳимлигини, акс ҳолда уларни экспрессив синтактик ҳодисалар сифатида баҳолаб бўлмаслигини қайд этади<sup>72</sup>. Сегментация ва парцелляция экспрессивликни ифодаловчи синтактик ҳодисалар бўлиб улар орасидаги қуйидаги фарқлар бор:

1. Парцелляциядан фарқли равишда сегментацияда ажратилган сегмент бўлак гапнинг олдига чиқарилади. Актуал бўлакраниш сатҳига кўра сегментация ҳар доим темага, парцелляцияда парцеллят ремага тўғри келади.

---

<sup>70</sup> Сковородников А. П. О соотношении понятий «парцелляция» и «присоединение» // ВЯ.1978. – №1. – С.128.

<sup>71</sup> Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали курилмаларнинг синтактик деривацияси: Филол. фан. номз ...дисс. – Тошкент, 1997. – Б.82.

<sup>72</sup> Акимова Г.Н. Развитие конструкций экспрессивного синтаксиса в русском языке // ВЯ. 1981. – №6. – С.113.

*Мўъжиза! У инсонни тарк этган лаҳзадан эътиборан ақл бовар қилмас ҳалокат бошланади. Фақат жараён аломатсиз касаллик сингари ботинда кечади, кун келиб эса инсонни маҳв этади... (У.Ҳамдам). Яқин беш-ўн йил мобайнида биров бу атрофда у кишининг қорасини кўрмаган – шаҳар четидаги чорбоғида истиқомат қилади. Қишин-ёзин. Ёлғиз. Кампири ўлган. Ие, дарвоқе, нега ёлғиз деяпмиз – анови саф-саф «Сабо»лар-чи? Майли, кейин, кейин (Э. Аъзам).*

2. Сегментацияда сегмент сифатида ажратилган бир тушунча базавий қисмда такрор қўлланиши мумкин, парцелляцияда бу ҳолат кузатилмайди. Сегментацияда базавий қисмда сегментнинг корреляти сифатида асосан олмош туркумидаги сўзлар келади, баъзан коррелят сифатида унинг синоними ёки шу тушунчанинг ўзи такрор келиши кузатилади. Базавий қисмда баъзан сегментнинг корреляти иштирок этмаса-да, мантиқан унинг ўрни билиниб туради. *Кўзлар... кўзлар бу ўтқинчи дунёга ташириф буюриб, яна адам саҳросига абадий равона бўлаётган йўловчиларга айланди-қолди (У.Ҳамдам).*

3. Сегментацияда сегмент бўлакнинг корреляти базавий қисмда от – кесим, эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол позициясида келса-да, сегмент ҳар доим бош келиши шаклида бўлади. Парцелляцияда эса парцеллят ҳар хил гап бўлаги бўлиб, уни базавий гапдаги ўрни бўш бўлади, парцеллятни осонлик билан қайта ўрнига жойлаштириш мумкин. *Келаси сафар учрашганимизда мен сизни бир одам билан таништираман. Деновлик. Анови бедаво касалдан даволаниб юрибди. Номига. (Э.Аъзам) Икки кундан кейин Фарҳод Тошкентга қайтади. Элмира Камолова билан бирга (Э.Аъзам).*

Гапларни департизациялаганда қуйидаги содда ёйиқ гаплар юзага келади: *Келаси сафар учрашганимизда мен сизни деновлик бир одам билан таништираман. Анови бедаво касалдан номига даволаниб юрибди. Икки кундан кейин Фарҳод Элмира Камолова билан бирга Тошкентга қайтади.*

4. Сегментацияда ҳам парцелляцияда ҳам гапнинг бирор бўлагини тўлдиришга, изоҳлашга эътибор қаратилади. Сегментацияда аввал муҳим

ахборот ажратилиб олинади, таъкид маъноси кучайтирилади. Парцелляцияда эса муҳим ахборот асосий ахборотдан узиб олиниб, таъкидлаш вазифасини бажариш учун гап охирига жойлаштирилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, келиб чиқиши оғзаки нутққа хос бўлган бу икки ҳодисанинг ёзма нутқда қўлланилиши ижодкорнинг ўзига хос услубини кўрсатишга, асар тилининг жозибали, таъсирчан чиқишига хизмат қилади ҳамда жонли халқ тилига яқинлашувида муҳим восита саналади.

#### **1.4. Атов гаплар сегмент қурилма сифатида**

Атов гаплар субстантив характердаги сўзлар билан ифодаланади. Бундай гап бўлиб келган сўз бош келишиқдаги от ёки отлашган сўз бўлади. Субстантив сўзни нутқда ажратиб кўрсатиш имкониятлари, уларнинг ифодаланиши турли тилларда турли даражада ўрганилган. Лекин бундай ажратилган қисмларга, уларнинг гапдаги ўрни масаласига доир қарашлар турлича. Айрим олимлар бундай birlikларни гап эмас деб ҳисобласалар, айрим олимлар гап деб ҳисоблайдилар. Ш.Раҳматуллаев атов гапларни гапшакл деб тақдим қилинаётган айрим ҳодисаларнинг бири сифатида беради: «Бирлик, бош келишиқ шаклидаги от лексемашакл ёки феълнинг отдош лексемашакли. Воқеа-ҳодисанинг номига тенг бундай birlikлар атов гап, номинатив гап дейилади. Асли бундай birlikнинг гап эканлиги мустақил равишда эмас, балки ундан кейин келадиган гапшаклга нисбат бериб белгиланади. Бундай номинатив birlik воқеликни номлайди, холос; унинг таркибида кесимни (гапни) шакллантирадиган грамматик категорияларнинг бирортаси қатнашмайди: *Эрта баҳор*. Дехқон ерини экин экишга тайёрлаш билан банд»<sup>73</sup>.

Сегмент қурилмалар субстантив характерда бўлганлиги учун уларнинг асосий қисмдаги алоқаланган бўлаги тўлдирувчи ёки эга бўлади деган қараш

---

<sup>73</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Иккинчи китоб. – Тошкент: Mumtoz so‘z. 2010. – Б.20.

ҳам мавжуд. Лекин тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, сегментланган бўлак ўзидан кейинги гапдаги от – кесим, аниқловчи ва ҳол билан ҳам алоқаланиши мумкин экан.

Атов гаплар сегментлаш натижаси сифатида намоён бўлар экан, ўзидан кейинги гапдаги олмош билан ифодаланган от–кесим билан ҳам муносабатга кириша олади. Бундай ҳолларда кейинги гапдаги от-кесим *олмош+боғлама* шаклида бўлади. *Манфаат! Балки ҳар қандай юксак тушунчанинг ҳам асосини ташкил қиладиган бош унсур шу бўлар* (У.Ҳамдам). Гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича қайта тузиш мумкин: *Балки ҳар қандай юксак тушунчанинг ҳам асосини ташкил қиладиган бош унсур манфаатдир.* Атов ва у билан алоқаланган гап сифатида тузилган ҳамда содда ёйиқ гап гапни қиёслаганда атов гап, уни изоҳлаган кейинги гапда ахборот билан бирга экспрессивликнинг ифодаланганлигини кўриш мумкин. Кесим билан алоқаланган атов гаплардан кейинги гапда от–кесим сўроқ олмоши билан ҳам ифодаланиши мумкин. *Нафрат! Мана, нима унга бу оғир юмушда ёрдам берган куч!..* (У.Ҳамдам). Гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича қайта тузиш мумкин: *Унга бу оғир юмушда ёрдам берган куч нафратдир.*

И.Расулов номинатив гаплар баъзан текст охирида келиши мумкинлиги ҳақида ёзади: «Айрим ҳолларда номинатив гап текст охирида келиб, олдинги гаплар билан семантик муносабатда бўлади: олдинги гапларда ифода қилинган фикрнинг якуни, натижасини ифода қилади»<sup>74</sup>. Аммо бундай конструкциялар тилшуносликда парцелляция ҳодисаси сифатида ўрганилган.

М.Абузалова атов гапларни «кесими от билан ифодаланган ихчам гаплар» сифатида беради ва у ҳақда шундай фикр билдиради: «Бир таркибли ихчам содда гаплар семантик жиҳатдан турли хил модал маъноларни ифодалайди. От–кесимли бир таркибли ихчам гаплар мавжудликни тасдиқлаган пайтда нейтрал маъно, тасдиқни ифодалайди. Масалан:

1. Куз. Бир чеккада майса устида дастурхон ёзилган.

---

<sup>74</sup> Расулов.И. Ҳозирги ўзбек тилида бир составли гаплар. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.188.

## 2. Тонг. Бирин-кетин юлдузлар сўнади»<sup>75</sup>.

Тадқиқотчи бир таркибли ихчам содда гапларни ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гаплар ва уларнинг ички турларига бўлинишини қайд этади.

Атов гап сифатида шаклланган birlikларнинг маъноси аввал айтиб ўтилганидек, матнда реаллашади. Бундай birlik ўзидан кейин келган гаптаги бирор бўлак ёки бир неча гаплар билан алоқаланган бўлади. Сегментлаш натижаси сифатида шаклланган атов гаплар ўзидан кейин келган гаплардаги эга билан ҳам алоқаланади. Бундай атов гапларда ундан кейинги гапнинг эгаси олмош билан ифодаланади. *Кимсанбой! У бизнинг болалардан чиққан қаҳрамонимиз эди* (С.Аҳмад). *Севги! Ахир, у эмасми, Сабо ва Самандарни, кечагина ичига чироқ ёқсанг ёришмайдиган Самандар ва Сабони бугун осмону фалакларга оппоқ-ёмғирларсиз, губорларсиз, енгил булутлардек суздирган* (У.Ҳамдам). Гап ёки матн сегмент бўлакларга бўлинганда ҳис-туйғули нутқ сифатида бўлади, адресатни ҳаракатга келтиради. *Низомжон! У Икромжонга ўғил бўлди, унинг қўш қаноти бўлди* (С.Аҳмад).

Атов гапдан кейин келиб, уни изоҳлаб келган гапларда эга аниқловчилар билан кенгайиб, атов гапта ифодаланган воқеликни аниқлаб, конкретлаштириб келади, сегмент сифатида ажратилган предмет ҳақида батафсил маълумот беришга хизмат қилади. *Тошкент... Ўн беш – йигирма йилдан бери урушнинг совуқ нафаси тегмаган бу шаҳар Самарқандга нисбатан осуда ҳаёт кечирмоқда* (П.Қодиров). Баъзан атов гап бир неча birlikдан иборат бўлиб, ажратилган бўлаклар билан изоҳланиши мумкин. Бу ҳодисани янада батафсил, яққол ифодалаш имконини беради. *Икки тил – ўзбек ва форс тиллари – икки паҳлавон. Улар гоҳ мантиқнинг гурзисини кўтарадилар, гоҳ ҳусн ва салобатларини намойиш қиладилар* (Ойбек). Ёзувчи икки тил ҳақида маълумот бериш учун гапта аниқловчи аниқланмиш

---

<sup>75</sup> Абузалова.М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.71-72.

муносабатидаги уч синтактик бирликдан фойдаланган. Бу гап ўзидан кейин келган эга вазифасидаги *улар* олмоши билан билан алоқаланган. Ёзувчи матнни сегментланмаган ҳолда тўғридан-тўғри *пахлавонлар* сўзини эга вазифасида қўллаб гап тузганда бундай таъсирчан ифода юзага келмаган бўлар эди.

Баъзан сегмент бўлакнинг корреляти ифодаланмаслиги мумкин, лекин унинг ўрни, гапдаги позицияси сезилиб туради. *Тошкент! Одамларнинг бахтини қанчалик бағрикенглик, сахийлик билан кўксига сиздирса, бахтсизлигини ҳам шунчалик бағрикенглик, бепарволик билан қаршилайди* (Ў.Ҳошимов).

Атов гап ўзидан кейинги гапдаги бир неча бўлак билан алоқаланиши мумкин. Бундай ҳолда унинг қайси гап бўлаги билан муносабатда эканлигини биринчи гапдаги олмош билан ифодаланган гап бўлаги билан белгиланади. Лекин матндан узиб олинганда кейинги гап билан ҳам зич боғланганлиги яққол кўриниб туради. *Қадрдон бўлиб қолган дўсту ошнолар... Улар ҳаммада ҳам бўлади. Уларни дабдурустдан ташлаб кетиши ҳаммиша кўнгилсиз* (А.Мухтор). Бу мисолда атов гап биринчи гапдаги эга позициясидаги *улар* олмоши билан ҳам, иккинчи гапдаги тўлдирувчи позициясидаги *уларни* сўзи билан ҳам алоқаланган.

Атов гап сифатида шаклланган лексема ўзидан кейин келган гапда олмош билан алмашмай тўлдирувчи позициясида келса, таъкид маъноси кучайтирилади. *Тегирмон олдида тўда-тўда эшаклар. Одамлар эшакларга бугдой, сўк ортиб келади ва ун, талқон қилиб кетади* (Ойбек). *Аммо ёлғиз ашъор ўқимоқ кифоя қилмас. Тарих! Тарихларни ўқидингизми?* (Ойбек). Асосий гапдан узиб атов гап сифатида шакллантирилган тўлдирувчи уюшиқ аниқловчилар билан келганда предметни ҳар томонлама тавсифлашга хизмат қилади. *Оппоқ, йирик, тўла пишган қабарик бугдой... Кечки овқатдан ва чойдан сўнг ўртага катта дастурхон ёйиб бувим бугдойдан тўкади* (З.Саидносирова). Гап сегментланмаган ҳолда қуйидагича тузилганда таъсирчанлик, таъкид маъноси йўқолади. *Бувим кечки овқат ва чойдан сўнг*



*ўртага катта дастурхон ёйиб оппоқ, йирик, тўла пишган қабариқ буғдойдан тўкади.*

Атов гап уюшган, аниқловчилар билан кенгайган ҳолда ҳам келиши мумкин. Аниқловчилари билан келган ёйиқ атов гапларда экспрессивлик кучли бўлиб, воқеа-ҳодиса ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш мақсади ҳам кўзда тутилган бўлади. *Ҳазин қўшиқлар оғушида мудраган оқшомлар, ой нурига зарқ бўлган оқшом... Тиркаш дунёга келиб энг аввал шуларни кўрганди (Ў.Ҳошимов).* Аниқловчи иккинчи даражали гап бўлакларидан бири бўлиб, тўлдирувчи ва ҳолдан ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. «...аниқловчилар предметнинг белгисини билдириб, у билан зич боғланган ҳолда шу предметнинг мураккаб номини ҳосил қилади ва аниқловчи ва аниқланмиш бир бутун ном сифатида жумла тузилишида иштирок этаётган бошқа предмет номлари билан муносабатга киришади»<sup>76</sup>.

Атов гаплар ўзидан кейин келган гаптаги аниқловчилар билан ҳам муносабатда бўлиши мумкин. Атов гап сифатида шакллантирилган сўз таъкид маъносини олади, китобхоннинг диққатини қаратишга хизмат қилади. Сегментлаш натижасида гап қайта тузилади ва атов гап шакллантирилади. *Гулнор. Йўлчи мана шу қизнинг муҳаббати билан Мирзакаримбойнинг эшигида учинчи қишни кечирмоқда (Ойбек).* Атов гап сифатида шакллантирилган *Гулнор* атоқли отининг корреляти сифатида кейинги гапта аниқловчи вазифасидаги *мана шу қиз* бирикмаси келган. Аслида бир гапга сиғиши мумкин бўлган ахборот иккита гапта бериляпти. Бу гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича тузиш мумкин эди: *Йўлчи Гулнорнинг муҳаббати билан Мирзакаримбойнинг эшигида учинчи қишни кечирмоқда.* Қуйидаги мисолларда атов гап сифатида келган сўз кейинги гапта аниқловчи вазифасида келган. Бундай ҳолларда таъкид маъноси янада кучайтирилади. *Нима қиламиз? Бола. Боланинг кўнгли – пошио (Ойбек).*

---

<sup>76</sup> Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.93.

Уюшиқ ҳолда қўлланган атов гапларда таъсирчанлик кучли бўлади. Китобхоннинг эътибори, диққати тасвирланаётган объектга қаратилади. *Жонсиз ойдин, совуқ жимлик. Зим-зиё зулматдан ҳам кўра бунинг ваҳимаси кучлироқ* (А.Мухтор). Гапни сегментланмаган ҳолда қайта тузамиз: *Зим-зиё зулматдан ҳам кўра жонсиз ойдин, совуқ жимликнинг ваҳимаси кучлироқ.*

Атов гаплар таркибида аниқловчилар баъзан уюшиқ ҳолда ҳам келиши мумкин. Бундай ҳолларда гап ҳам шаклан, ҳам мазмунан мураккаблашади. *Рўпарада ҳақиқий Аму, сернайранг, мудҳиш дарё. Бу ерда унинг эни икки юз қадамгина бўлса ҳам, чуқур, зим-зиё қаъридан чиққан совуқ нафас гўё ўпқондай ўзига тортиб туради* (А.Мухтор). Ўзидан кейинги гапдаги қаратқич аниқловчи билан алоқаланган ушбу атов гап уюшиқ аниқловчилар билан кенгайган ҳолда келиб кўйидаги пропозицияларни ифодалаган. 1. Рўпарада ҳақиқий Амударё. 2. Дарё сернайранг. 3. Дарё мудҳиш. Атов гап таркибидаги аниқловчиларининг маъноси кейинги гап билан изоҳланади.

Атов гаплар асосан қаратқич аниқловчилар билан алоқаланади. Баъзан ўзидан кейинги гаплардаги бу кўрсатиш олмоши билан алоқаланиши мумкин. Бундай ҳолларда олмош гапда эга позициясида, баъзан сифатловчи аниқловчи вазифасида келганда эса ўз сифатланмиши билан бирикмали эга вазифасини бажаради. *Куз... Онага ўхшайди негадир бу фасл* (У.Ҳамдам).

Атов гаплар аниқловчилар билан алоқаланганда асосан қаратқич аниқловчилар билан муносабатга киришганини кўриш мумкин. Сифатловчи аниқловчилар билан алоқаланиши эса кузатилмади, чунки атов гап субстантив характердаги сўзлар билан ифодаланади, сифатловчи аниқловчи вазифасида эса асосан сифат келади.

Сегментлаш натижасида шаклланган атов гаплар ўзидан кейин келган гапдаги ҳол позициясидаги сўзлар билан алоқаланиши мумкин. Бундай гапларда ҳол вазифасида олмош, от ва от характеридаги сўзлар келиши мумкин. Атов гап билан алоқаланган сўз иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайти, ўрнини билдириб келади. *Атрофи яшил темир панжара билан ўралган яланглик. Унда ёйилиб ётган бир қаватли бу колхозлараро хастахонани*

*қуришга Саттор ҳам бир вақт ўз улушини қўшган, лекин келиб кўрмаган эди, унда қандай касалликлар даволанишини ҳам билмайди (А.Мухтор). Биринчи гап сегментлаш натижасида атов гап шаклида қайта тузилган бўлиб, иккинчи гапда яланглик сўзи ўрнида у олмоши қўлланган. Олмошнинг гапдаги вазифаси ўрин ҳоли бўлиб, ёзувчининг мақсади касалхонанинг жойлашиш ўрнига китобхоннинг диққатини қаратиш бўлганлигидан гап шу тарзда тузилган. Гап сегментланмаган тарзда қайта тузилса, қуйидаги бирикмали ўрин ҳоли иштирок этган содда ёйиқ гап ҳосил бўлади. *Атрофи яшил темир панжара билан ўралган ялангликда ёйилиб ётган бир қаватли бу колхозлараро хастахонани қуришга Саттор ҳам бир вақт ўз улушини қўшган, лекин келиб кўрмаган эди, унда қандай касалликлар даволанишини ҳам билмайди.**

Атов гап билан алоқаланган ҳол қатнашган гап дистант ҳолда жойлашиши мумкин. Бундай гапларда таъкид маъноси кучли бўлиб, тингловчига воқеа-ҳодиса ҳақида батафсил маълумот бериш мақсади ҳам кўзда тутилган бўлади. *Яна ўша пайкаллар, чаноқлар, пахталар... Муяссар тагин ишга шўнгиб кетади... Қўллари яна чаноқлар устида ўйнайди (Ў.Ҳошимов).* Бу ўринда атов бирликлар орасидан фақат биттаси таъкидлаш мақсадида ажратиб кўрсатилган, ажратиб олинган сўз бошқа бирликларни ҳам умумлаштира олган. Атов гап сифатида шаклланган сўз ўзидан кейин келган гапда унинг ўрнини босувчи сўз бирикмаси билан алоқаланиши мумкин. *Ҳинд уммони. Охири уфқларга туташиб кетган баҳайбат катта сув ичида улкан кемалар ҳам писта пўчогидай кичик кўринади (П.Қодиров).* Бу мисолда *Ҳинд уммони* атов гапи китобхон кўз ўнгида тасвирланаётган ўринни ифодалаш, таъкидлаб кўрсатиш, маънонинг кучли ифодаланиши таъминлаш мақсадида қўлланилган. Қуйидаги мисолда ҳам атов гап ўзидан кейин келган гапдаги бирикмали ўрин ҳоли билан алоқаланган. *Икки соҳил. Аму воҳаси деб аталган қадим афсонавий бойликлар дунёси кишилик маданиятларининг бу кўҳна тарихий ўчогида тириклик ҳамиша Аму саҳовати билан боғлиқ (А.Мухтор).* Ёйиқ атов гаплар китобхон кўз ўнгида

воқеликни ёрқинроқ, аниқроқ тасвирлашга хизмат қилади. Ўрин ҳоли билан алоқаланган атов гап ўрин-жой оти билан ифодаланади. *Таниш Найманча кўчалари. Башорат одатда бу ерга келганда паранжини ёпиниб олар эди* (А.Мухтор). Ўрин ҳоли билан алоқаланган атов гапларда воқеа-ҳодисанинг юз бериш ўрни таъкидланади, у ҳақда маълумот берилади. Баъзан ундан кейинги гапда олмош эмас, атов гап бўлиб келган гапнинг синоними келтирилади. *Мунгли, безовта яйлов. Панжкамар тарафдан келаётган отлиқ йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳавоси мўтадил, серўт, серсув Гумбулоқ адирига кўтарилгач, қамчи ушлаган қўлини пешонасига соябон қилиб, атрофга қаради* (Самар Нурий). Ёзувчи воқеа-ҳодисанинг ўрни ҳақида маълумот бериш учун аниқловчи билан кенгайган атов гапдан фойдаланган бўлса, таъкидланган бўлак, бу ўринда *яйлов* сўзини кейинги гапда *Гумбулоқ адири* бирикмаси билан алмаштириш орқали воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш ўрнининг аниқроқ бўлишини таъминлаган. Қуйидаги мисолда ҳам ёйиқ атов гап ўзидан кейинги гапдаги олмош билан ифодаланган ўрин ҳоли билан алоқаланган. *Дарвоза биқинида миршаббоши маҳкамаси. Қалъа дарвозалари калидлари тонггача шу жойда сақланади* (Самар Нурий). Гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича қайта тузиш мумкин: *Қалъа дарвозалари калидлари тонггача дарвоза биқинидаги миршаббоши маҳкамасида сақланади*. Кўриниб турибдики, сегментлашнинг натижаси сифатида тузилган атов гап содда ёйиқ гап тарзида тузилган гапдан таъсирчанликнинг кучли эканлиги билан ажралиб туради. Баъзан уюшиб келган атов гаплардан бир таъкид маъносини олиши, улардан биттаси ўзидан кейинги гапдаги бўлак билан алоқаланиши мумкин. Қуйидаги мисолда уюшиқ атов гапнинг ҳар иккаласи ҳам мазмунан кейинги гапдаги ўрин ҳоли билан алоқаланган. *Жонсиз шуъла дунёси, совуқ чексиз жимжитлик. Бу ерда руҳан эзиласиз, фақат Фарбга қарагингиз келади* (А.Мухтор). Гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича қайта тузиш мумкин. Бундай ҳолда иккита содда гап юзага келади: *Жонсиз шуъла дунёсида руҳан эзиласиз, фақат Фарбга қарагингиз келади. Совуқ чексиз жимжитликда руҳан эзиласиз, фақат Фарбга*

қарагингиз келади. Ёки ўрин ҳоли уюшган содда ёйиқ гап тарзида тузиш мумкин. *Жонсиз шуъла дунёси ва совуқ чексиз жимжитликда руҳан эзиласиз, фақат Фарбга қарагингиз келади.* Кўриниб турибдики, сегментланган гапларда таъсирчанлик кучли бўлади. Қуйидаги гапда ҳам атов гап ўзидан кейинги гапдаги ўрин ҳоли билан алоқаланган. *Богча... Бунда қандай дарахтлар йўқ дейсиз. Аммо ҳаммаси тартиб билан экилгани учун бир-бирини қуёшдан тўсмайди ва ораларидан бемалол шамол ўтиб туради.* (Ш.Холмирзаев). Гап сегментланмаган ҳолда қайта тузилса, қуйидагича содда ёйиқ гап ҳосил бўлади. *Богчада қандай дарахтлар йўқ дейсиз.*

Атов гапларнинг ҳол билан алоқаланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, пайт ифодаловчи сўзлар билан шаклланган атов гаплар бадий асарларда кўп қўлланилади ва воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш вақтини, пайтини кўрсатади. Пайт ифодаловчи бирликлар гапда асосан пайт ҳоли вазифасида келса-да, атов гап шаклидаги пайт ифодаловчи бирликлар пайт ҳоли билан эмас, ўзидан кейин келган бир неча гаплар билан мазмунан боғланади, атов гапнинг мазмуни микроматнда ойдинлашади. Вақт маъноли темпорал майдон бирликларининг атов гап сифатида келиши кўп учрайди. «Темпоралликни ифодаловчи воситалар қуйидаги функциялари билан матн шаклланиши учун муҳим аҳамият касб этади: 1) матндаги вақт континууми – воқеа-ҳодисаларнинг изчил, хронологик кетма-кетлигини билдиради; 2) матндаги воқеаларнинг вақтини билдиради: феъл замон формалари воқеа –ҳодисаларнинг умумий ўтган, ҳозирги, келаси замонга тегишлилигини англатса, вақт маъноли лексемаларнинг ушбу вақтнинг аниқ муддатини белгилайди. Феъл замон формалари кўчма маънода қўлланганда атов гапли матн турларида замон тушунчаси вақт ифодаловчи бирликлар орқали англашилади»<sup>77</sup>. Демак, атов гапдаги замон тушунчаси бевосита атов гап сифатида келган бирлик орқали ифодаланади.

<sup>77</sup> Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона, 2004. – Б.106.

Сутка қисмларини ифодаловчи *тонг, саҳар, азон, бомдод, пешин, туш, қиём вақти, чошгоҳ, аср, шом, оқшом, тун* каби лексемалар бадий матнда атов гап сифатида кенг қўлланилади ва воқеа – ҳодисанинг содир бўлиш муддатини кўрсатади. *Тонг пайти. Боғларда ишқомлар узумга тўла. Чиллаки энди қизара бошлаган. Ҳавода қушлар овози янграйди (Ойбек).* Тонг – қуёш чиқа бошлаган пайт, янги куннинг бошланиши. *Тонг пайти* бирикмаси алоҳида атов гап сифатида келиб, баён қилиниши кутилаётган воқеа – ҳодисанинг қайси вақтда, қайси фаслда бўлишини кўрсатишга, матн қисмларини боғлашга хизмат қилган. *Тонг* лексемаси аниқловчилар билан кенгайиб ҳам келиши мумкин. Бундай ҳолларда фақат боғловчи восита бўлиб қолмай, тасвирнинг таъсирчанлигини оширишга, ишонарли чиқишини таъминлашга хизмат қилади. *Ҳали оппоқ тонг. Нур уйғотган қушча товушининг илк кумуш халқалари осмонга ўрлаб кетди (А.Мухтор).* Атов гап матннинг бошқа ўрнида айнан такрорланиши мумкин. Бундай ҳолларда таъкид маъноси англашилади. *Ҳали оппоқ тонг. Гузарда ҳам, қишлоқ кўчаларида ҳам бир кимса йўқ (А.Мухтор).* Фақат нур уйғотган қушча товуши эшитиладиган пайтда ҳеч кимсанинг йўқлигини таъкидлаш мақсадида аниқловчи билан кенгайган атов гап такрор қўлланган.

М.Ҳақимова атов гапнинг тавсифи матнда очилишини таъкидлайди: «Бир гап доирасида маъноси аниқлашмаган сўзлар, сўз бирикмалари, мазмунан изоҳ талаб қиладиган гап типлари, икки ва бир таркибли гаплар ёрдамида бирикишларда ҳам вақт маъноли сўзлар иштирок этади. Яхлит маъноли гап сифатида атов гапни кўрсатиш мумкин. Атов гапнинг тавсифи матнда очилади: *Куз. Йиғим-терим вақти. Хирмон тўла пахта. Иш қизиган. Шийпон аввалгидан ҳам чиройли қилиб безатилган. Теримчилар этак-этак, қоп-қоп пахта териб, хирмонга тўкмоқдалар. Тарозибон ва ҳисобчининг қўли-қўлига тегмайди (Уйғун).* Ушбу матн кузнинг «йиғим-терим пайти» потенциал семаси асосида шаклланган»<sup>78</sup>. Демак, атов гап сифатида келган

---

<sup>78</sup> Ҳақимова М. Кўрсатилган диссертация. – Б.129-130.

лексик бирликнинг матн шакллантириш имконияти унинг потенциал семасига ҳам боғлиқ бўлади.

Баъзан содир бўлган воқеа-ҳодисанинг конкрет вақтини кўрсатиш учун сана, ой, йил аниқ кўрсатилади. *30 июнь куни. Баланд Мачитда тумонат халқ сайловга йиғилган (Ойбек). Ўнинчи июль. Бугун бутун шаҳар ногора садолари билан уйғонди. Эрта тонгданоқ кўчалар халқ билан тўлди. Сурнайларнинг чинқириғи, карнайларнинг «ваҳ-ваҳа-ваҳу-ва» деб жар солиши қулоқларни қоматга келтирар, қўшиқ, кулги, қийқириқлар, болаларнинг қийчуви, ҳаммаси бирга қўшилиб, маҳаллалар шаршарадай гувиллар эди (А.Мухтор).* Пайт ифодаловчи бирликлар билан шаклланган атов гапларнинг ҳаммаси ҳам сегментлаш натижасида ҳосил бўлмайди, шу туфайли атов гапларни таснифлаганда сегментлаш натижасида шаклланган ҳамда мустақил шаклланган атов гаплар сифатида таснифлаган маъқул.

Пайт ифодаловчи бирликлар атов гап шаклида келиб, кейинги гапда олмош билан алмашмай, айнан шу бирликнинг ўзи такрор келиши мумкин. *Ташқарида қора тун. Тун кигиз билан маҳкам тўсилган деразадан мўралай олмаса ҳам, жимжитликда унинг тубсиз қоронғулиги сезилиб турарди (А.Мухтор).* Бу ўринда асосий гапдаги *тун* сўзининг гапдаги вазифаси эгадир. *Тун* сўзини жонлантириш орқали ёзувчи тасвирнинг таъсирчанлигини, ифоданинг оҳорлилигини таъминлашга эришган. Қуйидаги мисолда ҳам *тун* сўзи атов гап сифатида шакллантирилиб, тингловчининг диққатини воқеа содир бўлиш вақтига қаратишга хизмат қилган. *Мана тун. Тунда менинг бошқаларникига ўхшамайдиган умрим бошланади. Тунда мен ўткан кунларим ва келажаким билан учрашаман, улар худди сўнаётган юлдузлардай кўз олдимдан бир-бир учиб ўтади (Н.Эшонқул).* Атов гап билан алоқаланган пайт ҳоли вазифасидаги сўзнинг маъноси иккита кетма-кет келган гапда ойдинлашган ва шу орқали актуаллашган бўлак таъкидланган.

Хуллас, пайт ифодаловчи лексик бирликлар бадий матнда атов гап сифатида кўп қўлланилиб, у ўзидан кейинги гапдаги пайт ҳоли, баъзан эга

билан, кўп ҳолларда гаплар билан алоқаланади ва воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш пайтини кўрсатади.

### **1.5. Тасаввур номларининг сегментлаш асосида шаклланиши**

Сегмент қурилмаларга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири сегмент қисмининг бош келишида ифодаланишидир. Бундай қурилмалар кўпдан тадқиқотчилар назарига тушган бўлиб, улар турлича номлар билан аталади. Тилшуносликда «баҳо ифода қилувчи гаплар», «тасаввур номлари» деб аталиб келинаётган тушунчалар ҳам сегмент қурилмаларнинг бир тури саналади. Тасаввур номлари деб аталган тушунча тилшуносликда кенг тарқалган бўлиб, шакл жиҳатидан ўхшаш бўлган атов гаплар ва тасаввур номлари ўзаро алоқадорликда ўрганилган.

Тасаввур номлари оғзаки нутқнинг кучсиз элементи сифатида намоён бўлади. Бу ҳодисани тадқиқ қилган А.М.Пешковский, А.С.Попов, Ю.М.Скрёбнев бундай қурилмаларнинг ёзма адабиётда қўлланилишини оғзаки нутққа яқинлаштирувчи услубий восита сифатида баҳолайдилар. А.М.Пешковский ажратилган предмет диққатни тортиш учун келтирилиши, сўнг у билан боғлиқ асосий фикр айтилиши, бу кўп ҳолларда сўзловчининг мақсадига мувофиқ юзага келишини таъкидлайди<sup>79</sup>. Ю.М.Скрёбнев бундай ҳодисаларни тилнинг синтактик сатҳида экспрессивликни таъминловчи экстралингвистик омиллар сифатида баҳолайди<sup>80</sup>.

А.С.Попов тилда икки хил маънога эга бўлган синтактик бирликлар борлигини, бу бирликлар сегмент қурилмалар бўлиб, рус тилшунослигида «тасаввур номлари» термини билан аталишини таъкидлайди. «Тасаввур номлари бу – бош келишидаги от ва шу шаклдаги сўз бирикмаси (баъзан от

---

<sup>79</sup> Пешковский А.М. Русский язык в научном освещении. – М.1956. – С. 405.

<sup>80</sup> Скрёбнев Ю.М. Введение в коллоквиалистику. – Саратов, 1985. – С.146.



характеридаги сон) бўлиб, аталаётган предмет кейинги гапдан ажралиб, таъкидлаб кўрсатилиш учун ўзига хос интонацияга эга бўлади»<sup>81</sup>.

А.С.Попов тасаввур номларида аввал бир предмет ҳақида тушунча берилишини, кейинги ўринда эса унинг корреляти сифатида учинчи шахсдаги кишилиқ олмоши келишини, от ва унинг ўрнида келган олмош келишиқда мувофиқ келмаслиги ҳам мумкинлигини таъкидлайди. Тасаввур номлари ўздан кейин келган гапдаги олмош билан зич алоқада бўлиб, предмет атаётган сўзнинг маъноси кейинги гапда ойдинлашади. Ана шу гапда олмошнинг келиши ва унинг мустақил қўллана олмаслиги тасаввур номларини атов гаплардан ажратиб туришини таъкидлаган олим сегмент қурилмалар билан атов гапларнинг уч асосий фарқи борлигини кўрсатиб ўтади: 1. Гапда от билан мувофиқ келувчи ёки ўз ҳолича қўлланилган олмош иштирок этади. Улар от билан бир келишиқда бўлиши ва бошқа келишиқда ҳам бўлиши мумкин. 2. Гапда айнан ўша сўз ёки унинг синоними олмошсиз қўлланилиши мумкин. 3. Гапда тасаввур номи сифатида келаётган предметга хос бўлган умумий тушунчалар олмош иштирокисиз ҳам ифодаланиши мумкин<sup>82</sup>.

И.Расулов тасаввур номларини кесимсиз гапларнинг бир кўриниши деб ҳисоблайди ҳамда бу турдаги гапларда предмет, воқеа-ҳодиса эслатилиши, тасаввур этилиши, лекин тасаввур предмет, воқеа-ҳодисанинг реал мавжудлигига асосланиши, аммо унинг асосида ҳукм предметига айланмаган тушунча ётишини таъкидлайди<sup>83</sup>. Ўзбек халқ топишмоқларининг семантикаси синтаксисини тадқиқ қилган М.Сапарниязова тасаввур номларининг халқ топишмоқларида ифодаланишининг ўзига хослигини таъкидлар экан, уларнинг асосан ёйиқ ҳолда бўлиши, ўрин ҳоли билан кенгайиши кўп кузатилиши, тасаввур номидан кейин икки составли гап

---

<sup>81</sup> Попов А. С. Именительные темы и другие сегментированные конструкции в современном русском языке // Развитие грамматики и лексики современного русского языка. – М.: Наука, 1964. – С. 256.

<sup>82</sup> Попов А.С. Кўрсатилган асар. – С.260-261.

<sup>83</sup> Расулов И. Ҳозирги ўзбек тилида бир составли гаплар. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.210.

кўлланмаслиги, бундай гаплар ёлғиз, кетма-кет ёки такрорий шаклларда кўлланиши мумкинлигини таъкидлайди<sup>84</sup>.

Тасаввур номлари учун аҳамиятли жиҳат унинг кейинги гап билан зич алоқадорлигидир. Бундай қурилмаларнинг мазмуни нафақат кейинги гап, балки олдинги гап билан алоқадор эканлигида ҳамдир. Тилшунослар тасаввур номларининг шу жиҳатларини ҳисобга олиб уларни атов гаплардан фарқлайдилар. Таъкидлаш керакки, бу хусусиятлар атов гапга ҳам хос бўлиб, улар ҳам ўзидан кейинги гаплар билан алоқадор бўлади. *Даҳшат! Дунёдаги ҳеч нарсадан ҳайратланмай қўйиш даҳшат! Агар сен сизиниб, эътиқод қўйиб келган нарсанг бир куни пуч ва сохта нарса бўлиб чиқса, бу – даҳшат* (Н.Эшонқул). *Даҳшат* сўзи бу ўринда уч марта такрорланиб, китобхоннинг диққатини қаратишга, кучли эмоционаллик ифодалашга хизмат қилган. Кейинги гапда сегмент бирликнинг ўрнида коррелят сифатида олмош эмас, шу сўзнинг ўзи келиши, ажратилган сўздан кейин ундов белгисининг қўйилиши эмоционалликнинг кучли ифодаланишига хизмат қилган. А.С.Попов сегмент қурилмаларнинг атов гапдан асосий фарқи уларда предикативлик категориялари: модаллик, замон, шахс маъносининг ифодаланмаслигида деб кўрсатади. Тасаввур номлари ўзига хос интонацияга, аниқроғи фразага эга. Тасаввур номлари ажратиб кўрсатиш, эмоционаллик ифодалаш вазифасини бажаради. Тасаввур номлари ўзидан кейин келадиган гапларга нисбатан йўлдошлик вазифасини бажаради, шунинг учун тузилади. Шундай синтактик қурилмалар сирасига ундалмали гаплар ҳам киритилади, қайсики, аввал чақириш вазифасини бажариб, мустақил интонацияга эга бўлади<sup>85</sup>.

Сегмент қурилмалар гапни сўзловчининг коммуникатив мақсадига кўра қайта тузиш орқали шаклланади. Аввал айтиб ўтилганидек, сегмент қурилмали гапларда экспрессивлик кучли бўлади. Тасаввур номлари ва мавзу

---

<sup>84</sup> Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б.17.

<sup>85</sup> Попов А.С. Именительные темы и другие сегментированные конструкции в современном русском языке // Развитие грамматики и лексики современного русского языка. – М.: Наука, 1964. – С.263-264.

ифодаловчи гапларга хос умумий ҳамда фарқли жиҳатларни таҳлил қилган Л.Й.Майорова бу икки ҳодиса функционал жиҳатдан фарқ қилишини, тасаввур номларида экспрессивлик, бадиийлик ва психологизм кучлилиги, мавзу ифодаловчи гапларда эса ахборотни етказишда тингловчининг диққатини маълум бир жиҳатга қаратиш асосий хусусият эканлигини таъкидлайди<sup>86</sup>.

Рус тилшунослигида Т.Н.Ишмекеева «гап рамкасига сиғмаган» сегмент қурилмаларни икки турга ажратади: тасаввур номлари ҳамда тушунтирувчи-изоҳловчи тасаввур номлари. Т.Н.Ишмекеева бу синтактик ҳодисалар тузилиши ҳамда функционал жиҳатидан бир-биридан фарқланишини, уларни ўзига хос синтактик ҳодиса – сегментациянинг алоҳида икки кўриниши сифатида баҳолаш ҳамда ўзига хос қурилиши ва семантик хусусиятларига кўра тадқиқ қилиш лозимлигини таъкидлайди<sup>87</sup>.

Сегмент қурилмалар саналган тасаввур номлари сўзловчи тингловчининг диққат марказига қўяётган тушунчани бошқалардан ажратиб кўрсатиш вазифасини бажаради. Баъзан бир тасаввур номи бир неча маротаба такрор қўлланилиши мумкин.

*Лолахон! У ўша бетон устунлари қўққайган айвонда алланечук безовталаниб турибди. Эгалари ҳар куни бир маҳал донлашга ўргатган ола товукдай у ён-бу ён олазарак-олазарак кўз ташлайди* (Л.Бўрихон). Ёзувчи асар қаҳрамонининг руҳий ҳолати – бу ўринда кучли ҳаяжонини таъкидлаш мақсадида *Лолахон* номини бир саҳифанинг ўзида уч марта такрор қўллаган.

Тингловчи ёки китобхон сўзловчининг тасаввур номи сифатида ажратган сегмент бўлаги қай мақсадда ажратилганлигини предмет номининг ўзидан англаб ололмайди. Унинг нима мақсадда ажратилганлиги уни изоҳлаб келаётган кейинги гапдаги сегмент бўлакнинг корреляти сифатида келган кўрсатиш олмоши ифодаланган гапда ойдинлашади. *Лолахон! У уч кун менинг велосипедим мунгайганча суяниб турган бетон устунни қўллари*

<sup>86</sup> Майорова Л.Е. Именительный представления и именительный темы // Русский язык в школе. 1984. – №3. – С.84.

<sup>87</sup> Ишмекеева Т.Н. Кўрсатилган автореферат. – С.7-8.

билан силаб-сийпалаб қўйгандек бўлди (Л.Бўрихон). Сўзловчининг предмет номи сифатида ажратилган нарса ёки шахсга муносабати кейинги гапда қўлланилган лексемалардан англашилади. Ушбу гапда *мунгайганча* лексемаси орқали сўзловчининг қахрамонга ачиниш ҳиси ифодаланган бўлса, кейинги ўринда унга нисбатан ишончсизлик, нафрат туйғулари *хуркак олатовуқдай* бирикмасини қўллаш натижасида юзага келган. *Лолаxon! У ўша мато қопланган иш столи ёнида хуркак олатовуқдай қўққайиб, негадир қадам товушлари келаётган йўлаккамас, парча-парча осмон кўриниб турган деразага термилиб турар эди* (Л.Бўрихон).

Тасаввур номлари матнда китобхоннинг диққатини маълум бир предметга қаратиш, уни бошқаларидан таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш учун қўлланилади. Ҳар қандай гапни ҳам қайта тузиш орқали сегментли курилмалар шаклланмайди. Ўзбек тили материаллари асосида олиб борган таҳлилларимизга асосланиб, тасаввур номларининг қуйидаги турларини ажратиш маъқул деб ҳисоблаймиз:

1. Бош келишиқдаги от билан ифодаланган тасаввур номлари.

Тасаввур номлари сифатида бош келишиқдаги турдош отлардан ташқари атоқли отлар ҳам қўлланиши, сегмент бўлак таркибида модал, ундов сўзлар ҳам иштирок этиши мумкин: *Воқеан, Арофат... У ишга ўтиш-қайтишда тутинган сингил сифатидами, ҳожатбарор бир таниш сифатидами, баъзан «уйи»га келиб-кетиб турарди* (Э.Аъзам). *Оҳ, Тошкент! Мен ҳам борсам, шулардай бўлиб юрсам...* (Э.Аъзамов). *Наби... Ғира-шира эсладим: бурни бир қарич келадиган, суюги бузуқроқ бола* (Э.Аъзамов). *Ойдин!... Ўша хаёлдек йироқ хотирадаги қизча* (Э.Аъзам).

2. Таркибида тобеланиш муносабати бўлган бирикмали ҳолдаги тасаввур номлари. *Ҳамиша меҳрибон Гуля Лагутина! Бир тўп серсоқолу «бесоқол» улфатлари билан давра қуриб ўтирибди. Афтидан, даврабоши ҳам, онабоши ҳам ўзи. Бўйнию билакларидаги беҳисоб қўнғироқчаларини шалдиратиб келиб у Фарҳодни қучоқлади, ўнди, ўптирди* (Э.Аъзам).

*Калласида яна галагул ўйлар. Бу сафар улар хотинининг қулоқда шангилаган овози тарзида этиб келди (А.Мухтор).*

3. Оҳанг ёрдамида уюшган, бир хил шаклланган лексемалар сўззанжири. *Осмонда оқ булут, оппоқ булут... У булут эмас, зар, зар, зар. Ахир зар билан тер бир нарса-ку (А.Ибодинов).*

Икки ёки ундан ортиқ лексемаларнинг семантик яқинлиги, ўзаро боғлиқлигидан юзага келган тасаввур номларида эмоционаллик кучли ифодаланади. Икки ёки ундан ортиқ тасаввур номлари бир нарса-предмет ҳақида турлича тавсиф бериш учун ҳам қўлланилади. Бундай қўллашлар ҳам эмоционалликни кучлироқ ифодалаш учун қўл келади. *Шаҳина! Тошбиби чечанинг эртакларида ҳам учрамайдиган пухта қиз! Меҳнаткаш, маккора! У мактаб ичкарасига бир югургилаб, бир гандираклаб кириб кетди (Л.Бўрихон).*

Тасаввур номларига хос бўлган хусусиятлардан бири нутқ жараёнида айтилиши мумкин бўлган предмет ёки шахс ҳақида тасаввур орқали ахборот беришдир. Бундай ҳолларда тасаввур номлари тингловчининг диққатини ахборот бериладиган шахс ёки предметга тортади. *Бўлгуси киножонон! У ажиб бир навозиш ила келиб, қўлидагиларни настак мизга қўяди-да, хос қадаҳни тўлдириб Устозга тутуди (Э.Аъзам). Синов. Бизни улар каттароқ бўлганимизда, ўн йил мобайнида синовдан ўтказишар экан (Ҳ.Шайхов). Чақмоқ... Эҳ, қишининг кунда чақмоқ нима қилсин?... (У.Ҳамдам).*

Тасаввур номларини тадқиқ қилар экан, Т.Н.Ишмекеева тушунтирувчи-изоҳловчи тасаввур номлари коррелятга эга эмаслиги, сегмент бўлакни изоҳловчи сифатида ҳар қандай синтактик бирлик, ҳатто қўшма гаплар ҳам кела олиши мумкинлигини айтиб ўтади<sup>88</sup>. Тасаввур номларининг бу тури асосан публицистик асарларда учрайди. Бу турдаги тасаввур номларида ҳам адресант адресатнинг диққатини айтилаётган фикрнинг энг муҳим нуқтасига қаратади. Маълумки, публицистик матнларда қисқалик, аниқлик муҳим саналгани учун тасаввур номларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Бу

---

<sup>88</sup> Ишмекеева Т.Н. Кўрсатилган автореферат. – Б.10.

типтаги тасаввур номларида аввал предмет, шахс ёки воқеа-ҳодиса номи келтирилади. Умуман, тасаввур номлари тилда сегментациянинг ҳосиласи сифатида нисбатан кўпроқ учрайди ҳамда адресатнинг диққатини тортишда муҳим восита сифатида намоён бўлади.

## БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Бир гап таркибида бериш мумкин бўлган ахборотни бўлақларга-сегментларга бўлиб бериш орқали экспрессивликнинг ифодаланиши тилшуносликда «сегментация» термини билан аталаётган тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келди.

2. Сегмент қурилмалар сўзловчининг коммуникатив мақсадига мос равишда гапни қайта тузиш орқали шаклланган бўлиб, предикативликни ифодалай олмайди, шунинг учун уни гап деб ҳисоблаб бўлмайди. Сегмент қурилмалар гапда синтактик вазифа ҳам бажара олмайди, унинг корреляти турли гап бўлақлари вазифасида келиши мумкин. Аммо ўзбек тилида сегментлаш натижаси сифатида юзага келган атов гапларда бошқа сегмент қурилмалардан фарқли равишда предикативлик мавжуд бўлади.

3. Сегмент қурилмаларга хос бўлган асосий лексик-семантик хусусиятлардан бири унинг бош келишиқдаги от ёки от характердаги сўзлар билан ифодаланишидир. Ўзбек тилида турдош ва атоқли отлар, ҳаракат номи ҳамда отлашган сўзлар сегмент бўлақ сифатида келиши мумкин.

4. Сегмент бирликлар тузилишига кўра йиғиқ ва ёйиқ, коррелятнинг иштирокига кўра коррелятли ва коррелятсиз бўлиши мумкин.

5. Сегмент қурилмалар ифодалаётган маъно ундан кейин келган асосий гапдан англашилади. Сегмент бўлақ бирданига бир неча гап билан алоқаланиши мумкин. Сегмент бўлақнинг чап ва ўнг тарафдаги контекст билан боғлиқлиги унинг матн шакллантириш имконига эга эканлигидан далолат беради.

6. Нутқда шаклан сегмент қурилмаларга ўхшаш бирликлар мурожаат бирликлари, вокатив гаплар, ундаш гаплар, ажратилган гап бўлаклари, уюшиқ бўлакли гаплар бўлиб, улар шаклан сегмент бирликларга ўхшаса-да, вазифаси ҳам мазмун жиҳатидан фарқ қилади. Мурожаат бирликлари ва вокатив гапларда нутқ иккинчи шахсга қаратилади, сегмент қурилмали гапларда эса учинчи шахсга қаратилган бўлади.

7. Сегмент қурилмаларнинг энг кўп учрайдиган турларидан бири тасаввур номлари бўлиб, у предмет, шахс оти ҳамда мавҳум отлардан шаклланади, тингловчининг онгида шу сўз билан боғлиқ ассоциациялар ҳосил қилишда муҳим восита саналади.

## II БОБ. СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ПРАГМАСТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### 2.1. Сегмент қурилмалар матн эмоционаллигини таъминловчи восита сифатида

Тил инсон ҳис-туйғуларини ифодалашда бирламчи восита саналади. Инсон сўзлаётган нутқи воситасида ўзининг ҳис-туйғуларини, ўйларини, воқеликка муносабатини ифодалайди. «Эмоция оламни акс эттиришнинг бир шаклидир. Эмоция реал оламдаги предмет ёки воқеликни эмас, унга инсоннинг муносабатини, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрнини ифодалаш билан аҳамиятлидир»<sup>89</sup>. Анъанавий тилшунослик ва психологиянинг тўқнаш келиши натижасида ҳис-туйғу тилшунослиги (эмотиология) алоҳида бир йўналиш сифатида юзага келди ва тараққий этмоқда. Эмоционалликнинг турли воситалар ёрдамида ифодаланиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, тил системасидаги ўрни масаласида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Нутқий жараёнда эмоционалликнинг ифодаланишининг гендер хусусиятларини тадқиқ қилган И.В.Шчербакова, аёл ва эркекнинг нутқи социал мавқеи, хулқ-атворида ҳам боғлиқлигини таъкидлар экан, эркеклар нутқида кўп ҳолларда салбий эмоция кўпол лексик birlikлар асосида ифодаланишини мисоллар асосида далиллайди<sup>90</sup>. Бадиий матнда эмоционаллик тўғридан-тўғри эмас, балки ўзига хос тил birlikлари воситасида ифодаланиши билан характерланади<sup>91</sup>. Эмоционалликни ифодалашда сегмент қурилмаларнинг ўрни катта эканлиги, реприза ва антиципация кўринишидаги сегмент қурилмаларнинг эмоционалликни турлича ифодаланиши таъкидлаган Г.Н.Баришникова бундай қурилмаларнинг аёллар ва эркеклар нутқида қўлланилишини тадқиқ қилиб,

<sup>89</sup> Лушникова Г.И. Якищенко Е.А. Лексические средства выражения эмоции возмущения // Вестник КемГУ № 2 (54) 2013. – С.106.

<sup>90</sup> Щербакова И.В. Гендерная специфика репрезентации эмоций в художественном тексте // Известия Южного Федерального Университета Филологические науки. № 4. 2018. – С.56-57.

<sup>91</sup> Шаховский В.И. Лингвистическая теория эмоций: – М.: Гнозис, 2008. – С.15.



гарчи аёллар эмоционалликка мойил бўлса-да, эмоционалликни ифодаловчи сегмент қурилмалар эркаклар нутқида кўпроқ учрашини, бундай ҳолларда шодлик ва қайғудан ташқари, эркаклар нутқида ғазаб, нафрат туйғуларини ифодалашга хизмат қилишини айтади<sup>92</sup>.

Сегментация тушунчасини Г.Н.Акимова синтактик бўлакранишнинг умумлаштирилган кўриниши сифатида тушунмоқ кераклигини таъкидлайди. Унингча, сегмент қурилмалар синтаксиснинг предмети сифатида турли томонлама анализ қилиш натижасида намоён бўлади: унга турлича синтактик қурилмалар, кўп ҳолларда гапнинг рамкасида чикиб кетадиганлари тегишлидир. Сегментнинг бири олдинги-кейинги фикрнинг темаси сифатида номланади. Ақтуал бўлакраниш сатҳига кўра алоҳида чиқарилган сегмент темага тўғри келиб, мустақил позицияни эгаллайди. Шундай қилиб, сегмент қурилмалар албатта икки аъзоли (бўлакли) бўлади. Сегмент қурилмалар субстантив шаклдаги баённинг корреляцияси асосига қурилади. Кейинги қисмда у субстантив характердаги сўз ёки олмош билан алмашади<sup>93</sup>.

А.С.Попов сегмент қурилмаларни кенг ва тор аспектда ўрганади. Унинг қатор тадқиқотларида сегмент қурилмалар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ёндош ҳодисалардан фарқи, турлари ҳақида сўз боради. «Сегментация – кенг маънода фикрнинг ажратилган (синтактик, интонацион) бўлаги, сегменти. Бу ҳолда сегмент конструкцияларга ажратилган бўлақлар тегишлидир (сўз, сўз бирикмаси). Сегментация торроқ ва махсус тушунча сифатида бу – тасаввур номларининг мужассамлашган, такомиллашган кўринишга келган ёзма адабий тилдаги экспрессив синтаксиснинг усулидир»<sup>94</sup>. Т.И.Ишмекеева сегмент қурилмаларнинг бир кўриниши бўлган мавзу ифодаловчи бирликларда тасаввур номларига нисбатан экспрессивлик кам ифодаланишини, бу бирликлар, асосан, адресантнинг диққатини тортиш

---

<sup>92</sup> Барышникова Г.В. Гендерные различия эмоциональной компоненты во французском языке // [http://gendocs.ru/v21245/диссертации\\_по\\_гендерной\\_лингвистике](http://gendocs.ru/v21245/диссертации_по_гендерной_лингвистике)

<sup>93</sup> Акимова Г.Н. Новое в синтаксисе современного русского языка. – Москва: Высшая школа, 1990. – С.106.

<sup>94</sup> Попов А.С. Сегментация высказывания // Русский язык и советское общество. Морфология и синтаксис современного русского языка. – М.: Наука, 1968. – С 302.

учун хизмат қилишини таъкидлайди<sup>95</sup>. Сегмент қурилмалар ҳақида сўз юритар экан, Н.А.Медведева бундай қурилмаларнинг ўзига хос хусусияти оҳангнинг ўртачалиги ва коррелятнинг мавжудлигида деб ҳисоблайди. Ҳар қандай такрор нутққа ёрқин эмоционал бўёқ беради, коррелятнинг мавжудлиги эса сегмент бўлакли гапларда эмоционалликни таъминлайди<sup>96</sup>.

Д.Худойберганова сегментли матнлар боғланма матннинг бир кўриниши эканлигини, бундай матн таркибидаги гаплар мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси матн таркибидан ажратиб олинган бўлак маъносини изоҳлашга хизмат қилишини қуйидаги мисол асосида далиллайди. Масалан: *Миртемир домла... Бу номни эшитганда беихтиёр қалбимизга бир илиқлик югуради. Бу илиқлик, энг аввало, камтар ва жозибали бир инсонга ҳурматимиздандир. Бу илиқлик халқимизни қирқ беш йилдан буён хушнуд этиб келётган каттакон бир шоирга муҳаббатимиздир. Ҳа, домла Миртемир ҳақиқатан ҳам улкан инсон ва катта санъаткор...* (А.Орипов. «Эҳтиёж фарзанди» мақоласи)<sup>97</sup>.

Сегмент бўлакнинг маъносини изоҳлаш учун келган гапларнинг мазмунан боғланишини қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин: *Ўҳ, бу ишқ савдоси...Бундан оғир дард, бундан мушкул савдо бормикан ўзи дунёда? Агар бор бўлса, нега уларга чалинганда одамнинг яшагиси келаверади-ю, умидсиз ишқ гирдобига тушиб қолган кишининг кўзига ҳаёт қувончлари у ёқда турсин, азиз жони ҳам кўринмай қолади?! Нега у бир зумда ҳамма нарсани эвириб ташлайди, горат қилади? Нега кечагина ҳатто чумолига ҳам озор етказилишини истамаган кўнгил бугун ёруғ оламлар ичида қолишига бепарво? Нега у инсон боласини ақлу ҳушдан мосуво этиб, фақатгина ўзинигина йўригига йўргалашга мажбур қилади?* (У.Ҳамдам). Келтирилган ушбу парчада бу ишқ савдоси сегмент бўлак сифатида ажратилган бўлиб, сўзловчининг кучли ҳис-ҳаяжонини ифодалаш мақсадида

<sup>95</sup> Ишмекеева Т.И. Кўрсатилган автореф.– С 8.

<sup>96</sup> Медведева Интерпретация сегментированных высказываний во французском языке // Вісник ХНУ. 2001. №973. – С.182.

<sup>97</sup> Худойберганова Д. Кўрсатилган дисс. – Б.156.

ажратилган. Ажратилган сегмент бўлакнинг маъноси ундан кейинги бешта гапда очиб берилган. Сегмент бўлакнинг кейинги гаплардаги корреляти *бу, у* олмошлари бўлиб, уни изоҳлаётган кейинги гапларда икки ўринда тўлдирувчи ва икки ўринда эга вазифасида келган.

Сегмент қурилмалар нутқ жараёнида мантикий жиҳатдан таъкидланаётган бўлакни ажратиб кўрсатувчи восита сифатида қўлланилади. Мантикий жиҳатдан ажратилаётган, таъкидланаётган сўзнинг характеридан келиб чиқиб, сегмент бўлаклар ҳам турлича бўлади. Сегмент қурилмалар юқорида таъкидланганидек, субстантив характерда бўлади. Кузатувлар шуни кўрсатдики, сегментланган сўзлар кўпроқ мавҳум отлар бўлиб, воқеликни тасвирлаш билан бирга таъкид маъносини ҳам ифодалайди. Сегмент қурилмалар матн шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. З.Омаева экспрессив қурилмаларнинг асосий вазифалари қаторида баҳолаш ва матн шакллантиришни келтиради<sup>98</sup>.

*Айниқса, хазонрез...*

*Оҳ, бу хазонрез!..*

*Баргларга кўчириб, учирар зиёни.*

*Шундан – чидай олмай-кетасанми тез,*

*Ёлғиз менга*

*Ташлаб дунёни (У.Азим).*

Келтирилган матнда *хазонрез* сўзи сегментлаш натижасида алоҳида ажратилган. Шеърнинг кейинги мисралари у билан боғлиқ воқеликлар ифодаланади. Сегмент қурилма сифатида ажратилган бўлакнинг такрори таъкид маъносини кучайтиришга хизмат қилган.

Қуйида келтирилган парчада *муҳаббат* сўзи сегмент сифатида ажратилган. Уни изоҳлаб, тўлдириб келаётган гаплар орқали эса матн шакллантирилган.

*Муҳаббат, бу – ялт этган нигоҳ*

---

<sup>98</sup> Омаева З. Я. Синтаксические конструкции экспрессивного типа как средство выражения авторских интенций: на материале художественных произведений В.В. Набокова: Автореферат дис. ... канд. филол. наук: – Махачкала, 2006. – С.11.

*Ва ҳаловат абас дегани,  
Муҳаббат, бу – ўзингни севмоқ  
Ва ўзгага ҳавас дегани (Иқбол Мирзо).*

Сегмент бўлак сифатида ажратилган сўз ўзи билан алоқаланган гап таркибига осонликча жойлашиши мумкин. Шу шеърӣй парчани қуйидагича қайта тузиш мумкин:

*Муҳаббат – ялт этган нигоҳ  
Ва ҳаловат абас дегани,  
Муҳаббат – ўзингни севмоқ*

*Ва ўзгага ҳавас дегани.* Бундай матнда *муҳаббат* ҳақида айтилган фикр бузилмайди, аммо шоирнинг урғу бериш учун ажратган бўлаги тушиб қолиши ва унинг ифодаланмаслиги билан таъкид маъноси ҳам йўқолади.

Сегмент бўлак бош келишиқда бўлиб, оғзаки нутқда интонация ёрдамида ажратилса, ёзма нутқда ундан кейин вергул қўйилади, уни изоҳлаётган коррелят бу олмошидан иборат бўлади:

*Ҳаёт иси келар исмидан,  
Ҳаётингни кесса-да зимдан.  
Муҳаббат, бу куй тўла зиндон,  
Атиргулдан қафас дегани (Иқбол Мирзо).*

Келтирилган шеърӣй парчада сегментланган бўлак – *муҳаббат* бўлиб, шеърнинг кейинги ҳар бир мисраси уни изоҳлаш учун келтирилади. Сегмент қурилмали гапларда сегмент бўлак шеърда тасвирланаётган асосий фикрни, образни ўзида мужассам этади, уни изоҳлаш учун келтирилган гаплар эса матн шаклланиши учун восита саналади. «...Тил ва шахс муносабатларини ёритиб беришда энг муҳим манба бу матндир. Зеро, у тилнинг барча сатҳларини мужассам этувчи нутқий тузилма бўлиши билан бирга, сўзловчи (ёзувчи) шахсининг лисоний салоҳиятини ўзида тўлиқ намоён этувчи ҳодиса ҳамдир. Матннинг ташқи ва ички тузилишини муайян миллатга мансуб тил соҳибларининг лисоний қобилиятини акс эттирувчи ўзига хос кўзгуга

ўхшатиш мумкин»<sup>99</sup>. Шоирнинг ноёб лисоний қобилиятини, сўз қўллашдаги маҳоратини келтирилган шеърнинг кейинги бандларида кўриш мумкин.

*У қуёшдир тута олмассан.  
Муҳаббат, бу кета олмасдан  
Жон талашган нафас дегани.  
Субҳидамда куйлаган каптар,  
Эсда турмас чиройли гаплар.  
Муҳаббат, бу титраган лаблар,  
Арз, дегани, араз дегани.  
Тарихларни бузган қудрати,  
Ёруғликдан ўзган суръати.  
Муҳаббат, бу бахтнинг сурати,*

*Бахтнинг ўзи эмас, дегани* (Иқбол Мирзо). Бир сегмент бўлакнинг бундай ҳолатда такрор қўлланилиши таъкид маъносини кучайтириш билан бирга сўзловчининг маълум бир тушунча ҳақидаги, бу ўринда *муҳаббат* ҳақидаги ўйларининг гўзал ифодасини таъсирчан, жозибали чиқишида, матннинг ўзига хос услубда шаклланишида муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Мавҳум отларнинг сегмент бўлак сифатида қўлланилиши бошқа отларга нисбатан кўпроқ учрайди. Сўзловчи предмет сифатида тасаввур қилинадиган тушунча номини келтирар экан, тингловчининг диққатини шу тушунчага жамлайди. Сегмент бўлакни изоҳлаб келаётган гаплар эса унинг тасаввурида шу тушунчани тезда жонланишига ёрдам беради.

*Хаёл...  
Сайри унинг гоҳ ер, гоҳ фалак.  
Кўзгунинг беором шуъласи мисол.  
Унга бир нафасдир ўтмиш, келажак* (Э.Воҳидов).

Баъзан бир сегмент бўлак матн таркибида бир неча марта такрор қўлланилиши, уни изоҳлаб келаётган гап эса шу сегмент бўлакни турли

---

<sup>99</sup> Худойберганова Д. Кўрсатилган дисс. – Б.15.

томондан тавсифлаши мумкин. *Шаҳина! Тошбиби чечанинг чўпчакларидан чиқиб келган ғариба қиз! Ўша кунлар беқарор баҳорнинг фитнасига учиб, у ҳам очила-сочила ўйноқлаб қолганди* (Л.Бўрихон). Келтирилган мисолда ёзувчи қаҳрамонини *ғариба* деб тавсифласа, кейинги ўринда унинг *содда, меҳнаткашлигига* эътибор қаратади. *Шаҳина! Тошбиби чечанинг чўпчакларидан чиқиб келган содда, меҳнаткаш қиз! Йўқ, муаллимнинг айтганларини фақат шугина тентак шамолларга совурмай, қулоқларига қуйиб олган экан* (Л.Бўрихон). Келтирилган мисоллардаги *Шаҳина* атоқли оти бир саҳифада уч марта сегмент бўлак сифатида келган. Сегмент сифатида ажратилганда таъкид маъносини олган бу сўзнинг такрори таъкид маъносини кучайтиришга, сўзловчининг унга нисбатан муносабатини аниқроқ ифодалашга хизмат қилган.

Сегментнинг матн яратиш вазифаси олдинги контекстдаги бирон бир фикрни такрорлаш натижасида намоён бўлиши мумкин, бу кейинги матн қисмлари учун тема ролини бажаради. Таъкидлаш вазифаси эса тасаввур бериш, мавжудлик ифодалаш вазифаси каби муҳимдир. Матндаги таъкидланган, урғу олган тушунча ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш мақсадида олдинги ва кейинги контекст учун асосий фикрни ҳосил қилиши мумкин. Сегментнинг такрор ва параллел қўлланилиши сегментнинг кучли таъкид маъносини олишига хизмат қилади. – *Бу руҳ халқдан куч олиб, золимларнинг жазосини бергусидир! – Жазо?! Сен менга жазо бермоқчимисен?! – Мен эмас, ҳаёт жазо бергай!* (П.Қодиров). Сегментли гаплар бошқа гаплар сингари умумий, яхлит фикрни ифодалайди. Сегмент сифатида ажратилган бўлак ўзича мустақил фикр ифодалай олмайди, у фақат фикрнинг темасини атайди. Сегментнинг коммуникатив йўналиши базавий қисм билан аниқланади. «Актуал бўлиниш ҳам бевосита лингвистик прагматика йўналиши билан боғланади»<sup>100</sup>. Масалан: *Тун. Қабристон. Сукунат. Фоний дунёнинг азобу ташвишларидан қутулиб, бунда ётканларнинг оромини*

---

<sup>100</sup> Ҳақимов М.Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1993. – Б.69.

*бузмаслик учун шабада ҳам ораламайди (Т.Малик). Бу ўринда тун, қабристон, сукунат сўзлари сегмент сифатида ажратилган бўлиб, кейинги гапда коррелят сифатида келган бу кўрсатиш олмоши воқелик рўй бераётган ўринни таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилган. Сегмент бўлакнинг кетма-кет қўлланилишини қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин. Тагин туш... Тагин кашфиёт... Тагин ҳайрат... Унда бир қиз мени роса ўнди, қониб-қониб, тўйиб-тўйиб, кимгадир шукроналар айта-айта, йиғлай-йиғлай ўнди. Ўпаркан, унинг улкан изтиробдан қандай фориз бўлаётганини ўз кўзларим билан кўриб турдим. Гарчанд эҳтирос қучогида тебратган қизнинг огушида мен ҳам маст эсам-да, айни чоғда манзарани таиқаридан – четдан, худди бошқа биров каби кузатиб туришга имкон ва қизиқишим бор эди (У.Ҳамдам). Бу ўринда учта сегмент бўлак иштирок этган бўлиб, унинг корреляти бўлган унда олмошининг айнан қайси бўлакни изоҳлаётганини бир қарашда илғаб олиш мушкул. Воқелик тушдами, ҳайратдами, кашфиётда рўй бераяптими, уни топишни ёзувчи китобхонга ҳавола қилади.*

Сегмент қурилмаларнинг коммуникатив-экспрессив вазифаси сегментланмаган, одатий тарзда тузилган гап билан қиёсланганда яққол намоён бўлади. Сегмент бўлакни кейинги гапдаги унинг корреляти ўрнига қўйиш мумкин.

*Тинтув... У қанақа бўлади ўзи, нимани ахтаришаркин? (Х.Тўхтабоев).*

*Тинтув қанақа бўлади ўзи, нимани ахтаришаркин?*

*Ўша сувчи йигит Низом... ундаги ҳалоллик, поклик, бегаразлик, фидойилик бизнинг ҳеч биримизда йўқ (П.Қодиров).*

*Ўша сувчи йигит Низомдаги ҳалоллик, поклик, бегаразлик, фидойилик бизнинг ҳеч биримизда йўқ.*

Сегмент қурилмали гапларда сегмент сифатида ажратилган сўзни изоҳлаш учун бир неча гаплар келтирилади. Табиийки, бундай ҳолларда сегмент бўлакнинг матн шакллантириш имконияти бир неча бараварга ошади.

*Қуллар... (Менман у қулларнинг ўлмас авлоди,*

*Мана менман у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди,  
Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб,  
Оталаримнинг бошидан пойдевор уйиб,  
Озодлигим обидасин қурган инсонман.  
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман (У.Носир).*

Сегмент бўлакнинг корреляти бир позицияда бир неча марта такрорланиши мумкин. *Ая, ҳақиқий ая! У бизга доим антиқа ширинликлар, сингилларимга ўзи тиккан чиройли кўйлакчалар кўтариб келарди. У келганда уйимиз аллақандай яшинаб, ҳаммаёқни тансиқ атир ҳиди тутиб кетарди. Унинг яқинида ўтирмоқ ҳам, унинг ширин-ширин сўзлашларию эркалашларини эшитмоқ ҳам бизга зўр қувонч эди (Э.Аъзам).* Бу ўринда корреят икки ўринда эга, бир ўринда эса қаратқич аниқловчи вазифасида келган.

Шеърый асарларда эса сегмент сифатида ажратилган бўлак фикрнинг хулосаси, якуни сифатида ҳам келиши мумкин:

*Виждонли номусли ниқобин қўймас,  
Виждоннинг ҳар дами руҳий изтироб.  
Виждонсиз хатосиз кунлардан тўймас,  
Виждон – бу хатодан улгайган азоб (Й.Эшбек).*

Баъзан бир тушунча бир неча ном билан аталиши, турлича нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳар бир сегмент бўлак ўзига хос кучли эмфатик урғу олади ҳамда бошқа бирликлардан ажралиб туради: *Қизлар... Ота-оналари ҳисобига яшайдиган боқибегам, сип-силлиқ, олифта йигитчаларни ёқтирадиган қизгиналар! Бир қараидаёқ нархингизни бехато айтиб беради (Э. Аъзамов).* Келтирилган мисолда биринчи сегмент бўлак *қизлар* бўлиб, кейинги ўринда аниқловчи билан кенгайган ҳолда *қизгиналар* билан ифодаланган. Унинг корреляти кейинги гапда ифодаланмаган бўлса-да, гап таркибида унинг ўрни борлиги сезилиб турибди. Бу ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. *Бир зумлик хато.*



*Бир нафас тубанлик ... энди уни бутун ҳаётни бериб ҳам тузатиб бўлмайди (А.Мухтор).*

Сегмент бўлақлар фақат ўзидан кейин келган гап билан эмас, ўзидан олдин келган гап билан ҳам алоқадор бўлади. Сегмент бўлақнинг қандай маъно ифодалаётганлигини билиш учун олдинги гапларга ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. *Қараса – холодилникнинг устида турган мевадон қуп-қуруқ. Қизи! У дарсдан сўнг қўшимча машғулотга ҳам қолиб, уйга ёлғиз келар, шу сабабли Малика битта калитни унга бериб қўйган, бўйнига тумордек осиб юрар эди (Э.Аъзам).*

Баъзан сегмент бўлақ таркибида *ана, мана, ўша* кўрсатиш олмошлари ҳам бўлиши мумкин. Илмий адабиётларда бундай гаплар кўрсатиш характеридаги номинатив гаплар сифатида талқин қилинади<sup>101</sup>. Бундай гаплар сегмент бўлақли гаплар бўлиб, улар матн шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади: *Мана, ўша куз Мирзо Улуғбек билан овга чиққанда чодир тикиб турган яйлов! Атрофи баланд қорли чўққилар билан ўралган кенг яйлов қандайдир бўлақча, илоҳий сукутга чўмган, фақат чигирткалар чириллайди. Юлдузлар акс этган жилғанинг оҳиста шилдираши қулоққа чалинади. Ҳа, худди ўша яйлов! Ҳу ана у қир ёнбағрига қатор ипак чодирлар тикилган, настга, сой этагига соғимли оқ биялар боғланган эди (О.Ёқубов).*

Келтирилган мисолда *яйлов* сўзи икки ўринда сегмент бўлақ сифатида ажратилган бўлиб, ҳар икки ўринда ҳам бирикмали ҳолда қўлланган. Ёйиқ ҳолда келган, таркибида кўрсатиш олмоши иштирок этган сегмент қурилмали гапларни йиғиқ сегмент бўлақка нисбатан десегментлаш бир мунча мураккаб бўлади. Бу ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин: *Катта деразани очиб юборди. Мана, унинг умр йўли боғланган шаҳар. Катта кўча чироқлари ёниқ... Шомда қуюқ мевазор боғлар қорамтир соядай кўринади. Қаршидаги кўк тахта девордан томга ўрмалаган ток орасида чироқ милтиллайди. Приёмник қаттиқ гапирмоқда. Ундан*

<sup>101</sup> Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. – Тошкент, 1961. – Б.143.

нарироқда қалин дарахтзор. У тошқин дарё сингари доим бир хилда шовуллаб туради. Бутун шаҳар гўё шу дарахтзорнинг сарин ҳавосидан нафас олмоқда. Дарахтзорнинг ичкарасида оқ иморат кўринади, ёнида яна нимадир қурилаётир. «Шифохона бўлса керак» деб ўйлайди Манзура (А.Мухтор). Келтирилган матн бўлагида икки ўринда сегментли қурилма иштирок этган *Мана, унинг умр йўли боғланган шаҳар* сегмент бўлаги ёйик ҳолда келган бўлиб, қаҳрамоннинг умр йўли ўтганлигига ишора бор. Матн ичида *ундан нарироқда қалин дарахтзор* иккинчи сегмент бўлаги мазкур дарахтзорнинг шаҳардаги ўрни ва шаҳарликлар ҳаётидаги аҳамиятини эслатади. Шу икки эслатма воқеликни аввал бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар билан боғлашга ҳамда шу тариқа матн шакллантиришга хизмат қилган.

Баъзан сегмент қурилмалар матннинг бошидан охиригача такрор қўлланилиши мумкин. Буни У.Ҳамдам қаламига мансуб қуйидаги шеърда кўришимиз мумкин:

*Бир ҳолат...*

*Ҳолатки, бағрида сузади олам.*

*Ҳолатки, кўнглимда на севинч, на ғам.*

*Бир ҳолат...*

*Ҳолатки, билмайман қайдаман ўзим,*

*Бир парча осмонга михланган кўзим.*

*Ҳолатки, нимани истасам шу он*

*Ҳув ўшал осмонда бўлар намоён.*

Келтирилган парчада *ҳолат* сўзи сегмент сифатида ажратилган бўлиб, қаҳрамоннинг кучли ҳис-ҳаяжонини, ўзгаларга тушунтириб бўлмас руҳий ҳолатини акс эттиришга хизмат қилган. Шеърни кузатадиган бўлсак, шоир қаҳрамонининг ҳолатидаги ўзгаришларни, кутилмаганда бошқа кайфиятга ўтиб кетишини ўзига хос оҳангда, ташқи тарафдан қараганда сокин, лекин моҳиятига назар солинса туйғуларнинг жунбушга келганини сезиш мумкин. Йигирма мисрадан иборат ушбу шеърда *ҳолат* сўзи ўн саккиз марта қўлланган. «Айни бир сўз, ибора ёки синтактик шаклларнинг муайян мақсад

билан қайтарилиши такрор дейилади»<sup>102</sup>. Сегмент бўлакнинг такрор қўлланилиб, анафорани юзага келтириши эмоционалликни янада кучайтиштиришга хизмат қилган.

Корреляти тўлдирувчи позициясида келган сегмент бўлакларда фақат ахборотгина берилиб қолмай, предикатни тўлдириб келаётган аргумент экспрессивликни ҳам ифодалайди. Бундай ҳолларда нутқ фикр ифодалабгина қолмай, адресантнинг ҳис-туйғусини ҳам ифодалайди, аффеktiv мазмун ташийди. Сегмент ўзидан кейин келган бир неча гап билан алоқаланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда сегментнинг корреляти саналган олмош гапда турли синтактик позицияда бўлиши мумкин. *Йўлчи! У билан бир зум учрашса, унинг кўкрагига бош қўйиб, мард юрагини тингласа, унинг раъйини билиб, бу қопқондан қутулиш учун астойдил уринса!* (Ойбек). Бу ўринда сегмент бўлак ўзидан кейин келган бир неча эргаш гапли қўшма гапдаги бўлаклар билан алоқаланган. Биринчи эргаш гапда тўлдирувчи (*у билан*), иккинчи гапда аниқловчи (*унинг*), учинчи гапда яна аниқловчи (*унинг*) билан алоқаланган. Гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича қайта тузиш мумкин: *Йўлчи билан бир зум учрашса, унинг кўкрагига бош қўйиб, мард юрагини тингласа, унинг раъйини билиб, бу қопқондан қутулиш учун астойдил уринса!*

Гап ёки матн сегмент бўлакларга ажратилганда ҳис-туйғули нутқ сифатида бўлади ва адресатни ҳаракатга келтиради. Тўлдирувчи билан алоқаланган сегментлар мазмунан турли маъноларни, хусусан, топонимик ва ономастик характердаги аниқ ва мавҳум предметнинг, воқеа-ҳодисанинг мавжудлигини тасдиқлайди. Сегмент бўлак билан алоқаланган олмош баъзан кейинги гапда ифодаланмаслиги, сегмент бўлган сўзнинг ўзи такрорланиши, баъзан бу бўлаклар дистант ҳолда қўлланилиши мумкин. *Илаш... Матбаачиларнинг ётоқхонасида бир йилдан буён яшайди. Ит ётиш, мирза туриш. Аёл ундан ҳам олдин келганди* (Ш. Бўтаев). Сегмент қурилмаларда тилшунос олимлар таъкидлаганидек, оҳанг билан бирга тиниш белгилари ҳам муҳим роль ўйнайди. Юқоридаги гапдаги кўп нуқтанинг туширилиб

<sup>102</sup> Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.100.

қолдирилиши гапни икки составли содда гапга айлантиради. *Илаш матбаачиларнинг ётоқхонасида бир йилдан буён яшайди.*

Умуман, сегмент бўлақлар субстантив характердаги сўзлардан иборат бўлиб, уни изоҳлаш, тўлдириш учун келтирилган гаплар воситасида кўп ҳолларда тасвирий матнлар шаклланади.

## **2.2. Сегментли матнларда сўзловчи прагматик интенцияси ва лингвостилистик хосланиш**

Интенция тушунчаси дастлаб фалсафий тушунча сифатида юзага келган бўлиб, (интенция латинча *intentio* – *ният, мақсад, кучли орзу, рағбат, интилиш*) тушуниш, англаш, фикрни маълум бир предметга қаратиш назарда тутилади<sup>103</sup>. Интенция терминини тилшуносликка Дж.Остин киритган бўлиб, у прагматикада коммуникатив (иллокутив) акт сифатида юритилади. «Ҳар қандай матнда сўзловчи нутқ предмети хусусидаги маълум ахборотни у ёки бу шаклда баён этади. Ахборотнинг баён қилиниши сўзловчининг индивидуал услуби билан узвий боғланади. Ана шундай вазиятларда референциал ва пропозиционал актнинг таркибида ўз ички мақсади асосидаги ошқора ёки яширин ахборотни ҳам ифода этади»<sup>104</sup>. Адресант сегмент қурилма сифатида предмет номини келтирганда шунчаки бирор предметни бошқаларидан ажратмайди, маълум бир мақсадни кўзлайди. Бу мақсадни амалга ошириш учун бирор бир предметни ажратар экан, адресантнинг шу предмет ҳақидаги ассоциатив билимларини фаоллаштиради<sup>105</sup>, уни хотирасидаги шу предмет ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилишга ундайди. Сегмент қурилмалар асосан предмет (кенг маънода) номидан шаклланганлиги учун ҳам нутқ жараёнида тингловчи онгида предмет ва унинг белгисига асосланган ассоциациялар пайдо бўлади.

<sup>103</sup> [https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc\\_philosophy](https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_philosophy)

<sup>104</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – Б.125.

<sup>105</sup> Абукаева Л.А. Экспрессивные синтаксические конструкции в марийском языке: Дисс... док. филол. наук. – Йошкар-ала, 2005. С. 218

«Бундай ассоциация предмет ва унга хос белги ва, аксинча, белги ва унинг эгаси муносабати асосида ҳосил бўлади»<sup>106</sup>.

Нутқий мулоқот пайтида нутқ иштирокчилари ўз интенциясини, яъни мақсади, нияти, муддаосини тушунтириш учун у ёки бу синтактик қурилма, содда ёки қўшма гап туридан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. «Мулоқот интенцияси узатилаётган ахборотнинг негизини ташкил қилади. Шу сабабли мулоқот жараёнида сўзловчи тингловчига етказиш истагида бўлган ахборотни қандай узатиши ва умуман ушбу ахборотни мулоқот матнига киритиш йўллари масаласига қизиқиш кучли»<sup>107</sup>.

Сегмент қурилмалар сўзловчининг нарса-предметни таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, аввал бўлиб ўтган воқеликни эсга солиш, бир воқеани иккинчи бир воқеа билан боғлаш, предметни тавсифлаш, ачиниш, миннатдорлик туйғуларини ифода этишда қўл келади.

Сегмент қурилмали гапларда сўзловчи интенциясининг юзага келишини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Сегментлаш натижасида ҳосил бўлган гапларда тилнинг ахборот бериш вазифаси билан бирга таъсирчанлик ифодалаш вазифаси ҳам барабар намоён бўлади. От – кесим билан алоқаланган сегмент бўлақлар ёйиқ ҳолда ҳам келиши мумкин. *Олти минг эгик бош. Эрталабдан бери тўпга тутилаётган исёнкор шаҳарнинг бир амаллаб жон сақлаган аҳолиси мана шу эди.* Сегмент бўлақдан кейин келган гаплар ундаги бирон бўлақ ҳақида ахборот бериш билан уни яна-да тўлдирди, шу тариқа сегмент бўлақларнинг матн яратиш имкониятлари намоён бўлади. Қуйидаги гапда сегмент бўлақни изоҳлаган юқоридаги от – кесимга қўшимча ахборот берилган. *Булар кўпроқ бола-чақа, хотин-халаж, қари-қартанг; горнизондан етиб келган жазо отрядлари уларни шаҳар четидаги мана шу тақирга ҳайдаб чиқди* (А.Мухтор). Ёйиқ ҳолда келган бундай гапларни сегментланмаган тарзда қуйидагича қайта тузиш мумкин: *Эрталабдан бери тўпга тутилаётган исёнкор шаҳарнинг бир амаллаб жон*

<sup>106</sup> Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meqiyus, 2017. – Б.52.

<sup>107</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б.236.

сақлаган аҳолиси олти минг эгик бош эди. Бундай ҳолларда гапнинг мазмуни тўла бўлмай кейинги гапни ҳам талаб қилади. *Эрталабдан бери тўпга тутилаётган исёнкор шаҳарнинг бир амаллаб жон сақлаган аҳолиси олти минг эгик бош эди. Булар кўпроқ бола-чақа, хотин-халаж, қари-қартанг; горнизондан етиб келган жазо отрядлари уларни шаҳар четидаги мана шу тақирга ҳайдаб чиқди.* Корреляти от – кесим позициясида бўлган бундай сегмент қурилмалар сўзловчининг айтаётган фикрига тингловчининг диққатини тортиш, уни бошқаларидан ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш мақсадида тузилади. Сегмент бўлакни изоҳлаган асосий гапда олмош эмас, сегмент бўлак сифатида ажратилган сўзнинг такрор келиши таъкид маъносини кучайтиришга хизмат қилади. *Даҳшат! Дунёдаги ҳеч нарсадан ҳайратланмай қўйиш даҳшат! Агар сен сизиниб, эътиқод қўйиб келган нарсанг бир кун пуч ва сохта нарса бўлиб чиқса, бу – даҳшат* (Н.Эшонқул). *Самандар...Самандар бу пайтда Мингтепада, ўз жонажон қишлоғида ҳамқишлоқлари билан пахта терарди* (У.Ҳамдам). Бундай ҳолларда сўзловчининг воқеликка муносабати яққол сезилади. *Шивилгон! ... Шивилгон... Ориф аканинг энг ширин йигитлик пайтлари унинг сирли манзаралари билан, бутун умри унинг унутилмас хотиралари билан боғлиқ* (А.Мухтор). Бу гапнинг сегментланмаган ҳолати куйидагича: *Ориф аканинг энг ширин йигитлик пайтлари Шивилгоннинг сирли манзаралари билан, бутун умри Шивилгоннинг унутилмас хотиралари билан боғлиқ.*

Сегмент қурилмалар таркибида мана, ўша сўзлари қўлланганда олдин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани эсга олиш, таъкидлаш маънолари ифодаланади. *Мана, ўша қизғин тувакдаги шапалоқ гул. Софья Борисовна эрининг ёнига келган кунлари посёлка бозорчасидан биринчи харид қилган нарсаси гул бўлган* (А.Мухтор). Ҳ.Ғофуров таркибида «ана», «мана» сўзлари иштирок этган гапларни кўрсатма номинатив гаплар сифатида тасниф қилади. «Кўрсатма номинатив гаплар таркибида одатда «ана» ёки «мана» дейилган кўрсатиш юкламаси мавжуд бўлади. Сўзловчи билан тасвирлаб кўрсатилаётган предмет ёки воқеа бир жойда бўлса (инклюзив ҳолда),

кўрсатиш номинатив гапларда «мана», бир оз нарида бўлса, «ана» юкламаси қўлланади. «Ана», «мана» аслида кўрсатиш олмошларининг бир туридир. Бироқ номинатив гапларда улар ўзларининг олмошлик хусусиятини йўқотиб, ишора маъносини ифода этувчи ёрдамчи сўз – юкламага айланиб кетган бўладилар. Номинатив гапларда «ана», «мана» сўзларининг мустақил гап бўлаги бўла олмаслиги ҳам уларнинг олмошлардан узоқлашиб, кўрсатиш юкламасига айланиб кетганлигини кўрсатади»<sup>108</sup>. А.Пардаев эса бундай сўзларни бир хусусияти билан модал сўзларга, бошқа бир қирраси билан ундовларга яқинлашишини таъкидлаб, *дискурсив юкламалар* атамаси остида бирлаштиради<sup>109</sup>. Таркибида *мана, ана* сўзлари иштирок этган гапларда таъкид маъноси янада кучлироқ ифодаланади. *Мана, ҳаммадан ёш Хондамир. Унинг кўзлари замгин: у улуг тарихчи бобонинг ўлимидан сўнг тамоман шоирга суяниб қолган эди* (Ойбек).

Ёйиқ ҳолда қўлланган сегмент бўлақлар қаҳрамоннинг руҳий ҳолати билан боғлиқ воқеликни ифодалаш учун ҳам қўл келади. Аниқловчи билан келган бундай сегмент бўлақлар тингловчининг диққатини тортиш, аввалги воқеа-ҳодисани ёдга солиш учун ҳам хизмат қилади. *Калласида яна галагул ўйлар. Бу сафар улар хотинининг қулоқда шангилаган овози тарзида етиб келди* (А.Мухтор). *Эрта етилган оқила! Ҳар томонлама етук қиз у. Ўзининг фожиаали аҳволини ҳам тушунади* (А.Мухтор). Келтирилган мисолларнинг биринчисида сегмент бўлақда хабар маъноси билан бирга бу ҳолатнинг аввал ҳам содир бўлганлигига ишора бор. Буни сегмент бўлақни изоҳлаб келган асосий гап таркибидаги *бу сафар* бирикмаси ҳам тасдиқлайди.

Сегмент бўлақлар сўзловчининг коммуникатив нияти билан бирга эмоционалликни ҳам ифодалашда муҳим синтактик бирлик саналади. Сегмент бўлақ сифатида шаклланган бирлик ўзидан кейин келган гапдаги тўлдирувчи позициясидаги олмош, баъзан от билан алоқаланган бўлади. «Тўлдирувчи ҳолатидаги аргумент турли референт маъноларни ифодалайди.

<sup>108</sup> Гофуров Х. Кўрсатилган манба. – Б.43-44.

<sup>109</sup> Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013. – Б.155.

Бу референт маънолар тўлдирувчи ҳолатидаги аргументнинг предикат билан синтактик муносабати ҳамда ҳар икки қисмнинг қандай лексемалар билан тўлдирилишига қараб белгиланади»<sup>110</sup>. *Мана бобом. Унга ҳар нарса эҳсон қиламан* (Ойбек). Сегментлаш натижасида қайта тузилган *мана бобом* бирлиги ўзидан кейин келган гапдаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчи билан алоқаланган. Бу гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича тузиш мумкин эди: *бобомга ҳар нарса эҳсон қиламан*. Лекин бу ҳолда сўзловчининг тингловчи эътиборини тортиш нияти амалга ошмай қолар эди.

Сегментацияда актуаллаштирилган бўлак сегмент сифатида гапнинг олдига чиқарилади ва у билан алоқаланган гап бўлаги асосий гапдаги предикат билан зич синтакматик муносабатда бўлади. *Олдинда пиёзи чакмон ва қизил бўрк кийган Қосимбек. Унга эргашиб келаётган навкарлар ҳам таниш* (П.Қодиров). Бу ўринда асосий эътибор айнан Қосимбекка (бошқа бек эмаслигига) қаратилганлиги сабабли аниқловчи билан кенгайган бўлак алоҳида гап сифатида гапнинг олдига чиқарилган. Гапнинг сегментланмаган ҳолдаги кўринишида эса экспрессивлик кучсизлигини ва коммуникатив ният Қосимбек билан келган навкарларнинг танишлиги ҳақидаги ахборотни бериш эканлигини кўриш мумкин: *Пиёзи чакмон ва қизил бўрк кийган Қосимбекка эргашиб келаётган навкарлар таниш*. Сегмент бўлак бу ўринда темага, ундан кейин келган гап ремага тўғри келади. Тема сегмент бўлак билан ифодаланганда гап таркибидаги темага нисбатан заиф бўлади. *Мана бобом. Унга ҳар нарса эҳсон қиламан* мисолидаги сегмент бўлак *Бобомга ҳар нарса ҳадя қиламан* гапдаги тема (*бобомга*)га нисбатан заиф, чунки сегмент бўлак изоҳ талаб қилади, унинг мазмуни ўзидан кейин келган гап билан ойдинлашади.

Сегментланган бўлак матнда ўзидан олдинги ва кейинги гаплар билан муносабатда бўлади. Сегментланган бўлакни матндан узиб олиб таҳлил қилиш ҳар доим ҳам натижа беравермайди. Қуйидаги мисолда сегмент

---

<sup>110</sup> Нурмонов А., Маҳмудов Н ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 90.



олдинги қисмдаги гапни ҳам талаб қилади, унинг мазмуни фақат кейинги қисм билангина эмас, олдинги қисм билан ҳам боғлиқдир. *Ниҳоят, қатъий хулосага келинди: Ойбулоққа жин оралаган! Жин! ... Бунга шонса бўлади* (Ш.Бўтаев). Бундай ҳолларда сегментланган бўлак бўлиб келган сўзнинг гапдаги вазифаси турлича бўлади. Биринчи гапда таркибли от – кесим бўлиб келган қўшма феълнинг от қисми сегмент сифатида ажратилган, сегмент сифатида тасаввур бериш вазифасини бажараётган сўз кейинги қисмда тўлдирувчи билан алоқаланган.

Сегментланган гап бўлакларидан кейин турли тиниш белгиларининг қўлланилиши уларга турли услубий вазифаларни юклайди. Қуйидаги мисолда сегмент бўлак алоқаланган аниқловчи гапда ифодаланмаган, лекин аниқланмишдан унинг сегмент бўлак билан алоқаланганлигини сезиш мумкин. *Ёп-ёруғ, шинамгина хона. Худди машҳур шеърдагидек деразаси олдида бир туп ўрик ўсган* (Э.Аъзам). Гапни қуйидагича қайта тузиш мумкин. *Худди машҳур шеърдагидек ёп-ёруғ, шинамгина хонанинг деразаси олдида бир туп ўрик ўсган*. Бу икки гапни қиёслаганда, сегментланган гапда таъсирчанликнинг ифодаланганлигини, тасвирнинг аниқлигини кўриш мумкин. Демак, сўзловчи сегмент қурилма воситасида ўзининг хона ҳақидаги тасаввурини ифодалашни мақсад қилган.

Сегмент бўлак сўзловчининг бирор бир шахсга ачиниш, унга хайрихоҳлик туйғуларини ифодалаш мақсадида ҳам тузилади. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин: *Комила! Қийналаётгандир бечора! Тоға-ку унча қаттиқ гапирмайди қизига, аксинча, тилида бўлмаса ҳам дилида қизи тараф. Аммо анави ёсуман онаси турткилаб қўймаётгандир* (А.Ибодинов). И.Расулов бундай бирликларни баҳо ифода қилувчи, кесимсиз гапларнинг бир тури сифатида талқин қилади<sup>111</sup>. Қуйидаги мисолда ҳам сўзловчининг ўтган умрга, йўқотилган қадрдонларга ачиниш туйғуларини ифодалашда сегмент қурилма услубий восита сифатида қўлланилган. *Ўша воқеаларга қанча бўлди экан? Ё раббий, йигирма етти йил! Қарчигайдек бир йигит*

---

<sup>111</sup> Расулов И. Кўрсатилган асар. – Б.209.

умри! Ўшанда ёнида ҳамроҳу ҳамкор бўлганлардан кимлар бор? У турли-туман номларни эслашга уринаркан, уларнинг бари бармоқ орасидан шувиллаб тўкилган қум сингари хотираси қатларидан бир-бир сирғалиб тушаётганини сизди. Нўён кўкалдош, Ғулда Қосимбек, Холдор, Миршоҳ қавчин. Кўчбек... Эвоҳ, қайда улар? Қаерларда? Барчаси энди «рахматли». Баъзилари шиддатли жангларда бошидан айрилди, баъзилари ганим найрангига дучор бўлди, айримларининг умри қисқа экан, айримлари эса... хиёнат қилди. Оқибат, ўша кунлардан бу кун фақат аччиқ, маҳзун хотиралар ёдгор, холос (Х.Султонов). «Тил бирликлари бир мулоқот вазиятида сўзлашувчилар томонидан ўзларининг тўғридан-тўғри табиий маъноларини, яъни пропозитив-номинатив маъноларини англатиш учун қўлланилса, иккинчи бир вазиятда айнан шу алоҳида олинган тил бирликлари ўзига хос – коммуникатив-прагматик маънода ишлатилиб, бетакрор стилистик бўёқ билан ажралиб туради. Бундай маъноларни тушуниб етиш ва керак ҳолларда зарур савол-жавоблар орқали мулоқот олиб бориш сўзлашувчиларнинг тегишли лисоний ва коммуникатив-прагматик билимлари у ёки бу даражада бўлишига, шунингдек, уларнинг мулоқот олиб бориш лаёқати (компетенцияси)га ҳам бевосита боғлиқдир»<sup>112</sup>.

Адресант сегмент қурилмадан фойдаланганда унинг коммуникатив интенцияси – мақсадини тўғри англаб олиш учун адресатнинг лисоний билими ҳам етарли бўлиши керак. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин.

*Уруш, бу қоп-қора сўзни кўчираркан мен оққа,*

*Дейман уруш, бу мажруҳ дил, бу хато йўл, поймол шанъ* (Х.Худойбердиева). Келтирилган мисолда сегмент бўлак уруш бўлиб, унинг қандай даҳшатли нарса эканлигини тасдиқлаш мақсадида сўзловчи яна бир марта нутқ жараёнида қўллайдди, кучли таъкид маъносини ифодалаш орқали урушга қарши кураш «талаб» нутқий акти юзага келади.

*Уруш – етим чақалоқ у, поймол одам шаън,*

---

<sup>112</sup> Абдуллаева С. Пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг матндаги семантикаси // Fledu.uz 29.04.2017. № 2 (16) 2017.

*Мен бу қаро дардни қандоқ оқ қозозга қуяман... (Ҳ. Худойбердиева)*

Яъни, «уруш қилманг, урушга қарши туринг» мазмуни англашилади.

М.Юсуфнинг «Севги бу» шеърида *севмоқ* сўзи икки ўринда сегмент бўлак сифатида ажратилган. Шеър қуйидаги мисралар билан бошланади:

*Севмоқ, бу*

*Кечирмоқ дегани асли,*

*Токи бу дунёда қуёш бор, гул бор.* Сегмент сифатида ажратилган *севмоқ* сўзи кейинги ўринда яна такрор келади.

*Севмоқ, бу кунда бир кўрмоқ бахтидир*

*Озгин қўлларингни, сепкил юзингни...* Сегмент сифатида ажратилган сўз шоирнинг ўзига хос топилмасини, хулосасини ифодалаган. Сўзловчи сегмент қурилма орқали ахборот ифодалаганда тингловчини ишонтириш, тасдиқ нутқий акти юзага чиқишини кўриш мумкин. Бу ўринда сўзловчи учун *севмоқ* – кечирмоқ бўлса, бошқа ўринда *озгин қўлларни, сепкил юзни кунда бир кўриш бахтидир*. Нутқ тузиш жараёнида сўзловчининг турли мақсадларни кўзлашини таҳлил қилар экан, И.Д.Арутюнова инсонлар нутқни ўзининг бирор бир нарса ҳақида ўз мулоҳазаларини ифодалаш, насиҳат қилиш, тақлиф бериш, ишонтириш, кимнингдир ҳаракатини таҳлил қилиш каби мақсадларни кўзлаган ҳолда тузишини таъкидлайди<sup>113</sup>. Кейинги мисраларда эса *севмоқ* сўзи яна такрор келган бўлса-да, сегмент бўлак сифатида шакллантирилмаганлиги учун таъкид маъноси ҳам йўқолган, оҳангда эса сокинлик сезилади.

*Севмоқ бу ўзингни англамоқ асли,*

*Токи замин аро қуёш бор, гул бор.*

*Райҳонга кўмилган шу баҳор фасли,*

*Садоқатли ёр бўл сен менга, дилбар.*

Сегмент қурилмали гапларда кўп ҳолларда тасдиқ нутқий акти ифодаланишини кўришимиз мумкин.

*Севги – бу лаззатга талпиниш дейман,*

---

<sup>113</sup> Арутюнова И. Д. Предложение и его смысл. – М.: Наука, 1976. – С.47.

*Борар жойи – тўшак. Унда кутгайман (У.Хамдам).* Келтирилган мисолда сегмент бўлак орқали тасдиқ маъноси ифодаланган. Бу маънони шеърнинг кейинги мисрасидаги *Унда кутгайман* гапи тўлдириб келган. Қуйидаги мисолда ҳам тасдиқ нутқий акти ифодаланган.

*Алданган ишончдир сенга теккан ўқ,*

*Ўқ – бу ўз қадрини топмаган қадр (Х.Худойбердиева).*

Сегмент қурилмали гапларнинг ички мазмуний структурасида коммуникатив ниятнинг баёни ётади. Сиртдан қараганда сўзловчи бирор воқеа-ҳодисани шунчаки таъкидлаётгандай кўринса-да, унинг замиридаги яширин маъно юзага чиқса, коммуникатив мақсад тўғри англанади. Қуйидаги мисолда ҳам сўзловчининг коммуникатив интенцияси ақс этади:

*Шунчаки ёзмоқ-чи, кўнгил тўлмайди,*

*Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим.*

*Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,*

*Шунчаки ёзмоқ, бу – шоирга ўлим (Х.Худойбердиева).* Келтирилган мисолда сегмент бўлак *шунчаки ёзмоқ* бўлиб, ундан шоиранинг «мен шунчаки ёзмайман» деган мақсадини англаб олиш мумкин.

Қуйидаги мисолда сегмент бўлак ва уни изоҳлаган гапда сўзловчининг мақсади ёз ҳақидаги хулосани беришдир.

*Ёз – бу тўлин ойдек ётоққа кирмоқ,*

*Кўкрак кериб юрмоқ – худди оппоқ гоз (Х.Худойбердиева).*

Қуйидаги мисолларда эса сегмент бўлак сифатида ажратилган предмет ҳақидаги тасдиқ ҳукми янгилиги, оҳорлилиги, кутилмаганлиги билан аҳамиятлидир.

*Қуёш! Қуёш – бир бош!*

*Кўзларимни қалбимдан айри тутмадим (Р.Парфи).*

*Бўлса айтар эди отанг*

*Уруш – бу йўқ нарса ўғлим (Р. Парфи).*

Кўринадикки, сегмент бўлақлар тузилиш жиҳатидан содда бўлса-да, яширин мазмун ифодалаши билан турли нутқий актларнинг юзага чиқишида

иштирок этади. Прагматика тўғридан – тўғри интенциялар билан эмас, балки пардаланган, ниқобланган интенциялар билан қизиқарлидир<sup>114</sup>.

*Кардиограмма,*

*Нимадир бу хат?*

*Нималар демоқда юрагим зарби?*

*Нечун у кўксимда уринар фақат*

*Парвозга талпинган тутқун қуш каби? (Э.Воҳидов).*

Келтирилган мисолда сегмент бўлак тасдиқ мазмунини билдириб келган бўлса-да, уни изоҳлаётган асосий гапдаги корреляти сўроқ гапда эга позициясида бўлиб, сўзловчининг бирор бир ходиса хақида сўраб билиш мақсадини ифодалашда восита сифатида қўлланилган.

Сегмент қурилмали гапларда сўзловчи прагматик интенцияси сегмент қурилмани изоҳлаб келган асосий гапда намоён бўлади. Сегмент бўлакнинг ўзида эса, асосан, тасдиқ интенцияси ифодаланган бўлади.

### **2.3. Сегментли матнларда актуал бўлиниш муаммоси**

Нутқий жараёнда сўзловчининг коммуникатив ниятини амалга оширишда бир қанча лисоний ва нолисоний воситалар иштирок этади. Таъкидловчи воситалар сифатида ном олган бирликлар нутқий жараёнда адресатнинг диққатини муҳим аҳамиятга эга элементга қаратиш учун ажратилиб, таъкидлаб кўрсатилади. Сегмент бўлакларни актуал бўлакраниш сатҳига кўра тадқиқ қилганда сегмент бўлакнинг ҳар доим темалаштирилиши кузатилади. Темалаштирилган сегмент қурилмаларни француз тили сўзлашув нутқи материаллари асосида тадқиқ қилган И.В.Микута «Хабарнинг темалаштирилиши (тематизация) норасмий вазиятдаги нутқий муносабат жараёнида нутқнинг муваффақиятли чиқишини таъминловчи асосий воситалардан бири» эканлигини таъкидлайди<sup>115</sup>. Асосий маъно

<sup>114</sup> Норман.Б.Ю. Лингвистическая прагматика. Курс лекции. – Минск, 2009. – С.172.

<sup>115</sup> Микута И.В. Тематические сегментированные конструкции во французской разговорной речи // Вопросы филологии и методики преподавания иностранных языков. – Омск, 2000. – С.94.

ифодалайдиган бирликнинг тема сифатида гапнинг олдида чиқарилиши уни бошқа кўп сонли қурилмалардан ажратиб кўрсатишга, адресатнинг диққатини тўғри йўналтиришга хизмат қилади.

Сегментация оддий гапнинг исталган бўлагини темага, қолганини эса ремага айлантириш имконини беради. Ш.Баллининг таъкидлашича, сегментланган гапларда интонация асосий ролни ўйнайди<sup>116</sup>. Сегмент қурилмаларнинг синтактик структураси уларнинг коммуникатив вазифа бажаришига асосланган. Сегмент қурилмаларнинг мазмуни уни ташкил қилувчи элементларнинг мажмуи ва улар ўртасидаги муносабат яхлит текширилганда ойдинлашади. Бу жиҳатидан сегментация икки бўлак: сегмент ва асосий, базавий қисмдан ташкил топади. Сегмент қурилмаларнинг семантик жиҳатдан яхлитлигини таъминлашда грамматик шаклланганлик ва базавий қисм, улар ўртасидаги муносабат асосий ролни ўйнайди. Мазмуний – грамматик муносабатларнинг хилма-хиллиги сегмент ва базавий қисмда келган унинг коррелятига боғлиқ. Т.Р.Коновалова сегмент қурилмалар – бу актуал бўлакранишнинг ўзига хос намоён бўлишидир, дейди. Шунинг учун бу қурилманинг ўзи махсус коммуникатив вазифа бажаришга – фикр темасини таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш ва уни ремага қарама-қарши қўйиш мўлжалланган грамматик восита сифатида баҳоланади<sup>117</sup>. Парцелляциянинг бадий матндаги ўрни, тузилиши, семантикаси ва матн шакллантириш имкониятларини тадқиқ қилган Р.О.Зелипукин Бао Хуннинг «сегментациянинг икки тури фарқланади: тематик ва рематик. Рематик сегментация парцелляциянинг юзага келишида тадқиқ объекти бўлган» деган фикрини келтиради ҳамда парцелляцияни рематик сегментация сифатида тавсифлайди<sup>118</sup>. Таъкидлаш керакки, парцеллят рема мақомида келганда оддий актуал бўлакранишдаги ремадан фарқ қилади, кўп ҳолларда бир рема

<sup>116</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М: Издательство Иностранной литературы. 1955. – С.72.

<sup>117</sup> Коновалова Т.Р. Сегментированные конструкции в современной русской речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 1973. – С.7.

<sup>118</sup> Зелипукин Р.О. Парцелляция в художественной прозе В.Токаревой: структура, семантика, текстообразующая функции: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – С 25.

ўрнида бир неча рема иштирок этиши кузатилади. Рематик сегментация ўзига хос актуал бўлакранишни ҳосил қилади. Бир ёки бир неча сегмент бўлак оҳанг ва таъкид олиши натижасида асосий гапдан узилиб, гапдан кейинги позицияни эгаллайди ҳамда ўзига хос рематик марказни ҳосил қилади»<sup>119</sup>.

Ўзбек тилшунослигида гапнинг актуал бўлиниши ва позиция масалалар ҳақида К.Ҳайитметовнинг шу номдаги монографиясида қимматли фикрлар айтилган. Олим актуал бўлакраниш ва синтактик бўлакранишнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг баъзи ўринларда тенг келиб қолиши мумкинлигини мисоллар асосида далиллайди. Синтактик бўлакраниш ва актуал бўлакранишнинг асосий фарқи ҳақида шундай дейди: «...айни бир гапнинг позиция вариантлари қанча бўлишидан қатъий назар, синтактик бўлиниш учун бир гап саналади, актуал бўлинишда эса ҳар бир вариант айрим-айрим коммуникатив вазифани бажаришга хизмат этгани учун алоҳида-алоҳида гаплар саналади»<sup>120</sup> Гапнинг актуал бўлакранишида кўпроқ коммуникатив-семантик, грамматик-стилистик факторлар асосга олинишини, ҳар гап бирор коммуникатив вазифани бажаришга хосланган бўлишини таъкидлаб, гапдан коммуникатив жиҳатдан икки томон мавжуд бўлишини айтади: 1) гапнинг аввалги контекстдан ёки ситуациядан маълум бўлган, унчалик муҳим бўлмаган қисми – хабар предмети, буни тема деб юритилади; 2) гапнинг асосий мазмунини ифодалайдиган, кўпинча янги хабарни билдирадиган, гапнинг ядросини ташкил қилган қисми рема деб юритилади. Коммуникатив жиҳатдан гапнинг тема ва ремага бўлинишини гапнинг актуал бўлиниши деб юритилади<sup>121</sup>. Тема гапнинг кўпинча аввалги контекстдан маълум бўлган қисми бўлиб, у унча муҳим бўлмаган хабарни ифодалайди. Рема эса гапдан англашилган хабарнинг асосини ташкил этиб, гапнинг коммуникатив маркази саналади.

---

<sup>119</sup> Зелепукин Р.О. Кўрсатилган дисс. – С.26.

<sup>120</sup> Ҳайитметов К. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позиция масалалари. –Тошкент: Фан, 1984. –Б.28.

<sup>121</sup> Ҳайитметов К. Кўрсатилган асар. – Б.29.

Ўзбек тилшунослигида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилишини О.Бозоров монографик тадқиқ қилган. Тадқиқотчи сегмент қурилмалар, сегментлаш натижасида ҳосил бўлган атов гапларда актуал тузилиш ҳақида алоҳида тўхталмайди, аммо ишнинг 3-бобида, гипертема функциясини муайян жумла бажарувчи модел ҳақида сўз юритганда атов гап ва у билан алоқаланган гапларни келтиради. «Бундай жумла кенг қўламли бирор воқеа-ходисани билдириб, одатда, актуал жиҳатдан бўлинмас ҳисобланади ҳамда гипертема функциясини бажаради. Кейинги жумлаларнинг темаси эса унга параллел равишда мазмуний ва имплицит боғланади. Масалан: *Куз фасли. Қуёш / олачалпоқ булутлар орасида муҳташам кезади. Сувлар, / гўё оғир уйқуга чўмгандек, ҳолсиз сузилиб оқади. Нақ алангадек олтинланган дарахтлар / қимир этмайди* (Ойбек)».<sup>122</sup>

Сегмент қурилмаларда базавий қисмда асосан *у, бу* олмошлари коррелят сифатида келади. Бу коррелят билан келган сегмент қурилмалар қуйидаги хусусиятларга эга: 1) сегмент қоидага кўра темани – маълумни билдиради. 2) сегмент қурилмага маълум вазифа юкланади: базавий қисм сегментга нисбатан интенсификатор (кучайтирувчи, самарадорлигини оширувчи) ролини бажаради. 3) базавий қисмнинг коммуникатив жиҳатдан тобелиги ўсади. Иккинчи гуруҳ, корреляти равиш бўлган сегмент қурилмалар нисбатан кам учрайди<sup>123</sup>.

Актуал бўлакраниш планига мувофиқ сегмент қурилмалар тема ва ремага бўлиниб кетади. Рема ҳам ўз навбатида икки аъзоли – тема ва ремадан иборат. Л.М.Майорова сегмент қурилмаларнинг бир кўриниши бўлган тасаввур номлари мустақил коммуникатив birlik бўла олмаслигини, асосий қисмсиз қўллана олмаслигини қайд этади. Сегмент тема сифатида келиб нафақат бериладиган хабарни атайди, балки тингловчини мушоҳада

<sup>122</sup> Базаров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2004. – Б 12.

<sup>123</sup> Коновалова Т.Р. Сегментированные конструкции в современной русской речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов. 1973. – С.10-11.



юритишга, ўйлашга ундашени қайд этади<sup>124</sup>. Сегмент қурилмаларни инглиз тили материаллари асосида ўрганган Т.Н.Сафронова бундай қурилмаларнинг коммуникатив қурилишидаги ўзига хослигини эга ва тўлдирувчининг актуаллаштирилганлиги билан белгилайди, бунга сабаб бу гап бўлақларининг субстантив характердаги сўз билан ифодаланишидадир, деб кўрсатади<sup>125</sup>. Актуаллаштирилган субстантив компонентнинг жойлашуви фикрнинг икки қисмга тема ва ремага бўлинишини таъминлайди. Рема ўзи ҳам субтема ва субремага бўлиниб кетади. Ремадаги олмош субтема, қолган қисм эса унга нисбатан субрема ҳисобланади.

*Шеърят – бу асли жунун камоли,*

*Майлига ким уни нима демасин.*

*Ҳаёт уммонида ёзмиш шамоли*

*Бўронларга бурди умрим кемасин (Э.Воҳидов).*

Келтирилган мисолда *шеърят* – тема, *бу асли жунун камоли* рема бўлиб, ремадаги *бу* кўрсатиш олмоши субтема, қолган қисм эса унга нисбатан субрема ҳисобланади.

Шу тариқа сегмент таркибидаги тематик элемент ажратиб кўрсатилиб актуаллаштирилганда икки томонлама таъкидланади: 1) сегментланган қурилмага тема бўлиши билан; 2) асосий қисм ремадаги тема бўлиши билан. Олдин олмош, кейин от келган субъект актуаллаштирилган қурилмаларда, субъект фақат гапнинг охирида эксплицитлик касб этади. Бундай сегментлашнинг ўзига хослиги икки марта актуаллаштириш ҳисобланади. Энг аввал субрема актуаллаштирилади, чунки олмошлаган сўз фикрнинг бошида эътиборни асосий фикрдан тортмайди. Базавий қисмдан кейин келган сегмент ҳам, олдин келган сегмент ҳам асосий қисмда ўз-ўзидан англашиладиган ҳодиса борлигини далиллайди. Бунда қуйидаги мисолда сегмент бўлақ сифатида келган *пахта* сўзида ҳам кўришимиз мумкин.

<sup>124</sup> Майорова Л.Е. Именительный представления и именительный темы // Русский язык в школе.1984. –№3. –С.83.

<sup>125</sup> Сафронова Т.Н. Сегментированные конструкции в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград.1975. – С.3.

*Пахта...*

*У севгидек мавзудир ўлмас,*

*У илҳом чаишмаси, мангу булоқдир (Э.Воҳидов).*

Рематик моҳият учун сегмент элементнинг асосий қисмга нисбатан қандай позицияда бўлиши муҳим эмас, у ҳар қандай ҳолатда ҳам тема вазифасини ўтайди, бу реципиентнинг диққатини янги ахборотга тортиш учун қўлланилади. Тематик сегмент билан алоқаланган асосий қисмдаги олмош субтема бўлиши билан характерланади. У субрема бўлиб келган янги ахборотни ифодалайди. *Тепаликлар... Булар ҳам галати одамлар. Тинчгина бугдойларини ўриб, хирмонларини совуриб, қўйларини боқиб, қоринларини тўқлаб, димозларини чоғлаб юришавермайдими?* (Ш.Бўтаев) Бу ўринда *тепаликлар* – тема, кейинги гап эса ремадир. Реманинг ўзи ҳам икки қисмга бўлинади: *булар* олмоши субтема, *галати одамлар* субремадир. Гапни Т.Н.Сафронованинг фикрларига таяниб, қуйидагича ифодалаш мумкин: T1. P1(T2-P2) Баъзан кейинги гапнинг темаси бўлган олмош гапда ифодаланмаслиги мумкин, лекин унинг ўрни гап мазмунидан англашилиб туради. *Тошкент! Одамларнинг бахтини қанчалик бағрикенглик, саҳийлик билан кўксига сиғдирса, бахтсизлигини ҳам шунчалик бағрикенглик, бепарволик билан қаршилайди* (Ў.Ҳошимов). Сегмент бўлақдан кейинги гапдаги эга позициясида бўлиши лозим бўлган у олмоши гапда ифодаланмаган, лекин унинг ўрнини тиклаш мумкин. *Тошкент! У Одамларнинг бахтини қанчалик бағрикенглик, саҳийлик билан кўксига сиғдирса, бахтсизлигини ҳам шунчалик бағрикенглик, бепарволик билан қаршилайди.*

Тема позициясидаги сегментнинг актуаллаштирилиши асосий эътиборни айнан шу бўлаққа қаратиш учун қилинади, кейин эса тема ҳақидаги асосий ахборот берилади. Антиципацияда эса бу ҳолатнинг тескараси юз беради. Аввал тема ҳақидаги ахборот берилади – субрема. «Натижада кутилмаган ҳолатнинг натижасида рема «портлашга» ўхшатилади, тема эса (объект ажратилган ҳолда) шу портлашнинг садоси

сифатида янграйди»<sup>126</sup>. Ўзидан кейинги гапдаги объект позициясидаги олмош билан алоқаланган сегментнинг коммуникатив тузилишини Т.Н.Сафронова қуйидагича кўрсатади:  $T - R(R - T)$ <sup>127</sup>.

Сегментлашда нутқнинг ифодали бўлишига эришилади, актуаллаштирилган бўлак тузилиши, гапдаги ўрни билан диққатни жалб этади ҳамда икки марта қўлланганда кучлироқ натижа беради. Ҳар қандай такрор усули нутқ парчасининг ифодалилигини кучайтиришга хизмат қилади. *Ойим. Бечора ойим. Неча минг чақирим узоқларда бўлган урушнинг барча машъум изларини унинг юзида кўрдим мен* (А.Мухтор).

*Ватан, Ватан, нима ўзи кўксин ўқ тилган,*

*Ватан ўз юртидан айру, адо бўлган зўр,*

*Ватан, Ватан Машираб асли Балхда осилган,*

*Ватан – кетиб, ватанига қайтолмаган зўр* (Ҳ.Худойбердиева).

Сегмент қурилмаларнинг ўзига хослиги бир қатор белгиларда намоён бўлади: ифодалилик, таъкидлаб кўрсатиш, ажратиш. Бу белгилар нафақат ажратилган қисмда, балки бутун қурилмада намоён бўлади. Актуаллаштиришнинг белгиларига қараб сегмент қурилмаларнинг таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш даражаси турлича бўлиши мумкин. *Ишонч! Инсон ишонч билан тирик. Унга ишониш керак. Агар инсонга ишонилмаса, фалокат юз беради* (Ў.Умарбеков). Бу ўринда сегмент бўлак орқали кучли таъкид маъноси англашилмоқда. Қуйидаги микромаатнда сегмент бўлак қаҳрамоннинг кучли руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилган. *Муҳаббат... Ойхоннинг мурасасиз туйғулари гоҳ аяни ҳам таслим қилишига бир баҳя қолади. Лекин, йў-ўқ... муҳаббат бундай нопок бўлиши мумкинми? Бу ҳалолликдан эмас, одобдан ҳам эмас ахир. Кимнидир чирқиратиши муҳаббатга зид* (А. Мухтор).

<sup>126</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Издательство Иностранной литературы. 1955. – С.72.

<sup>127</sup> Сафронова Т.Н. Сегментированные конструкции в современном английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1975. – С.8.

«Сўзловчининг маълум қилинаётган ахборотга бўлган барча турдаги муносабатлари тилда умумлисоний категория бўлган модаллик майдонида ўз аксини қолдиради»<sup>128</sup>. Сегмент қурилмаларнинг акцентуаторлик (таъкидловчилик, ажратиб кўрсатувчилик) роли матнда тема сифатида келишида намоён бўлади. *Мана, Беҳзод. Шоирнинг, ўз устозининг бошида унинг йиғиси, ўлмас асарлари каби чуқур маънодор* (Ойбек). Бу мисолда *Беҳзод* сўзи тема сифатида ажратилган ва гапнинг олдинги қисмига чиқарилган. Ёзувчи бевосита айтилаётган фикрга, яъни Навоийнинг ўлими у билан ҳамфикр, ҳаммаслак ва замондош Беҳзодга қандай таъсир кўрсатганига урғу бериш мақсадидида тема сифатида шакллантирган. Тема сифатида шакллантирилган бирлик асосий қисмда яна бир марта ифодаланади. Қуйидаги мисолда ҳам ёйиқ сегмент бўлак яхлит ҳолда темага, асосий қисмдаги у олмоши билан ифодаланган эга позициясидаги бирлик ҳам темага тўғри келади. Сегмент бўлак ўз ичида тема (*Мана, кечаги содда баҳодир, дўлвор йиғит*) ва рема (*букун минг навкарнинг бошлиғи Арслонқул*)га бўлинади. Асосий гап (базавий қисм) унга нисбатан рема мақомида бўлиб, ўз ичида тема (*у*) ва рема (*булутдай ўкириб йиғлайди*)га бўлинади. *Мана, кечаги содда баҳодир, дўлвор йиғит / – букун минг навкарнинг бошлиғи Арслонқул. У / булутдай ўкириб йиғлайди* (Ойбек). Буни схемада қуйидагича ифодалаш мумкин: T1 (T-P). P(T2-P).

Сегмент бўлақлар актуал жиҳатдан бўлақланмайди, унинг ўзи яхлитлигича тема бўлади, ундан кейинги гап эса рема бўлади.

*Дилимни бир қўрқув буровга солмиш,*

*Уйғониш – бу сендан айрилиб қолиш.*

*Сен кетма, йўқолсин майли бу қўрқув,*

*Шоирлар айтгандай ухлайин мангу* (Й.Эшбек).

Келтирилган мисолда *уйғониш* тема, уни изоҳлаб келаётган асосий гап таркибидаги *бу* кўрсатиш олмоши субтема, *сендан айрилиб қолиш* эса

<sup>128</sup> Боймирзаева С. Кўрсатилган автореферат. – Б.16.

ремадир. Кўриниб турибдики, сегмент ва унинг корреляти кучли таъкид ифодалаш учун қўлланилган.

Поэтик нутқнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилган И.Ковтунова шеърий асарларда сарлавҳа ва матн кўп ҳолларда тема ва рема муносабатига тўғри келишини, сарлавҳа тема ва матн – рема орасидаги зич синтактик алоқа сарлавҳа эга, матн эса бир қатор феъл – кесимлардан иборат бўлганда яққол кўринишини, бундай ҳолларда шеърий матн яхлитлигича предикат бўлишини таъкидлайди. Шеърий асарларда кўп тарқалган ўзига хос курилишлардан яна бири предметнинг номи матнда айтилмай, матнда унга ишора қилувчи олмош ифодалангани<sup>129</sup>. Бундай ҳолларда тема ва рематик муносабат сегмент қурилмали гаплардаги муносабатга ўхшаш бўлади. Шеърий матнларда тема бўлиб келаётган предмет номи айтилмайди, шоир унинг белгиларини ифодалаш орқали унга ишора қилади, тингловчини мушоҳада юритишга, яширинган предмет номини ўзи топишга ундайди. Насрий матнда эса тема сегмент бўлакка тўғри келганда бу ҳолнинг тескариси юз беради. Сўзловчи темани алоҳида гап сифатида матндан ташқарига чиқариш орқали тингловчининг диққатини айнан шу бўлакка қаратиш, уни таъкидлаш, бошқа бўлақлардан ажратишга эришади.

Суперсинтактик бутунликларни тадқиқ қилган М.Абдупаттоев синтактик бутунликларда актуал бўлақланиш масаласи категория сифатида мазмуний планда ўрганилишини, суперсинтактик бутунликларда ҳам актуал бўлиниш худди содда гаплардагидек тема ва ремадан иборат бўлишини таъкидлайди. Катта (макро) матнларда мавзу (тема) асарнинг бутун ҳажми давомида ёритиб борилади, бундай матнлар таркибида унинг ягона (макро) мавзунинг ёритилишини таъминловчи кичик мавзу (микротема)лар мавжуд бўлиб, ана шу кичик мавзуларнинг ёритилиши учун суперсинтактик бутунликлар восита бўлишини билдиради<sup>130</sup>. Сегментлаш натижаси сифатида юзага келган атов гаплар суперсинтактик бутунликлар таркибида келганда

<sup>129</sup> Ковтунова. И.И. Поэтический синтаксис. – М.: Наука, 1986. – С.147.

<sup>130</sup> Абдупаттоев. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент. 1998. – Б.55.

яхлитлигича шу суперсинтактик бутунлик учун тема вазифасини бажаради, қолган гаплар эса унга нисбатан рема позициясида келади. Тадқиқотчи суперсинтактик бутунликларда тема ва рема муносабатининг намоён бўлиши ҳақида қуйидагича фикр билдиради: «ССБ (суперсинтактик бутунликлар)ларда мавзу унинг таркибидаги биринчи гап орқали реаллашади. Биринчи гап орқали мавзу белгиланади. ССБ таркибидаги (у неча нисбий мустақил гапдан иборат бўлишидан қатъий назар) қолган гаплар эса мавзунини ёритиш, изоҳлаш, қўшимча маълумот бериш учун хизмат қилади, яъни, ремага, темага тенг келади. Ана шундай тартибда суперсинтактик бутунликларда тема-рема муносабатининг намоён бўлиши кузатилади»<sup>131</sup>. Тадқиқотчи мавзу ифодаловчи гаплар кўпинча содда гап шаклида бўлишини, лекин тил фактлари мавзу ифодаловчи гапларнинг кўшма гап ҳолида ҳам бўлишини кўрсатганини айтиб, кўшма гап компонентларидан бирининг мазмунини асос бўлиб мавзунини ифодалашда етакчилик қилишини билдиради. *«Кенг адир, баҳор палласи. Осмонда енгил булут борга ўхшайди. Ҳар биттаси пиёладек келадиган лолалар қийғос очилган, ойижоним эгилиб лолага қўл узатяпти. Енгилгина шабада борга ўхшайди»*. (Х.Тўхтабоев) Ушбу суперсинтактик бутунликнинг мавзуси кўшма гап кўринишида бўлиб, асосий тема *баҳор палласи* қисмидан иборатдир, дейди<sup>132</sup>. Лекин бу ҳамма ҳолларда ҳам шундай бўлавермайди. Қуйидаги гапда қатор келган сегмент бўлақларнинг фақат бир компоненти асосий темани ифодалайди деб бўлмайди: *Жонсиз шуъла дунёси, совуқ чексиз жимжитлик. Бу ерда руҳан эзиласиз, фақат зарбга қарагингиз келади* (А.Мухтор). Бу ўринда ёйиқ ҳолда келган сегмент бўлақнинг ҳар иккаласи ҳам ўзидан кейин келган гапдаги ўрин ҳоли билан алоқаланган, бир-бирини тўлдириш, воқеа юз бераётган ўрин ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш учун қўлланилган, ҳар иккала компонент ҳам тема вазифасини бажарган дейиш мумкин.

<sup>131</sup> Абдупаттоев. М. Кўрсатилган диссертация. – Б.55

<sup>132</sup> Абдупаттоев. М. Кўрсатилган диссертация. – Б.57

Сегментация гапнинг исталган бўлагини темага айлантириш имконини беради. Бу адресантнинг мақсади ва коммуникатив нияти билан боғлиқдир. Адресантнинг асосий мақсади предикатни таъкидлаш бўлганда предикат, субъектни таъкидлаш бўлганда эга, объектни таъкидлаш бўлганда тўлдирувчи, белгини таъкидлаш бўлганда аниқловчи ва ҳол тема позициясида келади.

## **БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР**

1. Сегмент қурилмаларнинг сегмент қисмида китобий услубдаги лексика етакчилик қилади, шу сабабли бундай қурилмали гапларда кўтаринки рух, ўзига хос оҳанг ифодаланади.

2. Ўзбек тилида сегмент қурилмали матнлар эмоционалликни ифодалашда кенг қўлланилади. Сегмент қурилмани ундан кейин келган гап ёки бир неча гаплар изоҳлаб келади, шу жиҳати билан улар матн шакллантириш имкониятига эга қурилмалар саналади.

3. Сегмент қурилмаларда сўзловчи прагматик интенцияси ифодаланади. Бирор бир воқеликни, предметни бошқаларидан ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш, аввал бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса билан боғлаш, эслатиш, ачиниш, қувонч туйғуларини ифодалашда қўлланилади. Сегмент қурилмалар ёзувчи-шоир услубини шакллантирувчи услубий восита саналади.

4. Сегмент қурилмалар ҳар доим темага тенг келади. Уни изоҳлаб келган гап таркибида эса унинг корреляти иштирок этади, бундай гапларда бир теманинг икки марта ифодаланиши билан икки мантиқий марказ ҳосил бўлади.

5. Сегмент қурилмали гапларда коррелят иштирок этган гап сегмент қурилмага нисбатан рема мақомида бўлади, у ўз ичида субтема ва субремага бўлинади. Сегмент бўлакнинг корреляти субтема, қолган қисм эса субрема саналади.

## III БОБ. СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ- ПРАГМАТИК ВАЗИФАЛАРИ

### 3.1. Сегмент қурилмалар прагматик тадқиқ объекти сифатида

Прагмалингвистика тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ўтган асрнинг 70-80-йилларида шаклланган бўлиб, прагматика ҳақидаги қарашлар дастлаб мақола сифатида эълон қилинган бўлса, кейинчалик қатор монографик тадқиқотлар юзага келди. Прагмалингвистикани алоҳида йўналиш сифатида семантика ҳамда синтаксис доирасига сиғмай қолган масалаларни ҳал этиш мақсадида семантикадан ўсиб чиққан дейиш мумкин. Тил ижтимоий ҳодиса сифатида доим инсон ҳаёти, унинг фаолияти билан боғлиқ равишда ривожланади. Мулоқот жараёнида инсон ахборот узатади ва қабул қилади. Лекин бу жараёнда фақат ахборот алмашилиб қолмай, сўзловчининг тингловчига таъсир ўтказиш, ишора қилиш, таъкидлаш, баҳо бериш, бирор нарсага ундаш, ишонтириш, тасаввур ҳосил қилишига кўмаклашиш каби мақсадлари ҳам амалга ошади. Бундай ҳолатларда нутқ бирликларига ахборот беришдан ташқари яна бир неча вазифа юкланади, уларга прагматик тус берилади.

Ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг прагматик хусусиятларини ўрганиш йигирманчи асрнинг 80-йилларидан бошланган. Тилшунос олим Н.Маҳмудовнинг пресуппозиция ва гап муносабатига доир, А.Нурмоновнинг кўмакчили қурилмалар пресуппозициясига доир илмий мақолалари эълон қилинди<sup>133</sup>. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг прагматик хусусиятлари ҳақида қатор тадқиқотлар юзага келди. У.Раҳимовнинг юкламалар пресуппозициясига доир<sup>134</sup>, З.Бурхоновнинг ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикасига доир

<sup>133</sup> Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. 6-сон. – Б. 28-31; Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. 6-сон. – Б. 42-45.

<sup>134</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1994.



номзодлик диссертациялари,<sup>135</sup> А.Пардаевнинг ёрдамчи сўз туркумларининг, хусусан, боғловчиларнинг сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик тадқиқига доир докторлик диссертациялари<sup>136</sup> шулар жумласидандир.

Прагматика тилшуносликнинг янги ва амалий тармоғи сифатида ривожланди. Дунё тилшунослигида бу соҳада қатор тадқиқотлар қилинди, айтишга арзигулик натижаларга эришилди. М.Ҳақимовнинг матннинг прагматик талқинига бағишланган докторлик диссертацияси ўзбек тилшунослигида қўлга киритилган катта ютуқлардан биридир. Лингвистик белгининг умумсемиологик табиати, тил сатҳлариаро муносабат, нутқий акт назарияси, матннинг прагмасемантик тадқиқи каби масалаларга ойдинлик киритар экан, тилшунос олим прагматиканинг объекти ҳақида маълумот бериб, «конкрет жумлалардан англашилган бир қатор қўшимча маънолар нутқий вазият, контекст билан узвий боғлиқдир. Нутқий вазият, контекст билан узвий боғлиқ бўлган ана шундай маънолар ва бу маъноларни ифодаловчи воситалар лингвистик прагматиканинг ўрганиш объекти саналишини» таъкидлайди<sup>137</sup>. Ўзбек тилида «матнни жонлантириш ва бутунлаштириш, ҳар хил коннотатив маънолар ифодалашга хизмат қиладиган нутқий ҳосилалар (сўз, сўз бирикмалари, гап қурилиши) жуда кўп<sup>138</sup> бўлиб, улардан бири сегмент қурилмалардир.

Сегментлаш натижасида шаклланган сегмент қурилмали гаплар боғланиш йўли билан ҳосил бўлган одатий гаплардан фарқ қилади. Уларнинг фарқи прагматик маъноси ва структурал тузилишидадир. Ҳар иккала ҳолда ҳам бир хил ахборот берилади, лекин сегмент қурилмали гапларда боғланиш йўли билан ҳосил бўлган синтактик бирликлардан фарқли ўлароқ, экспрессивлик, сўзловчининг муносабати ҳам ифодаланади.

---

<sup>135</sup> Бурхонов З.Б. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозион аспект): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2008.

<sup>136</sup> Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри... (DSc) дисс. – Тошкент, 2017.

<sup>137</sup> Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2001. – Б. 26.

<sup>138</sup> Пардаев А. Кўрсатилган дисс. – Б. 140-141.

*Буюк мансаб! Бу бир буюк қоядир,*

*Ёмон дўст! Бу бир кўланкадир* (Абай насиҳати).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *буюк мансаб*, иккинчисида *ёмон дўст* бирикмалари сегмент бўлак сифатида ажратилган бўлиб, уни сегментланмаган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин.

*Буюк мансаб бир буюк қоядир,*

*Ёмон дўст бир кўланкадир.*

Кўриниб турибдики, келтирилган икки хил ҳолатда ҳам бир хил ахборот берилган, одатий тарзда тузилган гапдагига қараганда сегментли қурилмали гапларда таъсирчанлик, таъкид маъноси кучлироқ ифодаланган.

Сегмент қурилмаларнинг вазифаси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари матнда намоён бўлади. Бундай қурилмаларнинг қандай маъно англатаётганлиги, қандай мақсад билан юзага келганлиги бевосита контекстда ойдинлашади. «Нутқ вазияти билан контекст прагматик тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун синтактик қурилма ифодалаган пропозициянинг сўзлашувчиларга тушунарли бўлиши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур бўлган жойда прагматикага эҳтиёж ортади»<sup>139</sup>. Шу жиҳати билан сегмент қурилмали гаплар прагматиканинг ўрганиш объектига киради. Сегмент қурилмалар бевосита ўзидан кейин келган гап, баъзи ҳолларда бир неча гаплар билан зич боғланган бўлади. М.Ҳакимов диссертациясида тил бирликларининг нутқдаги вазифаларини тадқиқ қилар экан, матн ҳақида қуйидагича фикр билдиради: «Демак, матн мазмуний тузилиши номинатив, модус ҳамда прагматик йўналишларга эга бўлади. Матннинг прагматик йўналиши сўзловчи коммуникатив ички ниятини акс эттириш даражасига кўра индивидуал услубий жанр шаклларида бирини танлаб олади. Ана шу танланган жанр шакли ахборотнинг турлича кўринишлари сифатида намоён бўлади ва улар тиллар босқичида қуйидаги тартибда номланиши мумкин: 1. Ахборотнинг препозицион жанр шакли.

---

<sup>139</sup> Нурмонов А., Ҳакимов М. Синтактик бирликларнинг прагматик томони // Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-жилдик. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б.245.

2. Ахборотнинг пропозионал шакли. 3. Ахборотнинг тағмаъно жанр шакли»<sup>140</sup>.

Прагматика, коммуникатив-прагматик йўналишнинг шаклланиши, дунё тилшунослигида масаланинг ўрганилиши, прагматиканинг лисоний-семиотик тизимдаги ўрни, предмети, нутқий акт назарияси, прагматик мазмуннинг шаклланиши каби масалалар Ш.Сафаровнинг монографиясида ёритиб берилган. Тилшунос олим прагматикага шундай таъриф беради: «прагматика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасида мулоқот жараёнида лисоний birlikларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги birlikларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади»<sup>141</sup>. Сегментация ва унинг ҳосиласи сифатида юзага келган сегмент қурилмали гапларда айни шу жиҳатлар кўзга ташланади. Сўзловчи ўзи учун муҳим бўлган birlikни бошқаларидан ажратиб кўрсатиш учун гапдан ажратиб олади ҳамда алоҳида бўлак сифатида гапнинг олдинги қисмига чиқаради. Натижада гап тузиш жараёнида тилда меъёр сифатида қабул қилинган қолип бузилади. «Лисон ва нутқ дихотомияси билан шуғулланган тилшуносларнинг таъкидлашича, лисон нутқда меъёр асосида воқеланиб ва унинг учун асос бўлиб, унга нисбатан «образсизлиги» билан характерланади»<sup>142</sup>. Сегмент қурилмали гапларда эса тасвир образлилик касб этади.

Сегмент бўлак сифатида ажратилган бош келишиқдаги от ёки от характеридаги сўз кейинги гапда олмош, асосан кишилик олмоши билан алмаштирилади. Олмош тилшуносликда ичи бўш сўзлар сифатида берилади. «Ичи бўш сўзлар – маъно қобиғи бўш сўзларга олмошлар ва атоқли сўзлар киритилади. Олмош ва атоқли отлар прагматик функцияга эга бўлиб, матн ичида маълум нутқ вазияти билан алоқадор маъно оттенкалари билан

<sup>140</sup> Ҳақимов М.Х. Кўрсатилган дисс. – Б.175-176.

<sup>141</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б.70.

<sup>142</sup> Менглиев Б. Ўзбек тилини субстанциал-прагматик тадқиқ қилиш – давр талаби // Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истиқболдаги вазифалар. – Тошкент, 2013. – Б.27.

тўлдирилади»<sup>143</sup>. Тилшунос олим нутқ вазияти билан боғланган бундай сўзларни янги тадқиқ этиш йўналишини белгилаш ва уларнинг тилдаги лингвистик ўрнини кўрсатиш шу куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйилиши лозимлигини таъкидлайди<sup>144</sup>. Кўришиб турибдики, олмошларнинг, шу жумладан, сегмент бўлакнинг коррелляти сифатида келган олмошнинг маъноси нутқ вазияти билан боғлиқ равишда конкретлашади, ана шу маънонинг конкрет ифодаланиши учун нутқ иштирокчилари прагматик билимга эга бўлишлари талаб этилади.

Сегмент қурилмалар сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалаш мақсадида қайта шакллантирилган гаплардир, бу ҳодиса сўзловчининг кўзда тутган мақсадни намоён этиши билан прагматиканинг бош масаласига айланади. Сегмент бўлак актуаллаштирилган бўлак сифатида тингловчининг диққатини маълум бир ўринга тортиши билан прагматик вазифани бажаради. Сўзловчи бунда ўз ички мақсадни тингловчига баён қилиш учун айнан шу ифода усулини танлайди. Шу тариқа бирор бир предмет, ҳодиса ёки воқеликни ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш имконияти юзага келади. М.Ҳакимовнинг фикрича, айнан шу танлаш жараёни бевосита тилшуносликнинг стилистика йўналиши билан узвий боғланади. Лингвистик прагматика айнан мана шу нуқтада услубшунослик билан ҳамкорлик қилади<sup>145</sup>. Сегмент қурилмалар ёзувчининг ўзига хос услубини ҳам намоён қилади.

Сегмент қурилманинг вазифалари синтакматик аспектда кўриб чиқилганда, унинг коррелляти бўлган сўзнинг характеридан келиб чиққан ҳолда бажарадиган вазифаси ўртасида боғлиқлик борлиги кўринади. У ва бу олмошлари коррелят сифатида келганда асосан тасаввур бериш вазифасини бажаради ва адресатнинг диққатини нутққа қаратади. *Одамлар... Улар ҳеч нарсага қарашмайди, зеро ҳамма нарсанинг кули кўкка соврилиб бўлганди* (Ш.Бўтаев). Бу гапни сегментланмаган ҳолда қайта тузганда сегментнинг

---

<sup>143</sup> Ҳакимов М.Кўрсатилган дисс. –Б.53.

<sup>144</sup> Ҳакимов М.Кўрсатилган дисс. –Б.55.

<sup>145</sup> Ҳакимов М.Кўрсатилган дисс. – Б. 34.

вазифаси янада аниқ кўринади: *Одамлар ҳеч нарсага қарашмайди, зеро ҳамма нарсанинг кули кўкка соврилиб бўлганди.* Баъзан сегмент ва унинг корреляти ҳисобланган сўз дистант ҳолатда қўлланилиши мумкин. *Мария...Марьям... Вақт ўтаверар экан. У ҳам элликдан ошган шекилли* (А.Мухтор).

Системавий-структур тилшуносликда объектив борликдаги маълум нарса-ходисаларни, белги-хусусиятларни, ҳаракат-ҳолатларни номлаш хусусиятига эга бўлган сўзлар дескриптив сўзлар, бундай хусусиятга эга бўлмаган сўзларни эса дескрептив бўлмаган сўзлар деб аталади<sup>146</sup>. Сегмент қурилмалар ўзидан кейин келган гап билан зич алоқада бўлади, унинг қандай маъно англатаётганлиги кейинги гапдан англашилади. У билан алоқаланган гап таркибида дескриптив бўлмаган сўзнинг мавжудлигини, «синтактик қурилма таркибидаги дескриптив сўзлар таҳлили семантикага қараб тортса, дескриптив бўлмаган сўзлар таҳлили прагматикага тортишини»<sup>147</sup> ҳисобга олсак, сегмент қурилмали гапларнинг прагматик тадқиқ объектига кириши яна бир бор ўз тасдиғини топади.

*Манзил!...Эҳ-ҳе, у ҳали жуда олисда, уфқларга ёндош сарҳадларга эш гўё. Аммо менга бир текисда ҳаракатлансанг, қош қорайгунча манзилга дорийсан, шу йўлнинг ўзи у ерга элтади, деб уқтиришиган* (У.Ҳамдам).

Келтирилган мисолдаги *манзил* сегмент бўлак сифатида адресатнинг диққатини адресант муҳим деб ҳисоблаган ўринга тортиш, унинг бошқа тасвирланаётган предметлардан ажралиб туришни таъминлашга хизмат қилади. Сўзловчи айнан қайси манзилни назарда тутаётганлигини англаш учун мулоқот иштирокчилари прагматик билимга эга бўлишлари керак. Бу ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин.

*Манзил эса... манзил кўп йироқ,*

*Хаёлимнинг қўллари етмас.*

*Зафар – менинг ўзимман, бироқ*

<sup>146</sup> Ҳақимов М. Кўрсатилган дисс. – Б. 24.

<sup>147</sup> Ҳақимов М.Х. Ўша асар, ўша бет.

*Мағлубият ёнимдан кетмас! (У.Ҳамдам)*

Бу ўринда ҳам манзил сўзи сегмент сифатида ажратилган бўлиб, юқоридаги мисолда манзилнинг олисда эканлигига ишора қилинган бўлса, бу ўринда унинг кўп йироқлиги, хаёлнинг қўллари етмаслигига аниқ айтилган.

*Тинчлик – шудир менинг энг эзгу сўзим,*

*Овутиб яшайман ўзимни ўзим,*

*Кўзимга жавдирар бир яшар қизим...*

*Йигирманчи аср, аҳволинг ёмон (М.Юсуф).*

Келтирилган ушбу мисолда адресант *тинчлик* сўзини сегмент сифатида ажратиб кўрсатган. Сегмент бўлак ушбу ўринда ўзидан кейинги гапдаги кесим позициясидаги олмош билан алоқаланган. *Тинчлик* сўзининг сегмент бўлак сифатида ажратилишини тушуниш учун шоир қаламга олаётган замон, макон ҳақида тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Адресант ўз ички мақсадини адресатга баён қилиш, бу ўринда кучли ҳаяжон, юз бераётган воқеликка бефарқ эмаслигини ифодалаш учун гапни сегментлаш натижасида қайта тузиш усулини танлаган. Гапни сегментламаган ҳолатини қуйидагича кўрсатиш мумкин: *Тинчлик менинг энг эзгу сўзимдир*. Сегментлаш натижасида қайта тузилган ва одатий ҳолда тузилган гапни қиёслаганда сегментланган гапда таъсирчанлик кучлироқ ифодаланганлигини сезиш қийин эмас.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сегментация оғзаки нутқнинг ёзма нутқдаги ифодасидир, яъни сегментациянинг асосини жонли сўзлашув нутқи ташкил қилади. Бадиий асарларда ижодкорлар бадиий асар тилини жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш, унинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида сегментациядан кенг фойдаланадилар. Қуйида келтирилган мисолда сегмент сифатида ажратилган *тўй* сўзининг прагматик маъносини англаш учун айнан ўзбек миллий урф-одатлари ҳақида прагматик билимга эга бўлишлари талаб этилади. *Кечқурун тўй! Бу шодиёнадан маст, мен ҳам йиғилган болаларга қўшилиб шов-шув кўтараман, дам шотутга ўрмалаб каптар уяларидан тухум қидираман (О.Ёкубов)*. Одатда, *тўй* сўзи билан боғлиқ равишда

тингловчи онгида *шодлик, қувонч, шодиёна узоқ қутилган кун* каби тушунчалар пайдо бўлади. Қуйидаги мисолда эса сегмент бўлак сифатида келган гап онгимизда пайдо бўладиган ассоциацияларга тескари бўлиб, қутилмаган хулоса ўзига хос прагматик мазмун касбэтган.

*Тўй – бу асли баджаҳл ота,  
Бахтли бўлсин қизим дегани.  
Уни сенга бермасман, бўтам,  
Тирик экан кўзим дегани (М.Юсуф).*

Қуйида келтирилган мисолда эса сегмент сифатида ажратилган бўлакнинг англаниши унчалик қийин эмас. Чунки *ишқ* ҳақида тингловчи маълум тасаввурга эга, унга сўзловчининг муносабати эса келтирилган мисолда ўз аксини топган.

*Ишқ – бу қадимий масаладир,  
Ҳам заҳардир, ҳам асалдир (Иқбол Мирзо).*

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мавҳум отлар сегмент сифатида келган вақтда тингловчининг шу сўз билан боғлиқ тасаввури, онгидаги билимлари намоён бўлади.

*Шеърят – бу асли жунун камоли,  
Майлига, ким уни нима демасин.  
Ҳаёт уммонида ёзмиш шамоли,  
Бўронларга бурди умрим кемасин (Э.Воҳидов).*

«Абстракт номлар инсон ақлий фаолиятининг энг юқори шаклининг натижаси бўлиб, объектив оламда предмет сифатида мавжуд бўлмаган моҳиятларни тафаккурда умумлаштириш, предметлаштириш жараёнининг маҳсулидир»<sup>148</sup>. Умуман, сегмент қурилмали гапларда ахборотнинг тўғри англаниши учун сўзлашувчиларининг тил билимларидан ташқари объектив олам ҳақидаги, воқелик рўй бераётган макон ва замон ҳақидаги билимлари ҳам талаб этилади. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

---

<sup>148</sup> Ҳақимова М. Ўзбек тилида абстракт ва конкрет номлар зиддияти //Истиклол ва тил. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2012. – Б.72.

*Иссиқ излар... ҳамон у исёндан из бордек,*

*Булутларнинг орасида юрар Спартак (У.Носир).*

Келтирилган гапда ифодаланган пропозицияни англаш учун шоир қаламга олган замон ва макон ҳақидаги билимлар ёрдамга келади. Мисрада ифодаланган пропозиция тўғри англаниши учун қулдорлик давридаги Рим ҳақида прагматик билим талаб этилади.

Сегмент бўлак кўрсатиш олмоши билан кенгайганда тингловчига олдин бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса эслатилади, унга ишора қилинади. Бундай вазиятда ҳам нутқ иштирокчиларидан аввал бўлиб ўтган воқеа ҳақидаги прагматик билим талаб қилинади.

*Ўша кўприк... Ўша қум бўрони ҳозир кўтарилмайдими, балки бу кўнгилсиз тинчлик бир нафасга бўлса ҳам бузилар эди (А.Мухтор).*

Сегмент бўлак ахборотни бошқаларидан ажратиб кўрсатиш билан бирга сўзловчининг мақсадини ҳам ифода этади. Бу мақсаднинг тўғри англаниши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур бўлади. Бир сегмент бўлак бир неча ўринда бошқа-бошқа мақсадни ифодалаш учун қўлланилади. Сўзловчининг мақсади эса шу сегментнинг контекстдаги ўрни, уни изоҳлаб келаётган гап билан бевосита боғлиқ ҳолда англашилади.

### **3.2. Сегмент қурилмалар орқали баҳо муносабатининг ифодаланиши**

Прагматиканинг энг асосий тушунчаларидан бири баҳо муносабати ҳисобланиб, «Баҳолаш воқеликни идрок этишнинг муҳим босқичидир. У воқеликдаги предметлар, ҳодисалар ҳақида мантиқий тушунча – концептнинг яратилиш жараёнида фаоллашадиган нутқий-мантиқий ҳаракатдир ва шу ҳаракат ниҳоясида туғиладиган мазмундир»<sup>149</sup>. Кейинги пайтларда нутқий жараёндаги ҳолатларни когнитив-прагматик жиҳатдан баҳолаш анъанаси

---

<sup>149</sup> Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б.28.



бошланганлигини кузатиш мумкин<sup>150</sup>. Экспрессив синтаксис прагматика билан чамбарчас боғланган. «Баҳо орқали воқеликка ижобий ёки салбий муносабат ифодаланади. Бошқача айтганда, нутқ эгасининг воқеликка муносабати баҳо кўринишида юзага чиқади»<sup>151</sup>. Прагматика тил белгиларининг нутқий жараёнда воқеланишини тадқиқ қилади. Тилшуносликда баҳо муносабати, хусусан, уни ифодаловчи лексик, морфологик бирликлар етарлича ўрганилган. Прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши, уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқишини ўзбек тили материаллари асосида тадқиқ қилган З.Тоҳиров лексема семемасида субъектнинг объектга бўлган муносабати ифодаланишини таъкидлайди. Бундай прагматик сема ўзбек тилшунослигида экспрессив-стилистик бўёк деб аталиб келинганлигини қайд этади<sup>152</sup>. Тадқиқотчи сифат сўз туркумига оид сўзларда прагматик семанинг юзага келиши билан асосан салбий муносабат ифодаланишини, камдан-кам ҳолларда муносабат ижобий бўлишини мисоллар асосида далиллайди<sup>153</sup>. Тадқиқотчи С.Махсумова метафоралар орқали коннотатив-прагматик маънонинг ҳосил бўлиши ҳақида сўз юритар экан, сўз кўчма маънода қўлланганда бир неча маъно ифодалаши, шу кўчма маъноларидан бирини қўллаш орқали баҳо муносабати юзага келишини Э.Воҳидов шеърлари мисолида тушунтиради<sup>154</sup>. Лисоний бирликларнинг мазмуний тузилишидаги баҳо семаси, унинг юзага чиқиши ўзбек тилшунослигида Ғ.Қамбаров томонидан тадқиқ қилинган. Тадқиқотчи ишида от, сифат, феъл каби сўз туркумида баҳо муносабатининг ифодаланишини шахслараро муносабат асосида ёритиб берган. «Прагматик баҳо меъёри ҳосил қилинган амалиёт асосида аниқланади ҳамда у экстралингвистик омилларга асосланади. Семантик меъёр кўп аспекти

---

<sup>150</sup> Мурясов Р.З., Самигулина А.С., Федерова А.Л. Опыт анализа оценочного высказывания // ВЯ. 2004. №5, – С.68.

<sup>151</sup> Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент: 2018. – Б. 107.

<sup>152</sup> Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.7.

<sup>153</sup> Тоҳиров З Кўрсатилган диссертация. – Б.89.

<sup>154</sup> Махсумова С. Метафоралар орқали коннотатив-прагматик маънонинг ҳосил бўлиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №5. – Б.96.

бўлиб, мантикий муносабати (борлиқдаги ҳақиқий денотатив баҳо маъноси ва индивиднинг бунга муносабати) га алоқадордир»<sup>155</sup>.

Баҳо сўзловчининг (субъектнинг) баён қилинаётган объектга муносабатини билдиради. Бу баҳонинг «қай даражада кучли ёки кучsizлиги баҳо ифодалашда иштирок этаётган конкрет сўзнинг маъно семаси ҳамда синтактик майдондаги унга алоқадор бўлган сўзларининг маъно кучига қараб белгиланади. Агар прагматик жиҳатдан қаралса, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабат орқали сўз танлашда ва муайян баҳо ифодалаш учун ишлатилади»<sup>156</sup>. Баҳо муносабати сўзловчининг объектив муносабатига, тингловчининг уни қабул қилишига ҳамда тил захирасига, ахборотни қабул қилиш пайтидаги ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Ғ.Қамбаров гапнинг асоси модаллик эканлигини, модаллик асосида муносабат ётишини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди. Синтактик усул билан баҳо ифодаланиши асосан ундалма, кириш сўз, кириш гап, модаллик муносабати, инверсия ва бошқа синтактик узвлар орқали юзага келади<sup>157</sup>.

Сегмент қурилмали гапларда ҳам баҳо муносабати ифодаланиши мумкин. Субъект билан боғлиқ ҳар қандай нутқда сўзловчининг хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий бўлсин муносабати акс этади. Прагматика ва экспрессив синтаксис аввал ҳам қайд қилиб ўтилганидек, адресантнинг нутқи орқали шахсий муносабатини ифодалаганда, бу муносабат контекста намоён бўлган ўринда кесишади.

Маълумки, ҳар қандай субъектив баҳо ижобий ёки салбий характерда бўлиши мумкин. «Сўзловчининг объектив борлиққа ва ўз нутқида ижобий ёки салбий муносабатининг ифодаланиши субъектив баҳо»<sup>158</sup> деб тавсифланиб, уни ифодаловчи морфологик шакллар монографик тадқиқ қилинган. Баҳолашда инсоннинг шахс сифатида воқеликка объектив ва

---

<sup>155</sup> Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б.16.

<sup>156</sup> Қамбаров Ғ. Кўрсатилган диссертация. – Б. 38.

<sup>157</sup> Қамбаров Ғ. Кўрсатилган диссертация. – Б. 47.

<sup>158</sup> Қўнғуров Р.Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент, 1980. – Б. 42.

субъектив муносабати ифодаланади. «Кишининг турли истаклари, диди, ҳаётий эҳтиёжлари субъектив баҳони шакллантирса, баҳоланувчи объектга хос фактик хусусиятлар объектив баҳо учун асос бўлиб хизмат қилади»<sup>159</sup>. Прагматик баҳонинг юзага келишида сегмент сифатида ажратилган сўзнинг маъноси, ижобий ёки салбий бўёққа эга бўлиши, сегмент қурилмали гаплардан кейин келиб, у билан мазмунан боғланган гап таркибидаги сўзларнинг маъноси, жойлашиш ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга.

*Бугдой – бу жаннатий неъмат дейдилар,*

*Шундан манглайингда кавсар жилоси.*

*Келганда азалий меҳнатдан келар*

*Жаннат фароғати, жаннат сафоси (Иқбол Мирзо).*

Бу ўринда нутқ иштирокчилари *жаннат* билан боғлиқ ижобий баҳо тушунчасига эгадирлар. *Жаннат* деганда мусулмон аҳли онгида ижобий баҳо муносабати ифодаланади. Бу баҳони шеърнинг кейинги мисраларида келган *кавсар, фароғат, сафо* сўзларида ифодаланган коннотатив маънолар ҳам тўлдириб келган. Шу тариқа тингловчининг кўз ўнгида оғир меҳнат ҳосиласи бўлган, сегмент бўлак сифатида ажратилган *бугдой* ҳақидаги одатий тасаввурдан кўра *жаннат* билан боғлиқ ижобий ҳислар пайдо бўлади. «Тил бирлигидаги мавжуд баҳо ва нутқ эгаси томонидан унга юкланган баҳо муносабати фарқланади. Нутқ жараёнида тил бирлигига юкланган баҳо прагматиканинг ўрганиш объекти бўлиб, уни коннотациядан фарқлаш лозим»<sup>160</sup>.

Ш.Сафаров баҳолаш ҳаракатининг юзага келишида беш унсурнинг мавжудлиги мажбурий эканлигини таъкидлайди. Булар: субъект, объект, асос, эталон (намуна) ва баҳолаш белгиси бўлиб, баҳолаш дастлабки ўринда субъект – объект муносабатида, яъни субъект томонидан объектнинг муҳимлиги, эътиборга моликлиги, миқдор ва сифат жиҳатидан ажралиб

<sup>159</sup> Пардаев З. Прагматик мазмун ва баҳолаш муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – №4. – Б. 70.

<sup>160</sup> Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. (DSc) дисс... автореф. – Тошкент, 2018. – Б.26.

туришини аниқлаш жараёнида ҳосил бўлади <sup>161</sup>.

*Одамлар... Улар оч қолиб, оч кўзларини сувгагина тикиб, поёнсиз уммон ҳада этадиган неъматгагина умид боғлаб кун ўтказадиган ҳолга тушишди (У.Ҳамдам).* Келтирилган мисолда сегмент бўлак сифатида ажратилган *одамлар* сўзи услубий бўёққа эга эмас. Лекин у билан алоқаланган кейинги гапдаги *оч қолмоқ, оч кўзларини, поёнсиз уммон* бирикмаларида салбий муносабат ифодаланган. Шу тариқа бу муносабат яхлит ҳолда сегмент курилмани изоҳлаб келаётган, сегмент бўлакнинг коррелляти мавжуд бўлган гапда ўз ифодасини топган.

Мисолнинг кейинги ўрнида *одамлар* сўзи яна қайта келади. Олдинги ўринда одамларга нисбатан ифодаланган салбий муносабат бу ўринда яққол ўз ифодасини топади. Прагматик баҳонинг юзага келишида гапда иштирок этган ҳар бир лексик бирликнинг маъноси билан бирга, гап тузилишининг, унда гап бўлакларининг ўринлашувининг ҳам алоҳида ўрни бор. *Ҳайвонлар сўйилиб, ё қирилиб соб бўлган, қушлар эса бу хосиятсиз оролдан чор томонга учиб жон сақлардилар. Одамлар... ( У.Ҳамдам)*

*Бир зумлик хато. Бир нафас тубанлик ...энди уни бутун ҳаётни бериб ҳам тузатиб бўлмайди (А.Мухтор).* Юқорида айтиб ўтилганидек, сегмент курилмали гапларда баҳо муносабатининг акс этиши гап таркибидаги сўзларнинг маъноси билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Келтирилган мисолдаги иккита сегмент бўлакда салбий баҳо муносабати акс этган. Биринчи сегмент бўлак ёйиқ ҳолда бўлиб, унинг таркибидаги *хато* сўзи сўзловчининг ифода этилаётган воқеликка нисбатан салбий муносабатини акс эттиради. Бу салбий баҳо кейин келган иккинчи сегмент бўлак *тубанлик* орқали янада аниқлашади. Бу икки сегмент бўлакнинг ўзиёқ тингловчида салбий муносабатни юзага келтиради. Сегмент бўлакларни изоҳлаётган *энди уни бутун ҳаётни бериб ҳам тузатиб бўлмайди* гапи сўзловчининг воқеликка муносабатини ойдинлаштиради.

---

<sup>161</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 184.

*Тишларида гижир, кўзларида гужур,  
Ё далли туйғулар сезилмас мутлақ.  
Нафрат – бу энг бедор, энг покиза нур,  
Нафратсиз яшамоқ – поёнсиз гуноҳ (Й.Эшбек).*

Келтирилган шеърий парчада сегмент бўлак *нафрат* бўлиб, унинг коррелляти бўлган *бу* кўрсатиш олмоши гапда эга позициясида келиб, тингловчи кутган баҳони, муносабатни эмас, кутилмаган, мутлақо янги бўлган баҳо муносабатини юзага келтирган. Ўзбек тилида *нафрат* сўзи салбий баҳони ифодаловчи сўз ҳисобланиб, «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида» арабча сўз эканлиги, бирон-бир шахсга ёки шахсларга, амалий фаолиятга нисбатан қаттиқ ғазаб ва жирканиш туйғуси, ғазаб аралаш жирканиш ифодаланиши қайд этилган<sup>162</sup>. Бу ўринда эса сўзловчи нафратнинг *энг бедор, энг покиза нур* эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилади. Шу тариқа сегмент бўлак сўзловчининг мақсадини, бу ўринда шахсий баҳосини юзага чиқарган дейиш мумкин. «Баҳо категорияси нутқ эгасининг нутқ объекти ҳақидаги шахсий муносабатининг ифодаси, субъектив қарашларининг мажмуидир»<sup>163</sup>.

Баҳолар характерига кўра мутлақ ва қиёсий бўлиши мумкин. Объектив баҳо предмет тасаввур этилгандаёқ ҳис қилиниши мумкин бўлган баҳо шакли бўлиб, мутлақ баҳо деб ҳам юритилади. Мутлақ баҳода кишилиқ жамияти томонидан қабул қилинган умуминсоний ўлчовларга жавоб бера оладиган хусусиятлар акс этади<sup>164</sup>.

*Меҳр – бу барчага уйдир ягона,  
Изгирили кунлар фақат паноҳ у.  
У барча тушунган ёлғиз тил, она,  
У барча ахтарган энг азиз туйғу! (Й.Эшбек)*

<sup>162</sup> ЎТИЛ. 2006. 3-жилд. – Б.25.

<sup>163</sup> Курбонова М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 26-27.

<sup>164</sup> Қамбаров Ғ.Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 12.

Келтирилган мисолда сегмент бўлак *мехр* бўлиб, уни кейинги тўртта гап изоҳлаб келган. Биринчи гапда сегмент бўлакнинг коррелляти *бу*, қолган учта гапда у кўрсатиш олмоши бўлиб, ҳар бир гапда сегмент бўлак ҳақидаги муносабат ўз ифодасини топган. Сегмент сифатида ажратилган сўзни изоҳлаш учун келтирилган *уй, уйнинг изгиридли кунлар ягона паноҳлиги, инсон учун қадрли бўлган тил, она, инсон бир умр ахтарадиган энг азиз туйғуга* тенглаштирилганлиги ижобий баҳо муносабатининг ифодаланиши учун хизмат қилган. Бир сегмент бўлакнинг изоҳлаш учун тўртта гапнинг келтирилиши таъкид маъносини кучайтиришга ҳамда матн шаклланиши учун восита бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари сегмент қурилмали гапларда субъектив баҳо ҳам ифодаланиши мумкин, «нутқ жараёнидаги ҳис-туйғулари ва ички кечинмаси шахснинг хусусий муносабати сифатида шаклланади... Хусусий эмоционал муносабат, албатта, матн муаллифининг руҳий ҳолатидан келиб чиқади ва бевосита матн мазмунидан англашилиб туради»<sup>165</sup>.

Бунда субъектнинг ёши, жинси, дунёқараши, билими, эътиқоди, воқеликка муносабати, воқеликни қабул қилишда шахсий позицияси ва яна қатор омиллар аҳамиятли саналади. «Айтиш жоизки, баҳо мазмунида эмоция ва оқилоналик ўзаро алоқада, аммо уларнинг муносабати турли кўринишда ва турлича кечади. Бу муносабатларнинг шаклланиши асосан матн муаллифининг, нутқий фаолиятни ижро этувчи шахснинг кўзлаётган прагматик мақсади билан боғлиқ. Баҳолаш мазмунидаги нутқий ҳаракатларнинг баъзиларида эмоция дастлабки ўринга чиқади ва шунга мувофиқ даражада лисоний ифодага эга бўлади»<sup>166</sup>. Сегмент қурилмалар бадий асарда шахсий – экспрессив баҳолаш вазифасини ҳам бажаради. *Севиш ва нафратланиш – булардан воз кечиш керак. Инсон даққиюнусдан қолган бўлмагур туйғулар билан овора бўлмаслиги лозим* (У.Ҳамдам).

---

<sup>165</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2011. – Б.34-35.

<sup>166</sup> Боймирзаева С. Кўрсатилган автореферат. – Б.29.

Субъектив баҳода энг ками икки предмет ўзаро қиёсланади, «қиёслаш инсон интуициясини олам қонуниятларини англашга йўналтириб, эвристик вазифа бажаради»<sup>167</sup>. Қуйида келтирилган мисолда *томчилар* сегмент бўлак бўлиб, у юлдузга қиёсланган. Насрий матнга нисбатан, шеърый матнларда эмоционаллик кучлироқ бўлади, шундай экан, баҳо муносабати ҳам кучлироқ, ёрқинроқ ифодаланади. Шундай бўлса-да, «қиёслаш ва баҳолаш ҳаракатлари қанчалик эмоционал хусусиятга эга бўлмасин, охир оқибатда когнитив фаолиятнинг бир қисми бўлиб қолишади»<sup>168</sup>.

*Бу оғир боз ичра оғир қадамлар,*

*Ташлаб кетаётган оғиргина қиз.*

*Дунё кўзларингдан дунё аламлар,*

*Томчилар – ҳар бири бир улкан юлдуз (Й.Эшбек).*

Воқеликда кечаётган ҳодисалар, мавжуд бўлган предметларнинг инсон томонидан идрок этилиши ва улар ҳақидаги ахборотнинг бошқа бир шахсга узатилиши мураккаб ва мукаммал жараён эканлигини таъкидлаган С.Боймирзаева «Бу жараённинг дастлабки босқичида перцептив қабул қилиш ҳаракатлари (кўриш, ҳис этиш, сезиш каби) бажарилса, кейинги босқичларида мантиқий таҳлил ҳаракати бошланади ва, ниҳоят, шу таҳлил асосида юзага келган тушунча – концепт лисоний воқеликка кўчади. Аммо барча турдаги ҳаракатлар (руҳий, мантиқий ёки бошқа характерга эга бўлишидан қатъи назар) ўз ижрочиси бўлган инсоннинг «мен»и, унинг ҳис-туйғулари, билиш заҳираси, истак-хоҳиши билан боғлиқ»лигини қайд этади<sup>169</sup>. Сўзловчи инсон «мен»и билан боғлиқ баҳони қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

*Оёқлар!.. Навбат уларга етганда нафасим чиндан-да қайтиб кетади  
ва бироз ўзимга келиб олиш учун нигоҳимни, албатта, атрофга чалгитаман.  
Ахир улар шунчалар бежирим ва жон олгучики, бунақасини ҳатто чизиб ҳам*

<sup>167</sup> Усмонов Ф. Қиёслашнинг олам лисоний манзараси шаклланишидаги ўрни //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. 6-сон. – Б.103.

<sup>168</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. – Б. 188.

<sup>169</sup> Боймирзаева С. Кўрсатилган автореферат. – Б.16.

*ухдасидан чиқиб бўлмасди* (У.Ҳамдам). Сегмент сифатида келган *оёқлар* услубий бўёкка эга бўлмаган сўз бўлиб, бу ўринда улар адресант учун кадрли бўлган кишига тегишли бўлгани учун, *бежирим ва жон олгучи, бунақасини хатто чизиб ҳам ухдасидан чиқиб бўлмаслиги* билан баҳо ифодалашда қўл келган. Сўзловчининг унга ижобий баҳо муносабати, бу муносабатни бўрттириб кўрсатиш мақсади гапни қайта тузиш шартини юзага келтирган.

Баҳо ҳар қандай нутқда унинг семантик компоненти сифатида мавжуд бўлади, лекин унинг ифодаланиши турли нутқда ўзига хос тарзда кечади. Сўзлаш жараёнида сўзловчи нимани назарда тутганлиги тушуниш жараёнида тингловчининг уни қандай қабул қилишига боғлиқ бўлади. Синтактик бирликларда баҳо муносабати синтактик бирликни ҳосил қилган сўзлар, уларни боғловчи воситалар, синтактик муносабатни юзага келтираётган оҳанг ёрдамида ҳам юзага чиқади. Сегмент қурилмали гапларда сегмент бўлак сифатида асосан от, отлашган сўз келиб, уларда қандай баҳо муносабатининг ифодаланганлиги уни изоҳлаб келган гаплар таркибидаги сўзларнинг умумий маъносидан келиб чиқади. Сегмент қурилмалар экспрессив синтаксисга хос ҳодиса бўлганлиги боис баҳо кутилмаган, ўзига хос, кутилмаган, янги бўлиши мумкин.

*Халқ, бу асли нима дегани?*

*Марду номард-қуроқ дегани.*

*Номардинга сирингни айтсанг,*

*Уч кун ўтмай сиртмоқ дегани* (У.Ҳамдам). Келтирилган мисолда сегмент бўлак сифатида ажратилган сўз *халқ* бўлиб, уни изоҳлаётган гапдан англашилган фикрга кўра *халқ-сиртмоқ* деган ҳукм чиққан. Ижодкорнинг бундай кутилмаган хулосага келиши, салбий муносабат ифодалаши учун сабаб бўлган омилларни аниқлашда изоҳ сифатида келтирилган ҳар бир гап таркибидаги сўзларнинг семантикасига эътибор бериш керак бўлади. Халқнинг марду номарддан иборат бўлиши, агар сирни номардга айтсанг, у сенга сиртмоқ ясаши ҳақидаги фикрлар оқибатида юқоридаги баҳо



муносабати келиб чиққанлигини кўриш мумкин. Бундай кутилмаган муносабатни қуйидаги мисраларда ҳам кўриш мумкин:

*Қор...қор...*

*Заҳарли ниналар кеби*

*Кўзларга қараб оқар...*

*Қайда сен, қайда сен,*

*Латиф сийналар кеби*

*Дилларга сингган баҳор!* (Чўлпон) Шеърятда қор оқлик, беғуборлик тимсоли сифатида келади. Аммо баҳорни соғинган шоир учун қорнинг заҳарли ниналар каби бўлиши табиий ва бундай ҳолатда баҳо ҳам ижобий бўлмайди.

«Сўзлар ўз маъноси билан инсон психикасига таъсир этиш хусусиятига эга. Инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали ҳис этган маълумотларни ҳам сақлайди»<sup>170</sup>. *Тирикчилик... – дейди кўзёши тўхтамай Гулзода – тирикчиликнинг тошдан қаттиқ эканлигини сиз билмайсиз* (У.Азим). Сегмент бўлак сифатида келган сўз *тирикчилик* бўлиб, уни эшитган вақтдаёқ тингловчи хотирасида *қийинчилик* деган тушунча пайдо бўлади. Сегмент бўлакни изоҳлаб келган асосий гап таркибидаги *тошдан қаттиқ* бирикмаси ҳамда сегмент қурилмали гапнинг кўчирма гап шаклида келиб, муаллиф томонидан берилаётган изоҳ бу ўринда салбий баҳони кучайтиришга хизмат қилган.

Умуман, сегмент қурилмали гапларда сегмент бўлак сўзловчининг воқеликка, олам ва одамга бўлган муносабатини акс эттиришда муҳим восита сифатида иштирок этади.

---

<sup>170</sup> Худойберганава Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013 – Б.68.

### 3.3. Сегмент қурилмалар пресуппозиция сигнализатори сифатида

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида доим инсон ҳаёти, унинг фаолияти билан боғлиқ равишда ривожланади. Мулоқот жараёнида инсон ахборот узатади ва қабул қилади. Лекин бу жараёнда фақат ахборот алмашилиб қолмай, адресантнинг адресатга таъсир ўтказиш, ҳаракатга ундаш, таъкидлаш, баҳо бериш, ишонтириш, тасаввур ҳосил қилишига кўмаклашиш каби мақсадлари ҳам амалга ошади. Бундай ҳолатларда нутқ бирликларига ахборот беришдан ташқари яна бир неча вазифа юкланади, уларга прагматик тус берилади. Лингвистик прагматиканинг асосий муаммоларидан бири пресуппозициядир. Пресуппозиция термини латинча *sub*-ости, таги ва *ponere*-жойлаштирмақ, жойлашмоқ каби сўзлардан олинган бўлиб, асосга, ўзакка жойлаштирмақ маъноларини ифодалайди<sup>171</sup>. Ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда пресуппозиция тадқиқига бағишланган қатор тадқиқотларнинг юзага келганлиги қувонарли ҳолдир. Н.Маҳмудов «Пресуппозиция ва гап» номли мақоласида пресуппозицияга шундай таъриф беради: «нутқий коммуникациянинг тўғри ва реал амалга ошиши учун коммуникантларнинг нутқ моментига қадар муайян фактлар билан таниш бўлиши, умумий вазият билан боғлиқ муайян билим-хабардорликка эга бўлишлари лозим. Ана шу фактлар, билимлар тилшунослиқда пресуппозиция номи билан умумлаштирилади»<sup>172</sup>. Н.Маҳмудов ушбу мақоласида тилшунослиқда пресуппозицияга кўп ва хилма-хил таъриф берилганлигини, уларнинг деярли барчасида ҳам пресуппозициянинг муайян гапнинг тўғри қўлланилиши ва англаниши учун имкон берадиган олдиндан маълум бўлган билимлар (фоновые знания)нинг жами эканлиги, пресуппозиция тушунчаси контекст тушунчаси (айни тил бирлигининг лингвистик қуршови) ва вазият

<sup>171</sup> Раҳимов Ў. Тағмаёно ва пресуппозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. 5-сон. – Б.29.

<sup>172</sup> Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. 6-сон. – Б.28.

(айни тил бирлиги-гапнинг нолингвистик субтракти, бу гап айтилаётгандаги шароит кабилар)ни ўз ичига олишини таъкидлайди<sup>173</sup>.

А.Нурмонов пресуппозиция турлари хақида қуйидагича фикр билдиради: «Пресуппозиция логик ва семантик тушунчалар бўлиб, логика ва синтактиканинг ўрганиш объектидир. Кўпчилик адабиётларда пресуппозиция билишнинг умумий фонди сифатида талқин қилинади. Лекин тилшуносликда логик пресуппозиция билан лингвистик пресуппозицияни аралаштириш ҳоллари учрайди. Биз фақат маълум ташқи сигналлар (грамматик кўрсаткичлар) орқали англашилган пресуппозицияни лингвистик пресуппозиция ҳисоблаш тарафдоримиз»<sup>174</sup>.

М.Ҳақимов лингвистик прагматика, пресуппозиция ва тағмаъно масалаларига ҳам муносабат билдиради: «лингвистик прагматика ва унинг муаммолари нутқий акт, пресуппозиция, ёйиқ ва йиғиқ мазмун кўринишлари, шунингдек, тағмаъно ва киноя турлари субъект-объект, сўзловчи-тингловчи муносабатида намоён бўлади»<sup>175</sup>.

Ўзбек тилида кўмакчилар, унга вазифадош келишикларни пресуппозицион аспектда тадқиқ қилган З.Бурхонов пресуппозиция прагматик ҳодиса сифатида тил белгисининг нутқ билан боғлиқ жиҳатларини намоён қилишини, тил бирлигининг нутқий вазият ҳамда нутқ эгаларининг тил кўникмалари билан боғлиқ тарзда юзага чиқувчи прагматик хусусияти бўлиб, моҳиятан гап қурилиши асосида ётувчи яширин ҳукмнинг ташқи ишорага асосланувчи кўринишини англатишини айтиб ўтади ҳамда ташқи ишора тилда ифодачисига эга бўлганда, пресуппозиция лингвистик хусусият касб этишини таъкидлайди<sup>176</sup>.

Сегмент бўлакларда ҳам пресуппозиция ифодаланиши мумкин. «Пресуппозиция гап семантикаси билан узвий боғлиқ бўлган прагматиканинг

<sup>173</sup> Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б.29.

<sup>174</sup> Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси.(-дан ташқари конструкцияси) // Танланган асарлар. 3 жилдлик. 3-жилд.Тошкент, 2012. Академнашр. –Б 239.

<sup>175</sup> Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2001. – Б 191.

<sup>176</sup> Бурхонов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. –Б 11.

ўрганиш объектидир. Нутқ вазияти билан контекст прагматик тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун синтактик қурилма ифодалаган пропозициянинг сўзлашувчиларга тушунарли бўлиши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур жойда прагматикага эҳтиёж ортади»<sup>177</sup>.

Сегмент қурилмали гапларда сегмент бўлак актуаллашиш натижаси сифатида намоён бўлади. «Сўз тартибининг ўзгариши ёрдамида актуаллаштириш, лексик ва грамматик воситалар ёрдамида актуаллаштириш ва бошқалар пресуппозиция билан чамбарчас боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси актуал бўлиниш билан пресуппозиция тушунчаларининг бир-бири билан мураккаб алоқаси ҳақида гувоҳлик беради»<sup>178</sup>.

«Ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларни умумий ҳолда лингвистик воситалар, экстралингвистик воситалар, паралингвистик воситалар ва социологик воситаларга ажратиш мумкин. Чунки пресуппозиция дастлаб лингвистик ҳодиса асосида юзага келса-да, шу лингвистик ҳодисаларга қўшимча тарзда ишора қилувчи воситалар ҳам мавжуд»<sup>179</sup>.

Тилшуносликда пресуппозиция билан бирга тагмаъно ҳодисаси ҳам мавжуд бўлиб, моҳиятан улар бир-бирига ўхшаб кетса-да, фарқли жиҳатлари мавжуд. «Тагмаъно семантик ифодаланишига кўра пресуппозициядан фарқланади. Тагмаъно ҳам худди пресуппозициядаги каби сўзловчининг ички мақсади билан боғлиқ ҳолда бирор факт хусусидаги яширин ахборотга ишора қилиш вазифасини бажаради. Тагмаънонинг пресуппозициядан асосий фарқи, у ҳар қандай ҳолатда пропозицияга қарама-қарши қўйиш билан ҳосил қилинмайди. Тагмаъно бу жиҳати билан нутқий актнинг назарий моҳияти билан узвий боғланади»<sup>180</sup>.

---

<sup>177</sup> Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан.1992. – Б 120.

<sup>178</sup> Нурмонов А.Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси.(-дан ташқари конструкцияси) // Танланган асарлар. 3 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. –Б 408.

<sup>179</sup> Аҳмедова Н. Кўрсатилган асар. –Б 36.

<sup>180</sup> Ҳакимов М. Кўрсатилган дисс. – Б 203.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, гапнинг синтактик узвлари, шу жумладан, сегмент бўлакларда пресуппозициянинг англаниши учун тингловчининг ёши, миллати, тилни билиш даражаси, дунёқараши каби омиллар муҳим аҳамиятга эга. Сегмент қурилмалар таъсирчанликни оширишга, тингловчининг диққатини таъкидланаётган сўзга қаратишга хизмат қилади. *Мана шу дарёнинг нариги қирғоғида менинг қадимий заҳматкаш ватаним. Неча юз йиллардан бери уни не-не келгиндилар оёқости қилмади!* (А.Мухтор)

Ёйиқ ҳолда ифодаланган бу сегмент бўлакда бир неча пропозиция ифодаланган. 1.Сўзловчи дарёнинг бошқа қирғоғида ватанидан айро турибди. 2. Унинг ватани қадимий ва заҳматкаш. Ёйиқ ҳолда ифодаланган сегмент бўлакдан *мен дарёнинг бу қирғоғида ватандан айро турибман деган пресуппозицияни англаш мумкин*. Қуйидаги мисолда эса сегмент бўлак ёйиқ ҳамда уюшиқ ҳолда келиб бир неча пропозицияларни ифодалашга хизмат қилган. *Узоқларда қолиб кетган Андижон, Қорадарё бўйидаги чорбоғ, ўн бир ёшлик ўспирин иниси Бобур мирзо... ва унинг мулозимлари билан чавгон ўйнаган чавандоз кийимидаги гўзал қиз Хонзода... Бу ҳаммаси булутлар орасидан ярқ этиб кўринган офтоб бўлиб бегимнинг қалбини ёшлик нурларига тўлдирди* (П.Қодиров). Ёйиқ сегмент бўлакда қуйидаги пропозициялар ифодалаган: 1.Андижон бу ердан узоқларда. 2. Қорадарё бўйида чорбоғ бор эди. 3. У пайтда Бобур мирзо ўн бир ёшли ўспирин эди. Ушбу гапда ёйиқ сегмент бўлак *Гўзал Хонзода бегим чавандоз кийимини кийиб, инисининг мулозимлари билан чавгон ўйнаган эди* пресуппозициясига ишора қилади.

Сегмент бўлак ҳам ёйиқ, ҳам уюшиқ ҳолда келганда шаклан ва мазмунан мураккаблашади. *Жонсиз шуъла дунёси, совуқ, чексиз жимжитлик. Бу ерда руҳан эзиласиз, фақат гарбга қарагингиз келади* (А.Мухтор). Бу тарзда тузилган сегмент қурилмаларнинг фақат биттаси ўзидан кейинги гапда олмош билан алоқаланади. Бу ўринда биринчи сегмент бўлак *Жонсиз шуъла дунёси* кейинги гапдаги ўрин олмоши позициясидаги бу

*ерда бирикмаси* билан алоқаланган. Сегмент бўлақлар китобхоннинг диққатини тортишга, сегмент сифатида ажратилган қисмни бошқаларидан ажратиб кўрсатишга хизмат қилган. Бу ўринда сегмент бўлақ воқеликнинг содир бўлиш ўрнига эътибор қаратишга хизмат қилган.

*Кўпчиликнинг оғзида тўсатдан тахтга чиққан ҳинд йигити Низомнинг номи. Минг-минг одамлар бу ҳодисанинг тафсилотини ва Низомнинг қанақалигини билгиси келади* (П.Қодиров).

Сегмент қурилмада қуйидаги пропозициялар ифодаланган: 1. Ҳинд йигити Низом тўсатдан тахтга чиққан. 2. Бу кўпчиликнинг оғзига тушди. Кўринадикки, ёйиқ ҳолдаги сегмент қурилма китобхоннинг диққатини таъкидланаётган воқеа-ҳодисага тортиш билан бирга гапни мазмунан мураккаблаштириб, бир неча ахборот ифодалашга ҳам хизмат қилади. Қуйидаги гапларда ҳам мазмунан, ҳам шаклан мураккаблашувни кўриш мумкин. *Сулувнинг йигирма йиллик якка-ю ёлғиз қадрдони, ёлғиз отаси. Мана у гуркираб турган йигит ҳаётдан тириклай маҳрум этилди.* (А.Мухтор).

Сегмент қурилмада *Сулувнинг отасидан бошқа яқин кишиси йўқ деган* пресуппозиция ифодаланган.

*Дараларнинг у томонида осмонга ўрлаган Помир силсилалари. Совуқ ва кўм-кўк гумбаз остидаги бу жонсиз кенгликлар мудҳиш пўртаналар пайтида бирдан қотиб қолган океанга ўхшайди* (А.Мухтор). Ушбу сегмент қурилмада қуйидаги пропозициялар ифодаланган. 1. Сўзловчи даранинг бошқа томонида турибди. 2. Даранинг иккинчи томонида осмон барабар Помир тоғлари.

Ёйиқ сегмент бўлақ таркибида сифатдош ўрам, равишдош ўрамлар ҳам келиб, гапни ҳам шаклан, ҳам мазмунан мураккаблаштиради. Бундай ҳолларда сегмент бўлақнинг ўзида бир неча ахборот ифодаланади. *Дадамга ўхшаган, онамга ўхшаган ўнлаб кишилар бировларнинг ҳақидан уриб, еяётган оғзидан тортиб олиб, милицияга чап бериб, назоратдан қочиб, қасам устига қасам ичиб, тийинлаб йиққан ҳаром пуллари эвазига тикланган шоҳона иморат. Энди у куйиб кул бўлади* (Х.Тўхтабоев). Ушбу сегмент бўлақда

қуйидаги пропозициялар ифодаланган: 1. Ўнлаб кишилар сўзловчининг дадасига, онасига ўхшаб бировларнинг ҳақидан уради. 2. Уларнинг ҳақини оғзидан тортиб олади. 3. Милицияга чап беради. 4. Назоратдан қочади. 5. Қасам устига қасам ичади. 6. Тийинлаб ҳаром пуллар йиғиб шоҳона иморат куради. Сифатдош ўрам шаклидаги бундай сегмент бўлақдан сўзловчининг ота-онаси ҳалол одамлар эмас ҳамда иморат ҳаром пуллар эвазига қурилган деган пресуппозиция ифодаланган. Бундай сегмент бўлақлар бир неча ахборот бериш билан бирга, сўзловчининг кучли ҳаяжонини, нафратини, ҳистуйғуларини ифодалашга ҳам хизмат қилади. Уюшиқ ҳолда келган сегмент бўлақ ҳам воқеа-ҳодиса ҳақида тўлиқроқ тасаввур беришга хизмат қилади. *Ҳазин қўшиқлар оғушида мудраган оқшомлар, ой нурига зарқ бўлган осмон... Тиркаш дунёга келиб энг аввал шуларни кўрганди (Ў. Ҳошимов).* Ушбу сегмент бўлақдан *Тиркаш ҳазин қўшиқлар оғушида ўсган* деган пресуппозиция англашилади.

Бирикмали қўлланган сегмент қурилма ўзидан кейин келган гапдаги отлашган сон билан ҳам алоқаланиши мумкин. Бундай ҳолларда сегмент бўлақ билан алоқаланган гап сегмент бўлақ орқали ифодаланган бирлик ҳақида батафсил маълумот беришга, уни ҳар томонлама тавсифлашга хизмат қилади. Бундай сегмент бўлақлар тавсифий характерда бўлиб, қаҳрамоннинг характер-хусусиятини ҳам очишга хизмат қилади: *Ғажиб ташланган икки тилим қовун пўчоғи. Бири остонада, лой этик пошнаси билан эзилгани эса кўрна устида суви чиқиб ётибди (А.Мухтор).* Бирикмали сегмент бўлақлар содир бўлиши мумкин воқеа-ҳодисанинг қўламини ифодалашга ҳам хизмат қилади. *Асов бўрон олдидаги хатарли сукунат. Ўша, Самарқанд муҳорабасинда умид чирोगи хиралашиб, Ҳузорга бош эгиб қайтганидан буён Абдумалик тўранинг кўнгли хижил, Кўлоб, Болжувон, Кофирниҳон, Денову шерободликлар тўп-тўплари билан уй-уйларига қайтиб кетишди (Самар Нурий).*

Бирикмали қўлланган сегмент бўлақ матнда адресатнинг диққатини маълум бир ўринга қаратиш учун актуаллаштирилади. Бирикмали тарзда

қўлланган сегмент бўлак бир неча пропозиция ифодалаш билан гапни мазмунан мураккаблаштиради ва ихчам шакл орқали кўп маъно ифодалайди, шу тариқа сегмент бўлакда синтактик-семантик асимметрия юзага келади<sup>181</sup>.

Кетма-кет келган сегмент бўлақлар воқеа-ҳодиса юз берган жойни аниқ тасвирлаш учун хизмат қилади. *Кармана. Хос боғ. Зарафшон соҳилидаги бу боғни жаноби олийлари Музаффархон Карманада ҳоким бўлган пайтларида ўзлари барпо эттирган, дарёдан канал тортириб, дарахтларни сарҳиллаб эктирган эди* (Самар Нурий).

Кетма-кет қўлланган сегмент бўлақлар китобхон диққатини бирон бир предметга қаратиш билан бирга тасвирни бўрттиришга, таъсирчанликни таъминлашга хизмат қилади. *Тун. Қабристон. Сукунат. Фоний дунёнинг азобу ташвишларидан қутулиб, бунда ётканларнинг оромини бузмаслик учун шабада ҳам ораламайди* (Т.Малик). Келтирилган мисолда учта сегмент бўлак *тун, қабристон, сукунат* кетма-кет қўлланилган, улардан фақат биттаси *қабристон бўлаги* ўзидан кейинги гапдаги *бунда* олмоши билан ифодаланган ўрин ҳоли билан алоқаланган, қолган сегмент бўлақлар эса сегмент бўлақлар занжирини ҳосил қилиб, мавжуд воқеликни таъсирчан ифодаланишига хизмат қилади.

*Фақат мен...*

*Мен фақат аросатдаман...*

*Таслим бўлиш билан бўлмаслик аро;*

*Елкаларим оғ(р)ир ўтмиш юкидан* (У.Ҳамдам).

Йиғиқ ҳолда келган ушбу мисолда сегмент бўлак таркибидаги *фақат* юкламаси пресуппозицияси сингализатори бўлиб, сегмент бўлакнинг ўзида «бошқа эмас»деган пресуппозиция ифодаланган.

*Баҳор. Ҳар хил гуллар кўп. Қучоғимни тўлатиб гул тераман. Ҳориб мачитга қайтганимда палов тайёр экан. Гўшти, ёғи оз бўлса ҳам палов. Сопол лаганларга сузилган ошни маза қилиб иштаҳа билан ошай бошлаймиз*

---

<sup>181</sup> Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Фан, 1984. – Б.12.



(Ойбек). Келтирилган мисолда *Гўшти, ёғи оз бўлса ҳам палов* ёйиқ ҳолдаги сегмент бўлақдан ошнинг ёғи, гўшти кўп бўлиши керак деган пресуппозиция англашилади. «Умуман, пресуппозиция прагматика муаммоси сифатида мантикий-фалсафий категория тушунчаси билан узвий боғланади»<sup>182</sup>.

Сегмент бўлақ бирикмали ҳолда келганда гапнинг мазмунини мураккаблаштиради. Сегмент бўлақ ахборотни бошқаларидан ажратиб кўрсатиш билан бирга адресантнинг мақсадини ҳам ифода этади. Бу мақсаднинг тўғри англаниши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур бўлади. Сўзловчининг мақсади сегмент бўлақда бир неча пропозиция ифодаланганда ўзига хосликни таъминлайди ҳамда уни изоҳлаб келаётган гап билан бевосита боғлиқ ҳолда англашилади.

### 3.4. Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси

Инсон тил воситасида мулоқотга киришади, мулоқот жараёнида ўз фикрини тингловчига тўлиқ ва тушунарли қилиб етказиш учун тилда мавжуд воситаларнинг энг мақбулини танлаб олади. Нутқда турли-туман ифода шаклларининг юзага келишида сўзловчининг кўзлаган коммуникатив мақсади муҳимдир. Биз кузатаётган ҳар бир воқелик бирор замон ёки маконда юз беради. Шунинг учун воқеликни тўлиқ акс эттиришда мулоқот иштирокчилари замон, макон ифодаловчи бирликларга мурожаат қиладилар.

«Дейксис» сўзининг асл юнонча маъноси «кўрсатиш», «ишора» бўлиб, илмий қўлланишда лисон воситасида «воқеликка ишора, кўрсатиш» мазмунини олган. Кўрсатиш, ишора вазифасини адо этувчи бирликларни *дейктик ибора* деб аташади»<sup>183</sup>. «Дейктик иборалар коммуникатив ҳодиса-узатилаётган ахборотнинг маълум қисмларини алоҳида таъкидлаш, аниқлаштириш учун хизмат қилишади»<sup>184</sup>.

Тил тизими марказида дейксис воқеликни экстралингвистик

<sup>182</sup> Ҳақимов М. Кўрсатилган дисс. – Б 33

<sup>183</sup> Сафаров. Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б .154

<sup>184</sup> Сафаров.Ш.Кўрсатилган асар. – Б 164.

(прагматик аспектда) ва лингвистик (ифоданинг аниқ лисоний воситаси) омиллар асосида кўрсатувчи ҳодиса сифатида туради<sup>185</sup>. Шунга кўра дейксисни юзага чиқарувчи воситаларни икки турга бўлиш мумкин: лингвистик ва экстралингвистик воситалар.

Дейксис ҳақида монографик тадқиқот олиб борган Н.А.Сребрянская, дейксис ишора қилар экан, ҳақли равишда нимага ишора қилади, деган савол туғилади дейди ҳамда ушбу саволга жавоб тариқасида Ч.Филморнинг «дейксис – бу сўзловчи шахси ва адресатга, фикр айтилаётган макон ва замонга ишора» деган фикрини келтиради»<sup>186</sup>.

Матннинг мазмунан тўлиқ, мукамал, бадийлик жиҳатидан юксак бўлишида ундаги ҳар бир бирликнинг ўз ўрнида қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга. Дейксис ана шундай воситалардан бири саналиб, матнда жуда кўп вазифаларни бажара олади. «Ўзбек мулоқот матнлари таҳлили асосида дейксиснинг шахс, замон, предмет, макон, белги, эмоционал ва рухий ҳолат, муайян воқеликка ҳамда матн таркибий қисмларига ишора каби турларини фарқлаш мумкин бўлади»<sup>187</sup>. Бундай ҳолатда дейксис кузатувчининг турли нуқтаи назаридан қарашини намоён қилади ҳамда ишора қилувчи восита сифатида бир бутунликни ташкил этади.

Дейксис тилда ўзига хос семантик майдон ҳосил қилиб, унинг марказида нутқ ижодкори, яъни сўзловчининг ўзи туради. «Дейксис сўзловчининг нутқ фаолияти жараёнида маълум маконда жойлашганлигини белгилайди. Шу нуқтаи назардан гапирганда, дейксис дискурс даражасида ўрганилиши керак ҳамда «ҳаволанинг махсус ҳолати» сифатида эътироф этилиши мумкин»<sup>188</sup>.

Дейксиснинг ифода воситалари хилма-хил бўлиб, улар воқеликдаги предмет-ҳодисаларни бевосита атамасдан унга ишора қилади, нутқий

<sup>185</sup> Сребрянская Н.А. Дейксис и его проекции в художественном тексте. – Воронеж, 2005. – С. 8

<sup>186</sup> Сребрянская Н.А. Кўрсатилган асар, ўша бет.

<sup>187</sup> Лутфуллаева Д., Давлатова Р. Ўзбек мулоқот матнининг дейктик бирликлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №6. – Б.34

<sup>188</sup> Шерматов А.А. Инглиз илмий – техник матнида дейксиснинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2007. – Б. 17

жараёнда иштирок этувчиларга нисбатан уларнинг жойлашувини, ўрнини кўрсатади.

Тилшуносликда тилнинг коммуникатив ҳамда когнитив функцияси ажратилиб, ишора қилувчи модалликни ифодаловчи тил бирликларидан бири дейксисдир<sup>189</sup>. Тилшуносликда дейксис ҳодисаси кенг тадқиқ қилинган бўлиб, аксарият тилшунослар унинг шахс дейксиси, замон ва макон дейксиси каби турларини фарқлашади. Ю.Д.Апресян юқорида қайд этилган мазмуний турларидан ташқари кузатувчи дейксисини ҳам фарқлайди<sup>190</sup>. Дейксиснинг мазкур турларидан ташқари Ю.Д.Апресян бирламчи дейксис (диалог дейксиси, сўзловчи ва тингловчи бир-бирини кўриб турган жараён) ва иккиламчи дейксис (нарратив, ҳикоя мазмунли) бевосита нутқий жараён билан боғлиқ бўлмаган турларга ҳам ажратади<sup>191</sup>.

Ю.Д.Апресян макон дейксиси ҳақида гапирганда, сўзловчи билан бирга кузатувчи шахс ҳақида ҳам тўхталиш зарурлигини айтиб, классик дейктик бирликлар *бу ерда, у ерда, у ёққа бу ёққа, у бу, мана бу ана* у қўлланилган жараёнда сўзловчи ва кузатувчи бир шахс эканлигини таъкидлайди. Шундай дейктик бирликлар ҳам бўлиб, бундай тенг келиш шарт эмаслигини инглиз тили материаллари асосида изоҳлайди<sup>192</sup>. «Дейктик элементларнинг нутқдаги қўлланиши пропозиция таркибини кучайтириш, муаллифнинг ички мақсади билан боғлиқ бирор ахборотга ишора қилиш функциясини бажаришдан иборатдир. Дескриптив бўлмаган элементларнинг асосий хусусияти улар ифода этаётган асосий пропозициядан ташқари кўшимча ахборот кўринишининг мавжудлигига ишора қилишдир»<sup>193</sup>.

Сегмент қурилмаларни изоҳлаган гап таркибида кишилик ҳамда кўрсатиш олмошларининг келиб, асосий гап таркибидаги дейксис турли предмет, шахс, ҳодисаларга ишора қилиши мумкин.

---

<sup>189</sup> Артемова О.А. Дейксис и анафора как указательные средства языка: универсальное и уникальное <http://elib.bsu.by/bitstream/123456789/164664/1/>

<sup>190</sup> Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике наивная модель мира. – С.285-289. [http://lpcs.math.msu.su/~uspensky/journals/siio/35/35\\_12APRES](http://lpcs.math.msu.su/~uspensky/journals/siio/35/35_12APRES)

<sup>191</sup> Апресян Ю.Д. Кўрсатилган манба. – С.276.

<sup>192</sup> Апресян Ю.Д. Кўрсатилган манба. – С.277

<sup>193</sup> Ҳақимов М. Кўрсатилган дисс. – Б.29

*Поезд чинқириги... турна овози...*

*Гоҳ най мусиқаси...ингичка, узун.*

*У товуш келади қанотин ёзиб,*

*Чорлайди, қувончга кўтармоқ учун (Й.Эшбек).*

Келтирилган мисолда у дейксиси предметга ишора қилган. У кўрсатиш олмоши нутқ эгасидан узоқда турган, кўринмаётган, баъзан бор деб тасаввур қилинадиган алоҳида предметга ишора қилади. Бу ўринда товушнинг *поезд чинқириги, турна овози, най мусиқасидан* бошқа нарса бўлиши мумкинлигига ҳам ишора бор унинг нима эканлиги сир тутилиши тингловчини мушоҳада юритишга ундайди. «Дейктик бирликлар объектив борликдаги вазиятнинг тилдаги ифодаси – пропозиция ифодаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда муайян пропозиция гапда дейктик бирлик орқали яширин тарзда юзага чиқади»<sup>194</sup>.

*Одамларнинг соддалиги!...Одамларнинг софлиги... азиз армонлари. Йўқ, булар мени бу дунёга сиздирмайди (А.Мухтор).* Олмош бошқа мустақил сўз туркумларидан фарқли равишда, нутқ вазиятини, нутқ кўринишини талаб этади, унинг қандай маъно англатаётганлиги контекстда намоён бўлади. Келтирилган мисолдаги *булар* дейксиси инсонга хос характер-хусусиятга, руҳий ҳолатга ишора қилган.

Ўринга, маконга ишорани англатувчи кўрсатиш олмошлари предмет, объект ёки субъектнинг жойлашган ўрнига ишора қилиши билан бирга сўзловчининг шу предмет, объект ёки субъектдан қай даражада яқин ёки узоқдалигини ҳам кўрсатади. Бунда ишора қилинаётган предметдан сўзловчининг қай даражада «узоқ»далиги *ана* кўрсатиш олмоши, «яқин»далиги *мана* кўрсатиш олмоши воситасида ифодаланади.

Сегмент қурилма таркибидаги ишора объекти сўзловчига яқин ўринда жойлашганлиги, сўзловчи уни кўриб турганлиги *мана* олмошининг ишоравий семасидан англашилади. Сегмент қурилма таркибида *мана*

---

<sup>194</sup> Давлатова Р. Пропозициянинг дейктик бирликлар орқали ифодаланиши // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.85

дейксиси қатнашганда сўзловчининг у ахборот бераётган шахс билан яқин ёки узоқлигидан ташқари шу шахсга нисбатан муносабати, унга нисбатан ачиниш, ўз ишидан пушаймонлик, нимадандир кўнгли тўлмаслик каби кўшимча маъно оттенкаларини ҳам беришда қўл келади. *Мана, онам... Бармоқлари тирикчилик юмушлари туфайли ёрилиб, қабариб кетган – худди шахтада қўл билан тинимсиз кўмир қазийдиган эркак кишиларники мисол* (У.Ҳамдам).

Сегмент қурилмали гапларда сегмент бўлак таркибида *мана, ўша* сўзлари қўлланганда аввал баён қилинган воқеа – ҳодиса ҳақида эслатилади. Бундай дейктик бирликлар «нутқ парчаларининг ёки тузилма таркибининг узвий боғлиқлигини, унинг мазмунан яхлитлигини таъминловчи занжир вазифасини бажаради»<sup>195</sup>. *Мана ўша, кўчага қараган очиқ айвон. Мана ўша қизғиш тувакдаги шапалоқ гул. Софья Борисовна эрининг ёнига келган кунлари посёлка бозорчасидан биринчи харид қилган нарсаси гул бўлган* (А.Мухтор). Келтирилган мисолдаги *мана ўша, кўчага қараган очиқ айвон* ёйиқ ҳолдаги сегмент бўлакдаги макон ифодаловчи дейксис сўзловчи ва тингловчи учун олдиндан маълум бўлган предметга ишора қилиб, яширин пропозиция ифодаланиши учун хизмат қилган. Бу ўринда сўзловчининг бу маконда олдин ҳам бўлганлиги, қаҳрамон билан уни боғлаб турувчи қандайдир муносабат, алоқа борлигига ишора қилинади.

Бу ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. *Мана, ўша тақир тепалик!... Дадаали акаларнинг куз аёзиди дийдираган ертўласидан билинар-билимас чуқурча қолибди, холос* (А.Мухтор).

Дейксиснинг яна бир турларидан бири эмоция ифодалаш дейксисидир. Ҳар қандай вазиятда сўзловчи эмоционал воқеликка у ёки бу нуқтаи назардан ёндашади. Бу позиция ҳар доим шахсий, сўзловчининг эмоционалликни қай даражада билиши ва уни қабул қилишига боғлиқ бўлиб, тингловчининг уни

---

<sup>195</sup> Давлатова Р. Матн таркибида ишора бирликлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. 2-сон. – Б.101.

қандай қабул қилиши инобатга олинмайди<sup>196</sup>. Эмоция дейксисининг кўрсаткичларидан бири баҳолаш ҳаракати бўлиб, сегмент қурилмаларда баҳо муносабатининг акс этиши ҳақида ишимизнинг аввалги қисмида сўз юритган эдик.

Маълумки, олмошларнинг функционал хусусиятлари нутқ жараёнида намоён бўлади. Дейктик бирликларни тадқиқ қилган С.Раҳимов шахс дейксиси бўлган у олмошининг вазифаси чап тарафдаги контекстга боғлиқ равишда конкретлашиши мумкинлигини таъкидлайди<sup>197</sup>. Бундай ҳолларда кишилиқ олмоши аввал қайд этилган бирор воқеликни эсга олиш вазифасини бажаради. *Ҳалиям ўша-ўша ерлар. Фақат нафс, очкўзлик балосими, дарахтлар – сой бўйи кета-кетгунча сариқ тол, яъни мажнунтоллар билан қопланган, орасидан зўрға ўтиб борардинг, қўлинг узилгурлар, на иморатга ёғоч бўлади, на деворбоп, на ўтинликни обод қилади – шуларниям битта қўймай қирқиб олишган-а. Солисойнинг оғзида бир тупгина ёввойи қизил олма бўлиб, ўшанинг шарафига бир парчагина ер Қизилолма аталар ва ҳамма учун тушунарли манзил ҳисобланарди. Олмани то пишмагунча оғизга олиб бўлмас, тахир бир бало, аммо пишгач, жуда мазали, сувли, еганда жон бахш қилувчи мевага айланарди. Сой четида қайрағочдай серсоя бўлиб турувчи шу олманиям кесибдилар – бўйнингга от тепгурлар. Бир сойда икки-уч туп ёввойи ўрик, яна бирида ёввойи олмурут – нок. Токли деган жойда ёввойи узум ўсади. Уч тупгина узум. Униям фақат пишганда татиши мумкин, холос. Бўлмаса, оғзингни шунақа тахир қилиб ташлайдик, уч кунгача еган-ичганингнинг таъмини сезмай юрасан (С.Ўнар).* Келтирилган матнда бир неча ўринда сегмент қурилма қатнашган бўлиб, уни изоҳлаб келаётган асосий гап таркибида учинчи шахс кишилиқ олмоши ҳамда кўрсатиш олмоши коррелят сифатида келган. Биринчи сегмент бўлак *ҳалиям ўша-ўша ерлар* сўзловчи ҳамда тингловчига олдиндан маълум бўлган маконга ишора

---

<sup>196</sup> Шаховский В.И, Жура В.В. Дейксис в сфере эмоциональной речевой деятельности // ВЯ. 2002. – №5. – С.38

<sup>197</sup> Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разносистемных языках. – Ташкент: Фан, 1989. – С.12.

қилган. *Бир сойда икки-уч туп ёввойи ўрик, яна бирида ёввойи олмурут – нок* ёйиқ ҳолда ифодаланган сегмент қурилмада тилга олинаётган макон табиати ҳақидаги ахборот тўлдирилган. *Уч тупгина узум* сегмент бўлаги эса ўзидан олдин келган *Токли деган жойда ёввойи узум ўсади* ва ўзидан кейин келган *Униям фақат пишганда татиш мумкин, холос* гаплари билан зич алоқада. *Уч тупгина узум* сегменти шаклан парцеллятив бирикмага ўхшаб кетади, лекин матн синчиклаб ўқилса, унинг алоқаси чап тарафдаги контекстан кўра ўнг тарафдаги контекста нисбатан зичроқ эканлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари парцелляцияда парцеллятни гап таркибида ўз ўрнига тиклаш мумкин, бу ўринда сегмент сифатида ажратилган *уч тупгина узум* сегменти ўзидан кейин келган гапдаги предмет дейксиси у ўрнига осонлик билан ўрнашади. Гапни сегментланмаган ҳолда қуйидагича қайта тузганда буни кўриш мумкин: *Уч тупгина узумниям фақат пишганда татиш мумкин, холос.*

Олмошнинг функционал хусусиятлари нутқ жараёнида ва контекстда намоён бўлади. *Мен* дейксиси сўзловчи шахсига ишора қилиб, нутқ жараёнида адресантнинг руҳий ҳолати, ижтимоий мавқеи, мақсади, орзу-ўйларини намоён қилади. Сегмент қурилмаларда эса коррелят сифатида биринчи шахс кишилиқ олмошлари келмайди. Демак, сегмент қурилмали гапларда дейксис ҳар доим тингловчига – адресатга ёки сўзловчи назарда тутган предмет, воқеликка ишора қилади.

## **БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР**

1. Сегментлаш натижасида шаклланган сегмент қурилмали гаплар боғланиш йўли билан ҳосил бўлган одатий гаплардан фарқ қилади. Сегмент қурилмали гаплар билан боғланган гапларнинг сигнификатив ва детотатив вазифаси бир хил бўлиб, уларнинг фарқи прагматик маъноси ва структурал тузилишидадир. Ҳар иккала ҳолда ҳам бир хил ахборот берилади, лекин сегмент қурилмали гапларда боғланиш йўли билан ҳосил бўлган синтактик

бирликлардан фарқли ўлароқ, экспрессивлик, сўзловчининг муносабати ҳам ифодаланади.

2. Сегмент бўлакнинг коррелляти сифатида келган олмошнинг маъноси нутқ вазияти билан боғлиқ равишда конкретлашади, ана шу маънонинг конкрет ифодаланиши учун нутқ иштирокчилари прагматик билимга эга бўлишлари талаб этилади.

3. Сегмент қурилмали гапларда ҳам баҳо муносабати ифодаланиши мумкин. Субъект билан боғлиқ ҳар қандай нутқда сўзловчининг хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий бўлсин муносабати акс этади. Прагматика ва экспрессив синтаксис адресантнинг нутқи орқали шахсий муносабатини ифодалаганда, бу муносабат контекста намоён бўлган ўринда кесишади.

4. Сегмент қурилмалар бадиий асарда шахсий – экспрессив баҳолаш вазифасини ҳам бажаради.

5. Сегмент қурилмаларга хос бўлган асосий хусусият у билан алоқаланган гап таркибида кишилиқ ҳамда кўрсатиш олмошларининг келиши бўлиб, асосий гап таркибидаги дейксис турли предмет, шахс, ҳодисаларга ишора қилиши мумкин.

6. Ёйиқ ҳолда келган сегмент бўлакларда бир неча пропозиция ифодаланиши мумкин, шу жиҳати билан сегмент қурилмалар гапни ҳам шаклан, ҳам мазмунан мураккаблаштиради.



## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Сегментация экспрессив синтаксисга оид ҳодиса бўлиб, сўзловчининг коммуникатив мақсадига кўра таъкид олган бўлак гап таркибидан ажратиб олиниб, гапнинг олдига чиқарилади.

2. Сегмент қурилмалар шаклан мурожаат бирликлари, вокатив гаплар, ажратилган бўлакли гаплар, ундаш гаплар, уюшиқ бўлакли гаплар, парцелляцияга ўхшаб кетади. Сегмент қурилмали гапларда у билан алоқаланган гап таркибида учинчи шахс кишилиқ ҳамда кўрсатиш олмоши иштирок этади, мурожаат бирликлари, вокатив гапларда эса иккинчи шахс кишилиқ олмоши қатнашади. Сегментация парцелляциядан фарқ қилади. Парцелляция актуал бўлакланиш сатҳида ремага, сегментация эса темага тўғри келади. Сегмент қурилмалар асосан монологик нутқда, парцелляция эса ҳам диалогик нутқда, ҳам монологик нутқда қўлланилади. Парцеллятни ҳеч қийинчиликсиз ўз ўрнига тиклаш мумкин. Сегментацияда эса сегмент бўлак ўрнини унинг корреляти эгаллаган бўлади.

3. Сегмент бўлак йиғиқ ёки ёйиқ ҳолда ифодаланиши мумкин. Коррелятнинг иштирокига кўра сегмент қурилмаларни коррелятли, коррелятсиз турларга ажратиш мумкин.

4. Атов гапларни сегментлаш натижасида ҳосил бўлган ва сегментацияга алоқадор бўлмаган атов гаплар сифатида тасниф қилиши мумкин. Атов гапларнинг корреляти уни изоҳлаб келган гап таркибида от-кесим, эга, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи, ўрин ҳоли вазифасида келиши мумкин.

5. Сегмент қурилмаларнинг энг кўп учрайдиган тури тасаввур номлари ва мавзу ифодаловчи гаплар бўлиб, бу икки ҳодиса функционал жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Тасаввур номларида экспрессивлик, бадийлик ва психологизм кучли бўлса, мавзу ифодаловчи гапларда ахборотни етказишда тингловчининг диққатини маълум бир жиҳатга қаратиш асосий хусусият саналади.

6. Сегмент қурилмалар субстантив шаклдаги баённинг корреляцияси асосига қурилади. Кейинги қисмда у субстантив характердаги сўз ёки олмош билан алмашади. Сегмент бўлакнинг маъноси бир ёки бир неча гаплар ёрдамида изоҳланиши мумкин. Шу жиҳатига кўра сегмент бўлақлар матн шакллантирувчи восита саналади.

7. Сегмент қурилмали гаплар билан боғланган гапларнинг сигнификатив ва денотатив вазифаси бир хил бўлиб, уларнинг фарқи прагматик маъноси ва структурал тузилишидадир. Ҳар икки ҳолда ҳам бир хил ахборот берилади, лекин сегмент қурилмали гапларда боғланиш йўли билан ҳосил бўлган синтактик бирликлардан фарқли ўлароқ, экспрессивлик, сўзловчининг муносабати ҳам ифодаланади. Сегмент бўлакнинг корреляти сифатида келган олмошнинг маъноси нутқ вазияти билан боғлиқ равишда конкретлашади, ана шу маънонинг конкрет ифодаланиши учун нутқ иштирокчиларининг прагматик билимга эга бўлишлари талаб этилади.

8. Экспрессив синтаксис прагматика билан чамбарчас боғланган. Прагматика тил белгиларининг нутқий жараёнда воқеланишини тадқиқ қилади. Сегмент қурилмали гапларда ҳам баҳо муносабати ифодаланиши мумкин. Субъект билан боғлиқ ҳар қандай нутқда сўзловчининг хоҳ ижобий, хоҳ салбий муносабати акс этади. Прагматик баҳонинг юзага келишида сегмент сифатида ажратилган сўзнинг маъноси, ижобий ёки салбий бўёққа эга бўлиши, сегмент қурилмали гаплардан кейин келиб, у билан мазмунан боғланган гап таркибидаги сўзларнинг маъноси, жойлашиш ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга.

9. Сегмент қурилмали гапларда асосан шахс, предмет, воқелик ҳамда маконга ишора қилувчи дейкислар иштирок этади. Ўринга, маконга ишорани англатувчи кўрсатиш олмошлари предмет, объект ёки субъектнинг жойлашган ўрнига ишора қилиши билан бирга сўзловчининг шу предмет, объект ёки субъектдан қай даражада яқин ёки узоқдалигини ҳам кўрсатади.

Сегмент қурилмалы гапларда сегмент бұлақ таркибида *мана, ұша* сўзлари қўлланганда аввал баён қилинган воқеа – ҳодиса ҳақида эслатилади.

10. Ёйиқ сегмент бұлақ таркибида сифатдош ўрам, равишдош ўрамлар ҳам келиб, гапни ҳам шаклан, ҳам мазмунан мураккаблаштиради. Бундай ҳолларда сегмент бұлақнинг ўзида бир неча ахборот ифодаланади. Сегмент бұлақ ахборотни ажратиб кўрсатиш билан бирга адресантнинг мақсадини ҳам ифода этади. Бу мақсаднинг тўғри англаниши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур бўлади. Сўзловчининг мақсади сегмент бұлақда бир неча пропозиция ифодаланганда ўзига хосликни таъминлайди ҳамда уни изоҳлаб келаётган гап билан бевосита боғлиқ ҳолда англашилади.

## Фойдаланилган адабиётлар

### I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, №28 (6722).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли қарори.  
<http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx>.
3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом, шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

### II. Илмий адабиётлар:

4. Абдуллаева С. Пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг матндаги семантикаси // Fledu.uz. 29.04.2017. № 2 (16) 2017.
5. Акимова Г.Н. Наблюдения над сегментированными конструкциями в современном русском языке // Синтаксис и стилистика. – М.: Наука, 1976. – С.237-248.
6. Акимова Г.Н. Развитие конструкций экспрессивного синтаксиса в русском языке // ВЯ. – М.: Наука, 1981. – № 6. – С.109-121.
7. Акимова Г.Н. Новое в синтаксисе современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1990. – 168 с
8. Арутюнова И.Д. Предложение и его смысл. – М.: Наука, 1976. – 383 с.

9. Арутюнова И.Д. Об объекте общей оценки // ВЯ. – М.: Наука, 1985. – № 3 – С.13-25.
10. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – 598 с.
11. Ахмедов А. Ўзбек тилининг экспрессив синтаксисига ҳос бир конструкция ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. 3-сон. – Б. 34-39.
12. Ахмедова Н. Ўзбек тили мурожаат бирликлари. – Тошкент, 2009. – 92 б.
13. Бабайцева В.В. Односоставные предложения в современном русском языке. – М.: Просвещение, 1968. – 432 с.
14. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Издательство Иностранной литературы, 1955. – 416 с.
15. Боймирзаева С. Баҳо фаолияти ва унинг матнда ифодаланиши // Хорижий filologiya. – Samarqand, 2008. – №2. – Б. 12-15.
16. Бурханов З. Кўмакчили курилмалар пресуппозицияси // Педагогик таълим. – Тошкент, 2004. 3-сон. – Б. 61-62.
17. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар прагматикаси. – Тошкент, 2006. – 72 б.
18. Валгина Н. С. Теория текста // Учебное пособие. – М.: Логос, 2003. – 173 с.
19. Валгина Н.С. Активные процессы в современном русском языке. – Логос, 2003. – 304 с.
20. Давлатова Р. Пропозициянинг дейктик бирликлар орқали ифодаланиши // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари . Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.85-86.
21. Давлатова Р. Матн таркибида ишора бирликлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. 2-сон. – Б.100-104.
22. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 124 б.
23. Ковтунова. И. И. Поэтический синтаксис. – М.: Наука, 1986. – 208 с.

24. Лутфуллаева Д., Давлатова Р. Ўзбек мулоқот матнининг дейктик бирликлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. 6-сон. – Б.32-36
25. Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017. – 140 б.
26. Лушникова Г. И., Якищенко Е.А. Лексические средства выражения эмоции возмущения // Вестник КемГУ. 2013. – № 2 (54). – С.106-109.
27. Майорова Л.Е. Именительный представления и именительный темы // Русский язык в школе.1984. – №3. – С.83-85.
28. Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент:Ўқитувчи, 1984. – 148 б.
29. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. 6-сон. – Б. 28-31
- 30.Маҳмудов Н., Нурмонов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 232 б.
31. Махсумова С. Метафоралар орқали коннотатив-прагматик маънонинг ҳосил бўлиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – №5. – Б. 94-96.
- 32.Медведева Интерпретация сегментированных высказываний во французском языке// Вісник ХНУ. 2001. – №973. – С.178-182.
- 33.Менглиев Б. Ўзбек тилини субстанциал-прагматик тадқиқ қилиш – давр талаби // Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истиқболдаги вазифалар. – Тошкент, 2013. – Б.27-28.
34. Микута И.В. Тематические сегментированные конструкции во французской разговорной речи // Вопросы филологии и методики преподавания иностранных языков. – Омск, 2000. – С.94-98.
35. Мурясов Р.З., Самигулина А.С., Федерова А.Л. Опыт анализа оценочного высказывания // ВЯ. – М., Наука, 2004. – №5. – С.68-78.
- 36.Норман, Б. Ю. Лингвистическая прагматика (на материале русского и других славянских языков): Курс лекций – Минск, 2009. – 183 с.
37. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – 296 б.

38. Нурмонов А., Ҳақимов М. Синтактик бирликларнинг прагматик томони // Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 3 - жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 376 б.
39. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси (-дан ташқари конструкцияси) // Танланган асарлар. 3 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 376 б.
40. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013. – 264 б.
41. Пардаев З. Прагматик мазмун ва баҳолаш муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. 4-сон. – Б. 69-73.
42. Паршина О.Н. Расчленение высказывания как прием экспрессивного синтаксиса в политической речи // Гуманитарные исследования. 2012. – № 2 (42) – С.110-115.
43. Патроева Н.В. Конструкции с сегментацией в стихотворных произведениях // Ученые записки Петрозаводского Государственного университета. 2008. – № 2. – С.64-70.
44. Пешковский А.М. Русский язык в научном освещении. – М. 1956. – 512 с.
45. Попов А.С. Именительные темы и другие сегментированные конструкции в современном русском языке // Развития грамматики и лексики современного русского языка. – М.: Наука, 1964. – С. 256-274.
46. Попов А.С. Сегментация высказывания // Русский язык и советское общество. Морфология и синтаксис современного русского языка. – М.: Наука, 1968. – С. 302-321.
47. Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. – Тошкент: Фан, 1974. – 235 б.
48. Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разносистемных языках. – Ташкент: Фан, 1989. – 89 с.
49. Раҳимов Ў. Тағмаъно ва пресуппозия // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. 5-сон. – Б. 29-33.

50. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Иккинчи китоб. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010. – 212 б.
51. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент. 2008. – 318 б.
52. Скребнев Ю.М. Введение в коллоквиалистику. – Саратов, 1985. – 206 с.
53. Сковородников А.П. О соотношении понятий «парцелляция» и «присоединение» // ВЯ. – М., Наука. 1978. – №1. – С. 118-130.
54. Сребрянская Н. А. Дейксис и его проекции в художественном тексте. – Воронеж: ВГПУ. 2005. – 255 с
55. Усмонов Ф. Қиёслашнинг олам лисоний манзараси шаклланишидаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. 6-сон. – Б.103-106.
56. Худойберганова Д. Ажратилган синтактик курилмаларнинг мазмуний-услубий хусусиятлари // Филология масалалари. – Тошкент, 2003. 3-сон. – Б.72.
57. Худойберганова Д. Сегментли матнлар ҳақида // Филология масалалари. – Тошкент, 2004. 4-сон. – Б.43-45.
58. Худойберганова Д. Ёзувчи услуби ва насрий матннинг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. 6-сон. – Б.65-67.
59. Худойберганова Д.О новом виде прецедентных единиц // Хорижий тилларни ўқитишнинг бугуни ва эртаси. Халқаро илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2016. – Б.65-68.
60. Худойберганова Д.Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.
61. Шаховский В.И, Жура В. В. Дейксис в сфере эмоциональной речевой деятельности // ВЯ. 2002. – №5. – С 38-57.
62. Шаховский В.И. Лингвистическая теория эмоций: монография. – М.: Гнозис, 2008. – 416 с.
63. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972. – 144 б.
64. Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент, 2018. – 160 б.



65. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 1980. – 166 б.
66. Ғуломов А., Аскарва М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. 1965. – 316 б.
67. Ҳайитметов К. Ўзбек тилида гапнинг актуал бўлиниши ва позиция масалалари. –Тошкент: Фан, 1984. – 159 б.
68. Щербакова И.В. Гендерная специфика репрезентации эмоций в художественном тексте // Известия Южного Федерального Университета Филологические науки. – № 4.2018. – С.54-63

### **III. Диссертация ва авторефератлар**

69. Абдупаттов М. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент. 1998. – 130 б.
70. Абузалова. М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 110 б.
71. Абукаева Л.А. Экспрессивные синтаксические конструкции в марийском языке: Дисс... док. филол. наук. – Йошкар-ала, 2005. – 320 с.
72. Алексеенко И.В. Парцелляция как грамматическая структура речи (на материале произведений английского языка). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М. 2007. – 25 с.
73. Андриянова С.Н. Сегментированные конструкции в составе текста. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург.1993. – 16 с.
74. Базаров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2004. – 23 б.
75. Боймирзаева С. Ўзбек тилида матнинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри дисс. ... автореф. – Тошкент, 2010. – 49 б.

76. Бурхонов З.Б. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиқлар прагматикаси (пресуппозцион аспект): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент. 2008. – 130 б
77. Добрычева А.А. Парцелляция в прозе С.Довлатова: от предложения к тексту: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Владивосток. 2012. – 20 с.
78. Жаворонкова Т.А. Сегментированные конструкции с препозитивным местоимением в художественном тексте: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 1992. – 16 с.
79. Зелепукин Р.О. Парцелляция в художественной прозе В.Токаревой: структура, семантика, текстообразующая функции: Дисс... канд. филол. наук. – М., 2007. – 27 с.
80. Ишмекеева Т.Н. Сегментированные конструкции в современном русском языке: на материале газетных заголовков: Дисс... канд. филол. наук. – Волгоград, 2006. – 219 с.
81. Ишмекеева Т.И. Сегментированные конструкции в современном русском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Волгоград. 2006. – 21 с.
82. Йўлдошев М. Бадий матнинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2009. – 49 б.
83. Каркошко О.П. Парцелляция: структура, семантика, функция (на материале русского и немецкого языков): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Майкоп. 2011. – 25 с.
84. Коновалова Т.Р. Сегментированные конструкции в современной русской речи: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Саратов. 1973. – 25 с
85. Мишель М.А. Особенности формирования экспрессивных синтаксических конструкций в речевых жанрах (на материале современной публицистики.): Дисс... канд. филол. наук. – Санкт Петербург, 2002. – 213 с.
86. Омаева З. Я. Синтаксические конструкции экспрессивного типа как средство выражения авторских интенций: на материале художественных произведений В.В.Набокова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2006. – 27 с.

87. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол. фан. д-ри (Doctor of Science) ... дисс. – Тошкент, 2017. – 262 б.
88. Рахимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 23 б.
89. Сафронова Т.Н. Сегментированные конструкции в современном английском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Л., 1975. – 26 с.
90. Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б.
91. Токаев Т.Т. Қирғиз тилинда парцелляция: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Бишкек. 1995 – 24 с.
92. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 119 б.
93. Шерматов А.А. Инглиз илмий – техник матнида дейкиснинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2008. – 155 б.
94. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.
95. Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 2008. – 125 б.
96. Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 72 б.
97. Ғаффоров А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва илова курилмаларнинг синтактик деривацияси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1997. – 130 б.
98. Ғофуров.Х. Ҳозирги замон ўзбек тилида номинатив гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1962. – 147 б.
99. Ҳайдаров Ш. Бадий матнда парцеллятив конструкцияларнинг қўлланилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 147 б.

100. Ҳақимов М. Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1993. – 168 б.
101. Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матнинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри. ... дисс.– Тошкент, 2001. – 283 б.
102. Ҳақимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона. 2004. – 151 б.
103. Ҳақимова М.Ўзбек тилида абстракт ва конкрет номлар зиддияти // Истиқлол ва тил. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2012. – Б. 69-73.

#### **IV. ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ**

104. Артемова О.А. Дейксис и анафора как указательные средства языка: универсальное и уникальное <http://elib.bsu.by/bitstream/123456789/164664/1/>
105. Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике наивная модель мира. – С.285-289. [http://lpcs.math.msu.su/~uspensky/journals/siio/35/35\\_12APRES](http://lpcs.math.msu.su/~uspensky/journals/siio/35/35_12APRES)
106. Барышникова Г. В. Гендерные различия эмоциональной компоненты во французском языке. [http // gendocs/ru/v21245/диссертации\\_по\\_гендерной\\_лингвистике](http://gendocs.ru/v21245/диссертации_по_гендерной_лингвистике).
107. Дейксис [//http://www.krugosvet.ru/articles/76/1007612.htm](http://www.krugosvet.ru/articles/76/1007612.htm)

#### **V. БАДИЙ АДАБИЁТЛАР**

108. Азим У. Жоду. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 333 б.
109. Azim U. Sog‘inch. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2007. – 200 б.
110. Азим У. Юрак. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2009. – 328 б.
111. Азим У. Жимлик. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2012. – 320 б.

112. Аъзамов Э. Отойининг туғилган йили. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 181 б.
113. Аъзамов Э. Олам ям-яшил. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – 160 б.
114. Аъзамов Э. Жавоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 272 б.
115. Аъзам Э. Шовқин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 188 б.
116. Бўрихон Л. Жазирамадаги одамлар. – Тошкент. 2005. – 336 б.
117. Ибодинов А. Оқ, оппоқ булутлар... – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 104 б.
118. Малик Т. Иблис девори. – Тошкент: Шарқ. 2006. – 320 б.
119. Мухтор А. Аму. –Тошкент.1986. – 320 б.
120. Мухтор А. Асарлар. 4 жилдлик. 2- жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 648 б.
121. Мухтор Асқад. Чинор. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – 399 б.
122. Парпи Р. Хотирот. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – 79 б.
123. Парпи Р. Қайтиш. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 192 б.
124. Саййид С. Сўз йўли. Икки жилдлик танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 384 б.
125. Султонов Х. Бир оқшом эртаги. – Тошкент Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 208 б.
126. Худойбердиева Ҳ. Сайланма. – Тошкент: Шарқ. 2000. – 448 б.
127. Эшбек Й. Соғиниб яшайман. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 69 б.
128. Эшбек Й. Мовий турналар. – Тошкент. 1987. – 80 б.
129. Эшбек Й. Яхшиликка қарайман. – Тошкент. 1988. – 80 б.
130. Эшбек Й. Мангу масофа. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. – 192 б.

131. Ҳамдам У. Исён ва итоат. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2003. – 140 б
132. Ҳамдам У. Мувозанат. – Тошкент: Шарқ. 2007. – 266 б
133. Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011. – 352 б.
134. Ҳамдам У. Атиргул. – Тошкент, 2005. – 244 б.
135. Ҳамдам. У. Узоқдаги Дилнура. – Тошкент: Академнашр. 2010. – 232.б
136. Юсуф. М. Булбулга бир гапим бор. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 54 б.
137. Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 288 б.